





А.И.ИСКАНДАРОВ, Д.Р.ҚҰЛДОШЕВ, Э.С.ШАМСИЕВ



## ВРАЧ ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ



Болашактың өткөрмөттөрдөн кейін де оғызданған Нұржан Қарасанов  
А.И.ИСКАНДАРОВ, Д.Р.ҚҮЛДОШЕВ, Э.С.ШАМСИЕВ

Астанада 2005 жылдың 15-ші наурызда өткөрмөттөрдөн кейін де оғызданған Нұржан Қарасанов А.И.ИСКАНДАРОВ, Д.Р.ҚҮЛДОШЕВ, Э.С.ШАМСИЕВ

Астанада 2005 жылдың 15-ші наурызда өткөрмөттөрдөн кейін де оғызданған Нұржан Қарасанов А.И.ИСКАНДАРОВ, Д.Р.ҚҮЛДОШЕВ, Э.С.ШАМСИЕВ

### ВРАЧ ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

#### тиббиёт институти талабалари учун ўқув құлланмаси

Астанада 2005 жылдың 15-ші наурызда өткөрмөттөрдөн кейін де оғызданған Нұржан Қарасанов А.И.ИСКАНДАРОВ, Д.Р.ҚҮЛДОШЕВ, Э.С.ШАМСИЕВ

Тошкент – 2005

Астанада 2005 жылдың 15-ші наурызда өткөрмөттөрдөн кейін де оғызданған Нұржан Қарасанов А.И.ИСКАНДАРОВ, Д.Р.ҚҮЛДОШЕВ, Э.С.ШАМСИЕВ

ҮзР ССВ кадрлар ва ўқув юртлари Бон бошқармаси томонидан тасдиқланган.

**Тақризчилар:** А.С. Чурикова – Андижон тиббиёт институти суд –  
тиббиёти кафедраси мудири, тиббиёт фанлари  
доктори, профессор.

**А.А.Йўлдошев** – I-ТошМИ суд тиббиёти кафедраси мудири, тиббиёт фанлари номзоди, доцент.

С.В.Горюнова – ҳуқуқшунос – маслаҳатчи

Врачларнинг ҳуқуқий тайёрларлиги йўқлиги ёки талаб даражасида бўлмаслиги фуқаролар соғлигини сақлашга зиён келтириб, ушбу соҳадати қонунчиликни таъминлашга салбий таъсир кўрсатади. Бу эса ўз навбатида врачлар фаолиятига нисбатан кўплаб эътироz, шикоятларнинг вужудга келиши, баъзан эса уларнинг жиноний жавобигарликка тортилиши каби нохуши, мураккаб ҳолатларга олиб келади. Эътибор-ларинингизга ҳавола этилаётган ушбу китобда врач фаолиятининг ҳуқуқий асослари ва соғликини сақлаш соҳасидаги қонунчилик асослари ҳақида етарлича маълумотлар келтирилган. Бу маълумотлар ҳар хил мутахассис врачларнинг амалий фаолиятида, экспертиза ходимлари (биринчи навбатда суд—тиббиёти ва психиатрия экспертиза—сида), тиббиёт институти ўқитувчилари, аспирантлари ва талабалари, институтни яқиндагина тамомлаб, даволаш—профилактика ишларида фаолият кўрсатадиган ёш врачлар учун муҳим дастур бўлиб ҳисобланади. Бундан ташкари, келтирилган маълу—матлар юристлар (биринчи навбатда адвокатлар), касалхоналар, поликлиниккалар ва бопкә даволашп мусассасаларига даволаниш учун келган беморлар учун ҳам ўзларининг ҳуқуқларини билишда яқиндан ёрдамлашади.

Ушбу ўқув қўлланмаси тиббиёт соҳасида биринчи марта яратилаётганлиги учун унда айрим камчилик ва нуқсонлар учраши табиий ҳурматли ушбу соҳа бўйича тажрибага эга бўлган мутахассисларнинг фикр ва мулоҳазаларини, маслаҳатларини чукур миннадорчилик билан қабул қиласиз.

Барча ҳуқуқлар ҳимояланган. Ушбу китобни ҳеч бир қысмети ҳеч қандай шақтада мүаллифлариниң ёзма руҳсатисиз босилиши мумкүн эмас.

КИРИШ

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасидаги қонунчиллик асосларини ўрганиш ушбу фаннинг асосий вазифаларидан бири-дир.

Бу соҳадаги қонунчилик асосларини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда «Фуқаролар соғлиқни сақлаш тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ташкил этади.

Аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг турли хил шакларида врачлар, ўрта ва кичик тиббий ходимларнинг фаолиятини аниқ ҳукуқий белгилаш муҳим аҳамиятга эгадир. Бу ишда айрим кам-чиликларга йўл қўйиш, тиббиёт ходимининг нотўғри ҳаракатлари фақатгина аҳлоқий муҳокамага эмас, балки жамиятнинг норози-лигига олиб келибгина қолмасдан, балки врач ёки бошқа тиббиёт ходимининг ҳар хил юридик жавобгарликка тортилишига хам сабабчи бўлади.

Шунинг учун ҳам ўзининг ҳуқуқий мажбурияти ва жавоб-гарлигини тиббиётнинг истаган соҳасида ишловчи киши билиши муҳим аҳамиятга эгаdir. Қонунга, маҳсус қоидага ва бошқа нор-матив талабларга риоя қилиниши тиббиёт амалиётида учрайдиган хатодилкларни олдини олишнинг гаровидир.

Врач ва бошқа тиббиёт ходимларининг нотўри ҳаракатлари уларнинг ҳуқуқий жавобгарликка тортилишига ҳам асос бўлиши мумкин. Бундан ташқари, ушбу қўлланма ёш врачларнинг фаолиятига ҳам қаратилган бўлиб, уларнинг жамият ижтимоий тузилишидаги ҳуқуқий ўрнини белгилашда ҳам кўмаклашади. Шунингдек, тиббиёт институти талабаларининг ҳуқуқий билимларини шакла нишида муҳим дастур бўлиб ҳисобланади. Тажрибали юристлар ва эксперtlар тиббиёт ходимларининг касбий ҳуқуқбузарликлари масаласи билан шуғулланганларидан суд тиббиёти экспертизаси

ўтказишида ўзларига керакли саволларга тегишли жавоблар топишида ҳам келтирилган маълумотлар яқиндан ёрдамлашади. Бундан ташқари, тиббий ёрдам олиш учун мурожаат қилувчи истаган кишига ўзининг ҳуқуқини билишида ҳам муҳим дастур бўлиб хизмат қиласди ва ниҳоят, қўлланмада тиббиёт ходимлари фаолиятини бошқарувчи қонуннинг асосий моддаларида келтирилган барча маълумотлар бу соҳа бўйича қизиқувчи барча кишилар учун ҳам фойдали бўлади, деб ҳисоблаймиз.

## БЎЛАЖАК ВРАЧНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРБИЯЛАШ ВА УНИНГ ФОЯВИЙ-СИЁСИЙ ОНГИНИ ШАКЛЛАНИШИ

Мустақил Ўзбекистонда демократик давлат, ҳуқуқий жамиятнинг шаклланишида олий тиббий кадрларни тарбиялашда уларда юқори дунёқараашнинг сифатли даражаси, ижтимоий фаоллиги, ишчанлиги ва ахлоқий хусусиятларининг шаклланиши, барча соҳадаги жавобгарлиги, юксак маданиятлилиги, оила ва жамиятта, қонунга хурмат билан қараш каби вазифаларни амалга оширилиши ҳозирги даврнинг долзарб муаммоларидан биридир.

«Фуқаролар соғлиқни сақлаш тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси қонунида: Тиббиёт ходимларининг қасамёдига, уларнинг дунёқарашини шаклланишида, уларда чуқур ахлоқий сифатларни ҳамда ўзининг давлат ва ҳалқ олдидағи фуқаролик бурчини ситқидилдан бажариш учун астойдил ҳаракат қилишлиги кўрсатилган.

Инсонларни ғоявий-сиёсий онгини шаклланишида энг муҳим роль уларни ҳуқуқий тарбиялаш масаласи ҳисобланади. Бу соҳада ҳукуматимиз ёшларни юқори фуқаролик ахлоқий руҳида тарбиялаш, таъсир қилувчи қонунларга нисбатан ҳурмат, қонун бузилишининг истаган турига шафқатсизлик, ҳуқуқбузарликни олдини олиш масалалари тўғрисида доимо замхўрлик қилиб келмоқда.

Олий ва ўрта – маҳсус ўқув юртларида талабаларнинг бутун ўқув жараёнида уларни ҳуқуқий тарбиялаш соҳасида алоҳида комплекс режа тузилган бўлиб, бунга аудитория ва аудиториядан кейинги ишлар киради.

Ўқув юртларида ҳуқуқий – тарбиялаш ишлари қўйидаги йўналишларда олиб борилади:

1. Мустақил давлатнинг демократик давлат, ҳуқуқий жамиятнинг шаклланишида, фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчларини аниқлашда Конституцияда келтирилган аниқ моддаларга асосланади.

Тиббиёт институти талабаларининг ўқиш давомида ҳуқуқий тарбияланишига алоҳида узлуксиз аҳамият берилади.

Талабаларга институтнинг 1 – семестрида ўқитиладиган «Мута – ҳасислик ҳақида тушунча» маъruzада врачлик фаолиятида муҳим ҳи – собланган ҳуқуқий тарбиялаш масаласи тўғрисида гапирилади.

Тиббиёт институтининг 1 – курсида «ҳуқуқшунослик» фани ҳақида маълумот берилади. Бунда ҳуқук назарияси, давлат ҳуқуки, соғлиқни сақлаш қонуниятлари, меҳнат ва оила ҳуқуки; ижтимоий – таъминот ҳуқуки, атроф муҳитларни сақлаш ҳуқуки асослари тў – лигича ўргатилади.

«Ҳуқуқшунослик» курсини ўрганишда асосий йўналиш соғлиқни сақлаш ходимлари фаолиятини ҳуқуқий бошқаришга алоҳида аҳамият берилади.

Биология кафедрасида талабалар атроф муҳитни ҳимоя қилиш қонуниятлари билан танишса, умумий гигиена кафедрасида эса ишлаб чиқариш ва овқатланиш санитария меъёрлари ҳақида маълумотга эга бўладилар.

Соғлиқни сақлаш қонуниятларига алоқадор ҳуқуқий масалалар эса тиббиёт институтининг умумий хирургия ва ички касалликлар пропедевтикасида ўқитилади. Бу ерда талабалар биринчи марта клиник фанлар билан танишиб, тиббиётта алоқадор деонтология муаммола – рига тўғри келиб, биринчи марта врачлик фаолиятида пайдо бўлади – ган ҳуқуқий масалалар билан яқиндан танишадилар.

Тиббиёт амалиёти нуқтаи назаридан талабалар врачларнинг сири ва уларни жорий қилганлиги учун жавобгарлик масалаларини яқиндан

ўрганадилар ҳамда умуман тиббий ёрдам кўрсатиш, қисман хирургик операция ўтказиш ҳақидағи қоидалар билан танишадилар.

Клиник ва клинико – анатомик конференцияларга қатнашиб, улар врачларнинг хатоси, тиббиёт амалиётида учрайдиган баҳтсиз ҳодисалар ҳақида етарлича маълумотта эга бўладилар. Бундан ташқарии, 3 курс талабалари тиббиёт хужжатлари билан танишиб, унинг даволаш – профилактик ишлари учун аҳамияти ҳақида ҳам маълумот оладилар.

Бундан ташқари, тиббиёт ходимларининг мажбуриятлари ва жавобгарлиги, ҳуқуки ҳақидағи айрим ҳолатлар тахлил қилинади. Бу масалалар ўз навбатида вақтингчалик иш қобилиятини йўқотилишини аниқлаш экспертизасида энг муҳим юридик аҳамиятга эгадир.

Фармакология кафедраси (3 курс)да талабалар рецепт ёзиш қоидалари, дори тайёрлаш, сақлаш ва айрим кучли таъсир қилувчи заҳарли моддаларни тарқатиш каби масалаларнинг ва ҳуқуқий маса – лалари тўғрисида тушунчага эга бўлиб, кучли таъсир қилувчи нарко – тик моддалар тайёрланганлиги, бир жойдан иккинчи жойга ташиган – лиги, қонунсиз сақланганлиги учун жиноий жавобгарлиги ҳақида аниқ айттиб ўтилади.

Патологик анатомия кафедрасида эса талабалар патологоанатомик хизматининг аҳволи, ўлганлик ҳақидағи врачлик гувоҳномасини тўлғазиш қоидалари, патологоанатомик конференция ўтказиш маса – лалари билан яқиндан танишадилар. Кафедрада патологоанатомик хизматнинг аҳамияти ва унинг bemorlarini даволаш ҳамда касал – ликларни ташҳисининг сифатини оширишдаги роли тўғрисидаги та – саввурга эга бўладилар. Бундан ташқари, талабалар тиббиёт хужжат – ларини қандай тўлғазиш ҳақида ҳам аниқ фикрга келадилар. Ҳуқуқий тушунчага эга бўлибина қолмасдан, балки патологоанатом билан да – воловчи врач ҳамда патологоанатомнинг ўлган bemornining

қариндошлари орасидаги деонтологик масалага ҳам кафедрада ажамият берилади.

4–6 курслардаги клиник кафедраларда талабалар касалликлатиринг диагностикаси, даволаш ва профилактикаси түғрисидаги маълумотларга эга бўлиб, у кафедраларда ҳам ҳуқукий ва деонтологик масалаларга алоҳида ажамият берилади.

Суд тиббиётида ўқитиладиган масалалар тиббиёт деонтологияси ҳамда тиббиёт ходимлари ўзининг профессионал ва профессионал мансабий касбига хиёнат қилганда жиноий жавобгарликка тортилиши билан узвий боғлангандир. Бундан ташқари, врачларнинг хатоси тиббиёт амалиётидаги баҳтсиз ҳодисалар ва уларнинг олдини олиш масаласи тўлиқ муҳокама қилинади. Суд тиббиёти фанини ўрганишда, бу фанни ўқитиш СТЭ материалини амалиётда кўриш билан чамбарчас боғланган. ҳуқуқий тарбиялаш, олий ўқув юрти кафедраларида фақатгина ўқув дастури билан чегараланибгина қолмасдан, балки катта аудиториядан ташқари ишлар ҳам олиб борилади. Талабалар маълум мавзу бўйича илмий иш олиб борадилар, баъзан ҳуқуқ ва деонтологияга бағишлиланган симпозиумлар, савол жавоб кечалари, юридик мавзуу саволларига жавоблар ва шунингдек «врач ва қонун» мавзусидаги конференцияларга қатнашадилар.

Олий ўқув юритида ҳуқуқий тарбияланган врачга врачлик дипломи берилади ва бунда врачлар «Гиппократ қасамини ичадилар». Гиппократ қасами институтни эндигина тамомлаган врачнинг ўз устозизи олдидағи, унга мурожаат қилувчи бемор олдидағи ҳамда врачлар сирини сақлаш түғрисидаги мажбурияти ҳисобланади. Бу қасам беморга ва унинг қариндошларига жисмоний ёки ахлоқий зиён етказишини таъкидлайди.

Тиббиёт ходимлари ўз касбий мажбуриятлари этик меъёрсининг мажмуаси тиббиёт деонтологияси тушунчасига жамлаштирилади. Де-

онтиологияни бу врач, ўрта ва кичик тиббиёт ходимининг жамият, bemor va unning қариндошлари ўз касбодошлари олдидағи бурчи ҳисобланади.

Академик А.Ф.Билибиннинг фикрича, деонтология – тиббиётнинг юнан ва врачнинг донолигиdir. Врачлик қасбининг ўзига хос хусусияти – врачлик фаолиятининг обьекти оддий инсон, унинг ҳаёти ва инсанни ҳисобланади. Бу врачга катта, муҳим жавобгарликни юклайди, инсанни одамнинг ҳаёти ва соғлиги унинг учун жуда масъулиятлидир. Намининг ҳаёти ва соғлиги учун курашувчи врач, ўз кучи, вақти ва инсаннини ҳеч қачон аямаслиги керак, врачлик эмблемасидаги ёнувчи инсан, одамларга ёруғлик бериб ўзим куяман деган маънени беради. (Ницолас Ван Тульп, 1599 – 1674).

Врачлик қасбининг иккинчи ўзига хос хусусияти одам организмида учрайдиган касалликларнинг ҳар хил оқимда ўтиши ва жуда ҳам туреккаб ҳолда индивидуал кўринишга эга бўлиши билан боғлиқ янни – инги диагностик, даволаш усусларининг пайдо бўлиши, тиббиётта инди кўплаб илмий маълумотларнинг кўзга ташланишига алоқадор жарнеллар билан доимо ҳабардор бўлиб туришини тақазо қиласди.

Врачлик қасбининг учинчи хусусияти ҳар кунги ўзаралоқларидир. Унинг ҳар кунги иши юзлаб ва минглаб инсонларни ўзини сақлаб қолишидир.

Врачлик қасбининг яна бир муҳим хусусияти бошقا қасблардан фарқли ўлароқ, врачнинг ҳар бир хатоси ёки йўл қўйган камчилиги инди учун жуда хавфли оқибатларга олиб келади, ёхуд врачнинг ҳаёти ёки маъсулиятсизлиги учун касал жавоб беради.

Деонтология қоидаларига амал қилмаслик касал одам, унинг қариндошлари, тиббиёт ходимлари орасида, айниқса даволашнинг оқибати ёмон бўлса келишмовчилик сабабчиси бўлиши мумкин. Тажриба шуни кўрсатадики, тиббиёт деонтология қоидаларига риоя қилинмаса, бу келишмовчилик агар bemorni яхши даволаганда ҳам кў-

## ФУҚАРОЛАР СОҒЛИГИНИ САҚЛАШ ҚОНУНЧИЛИК АСОСЛАРИ.

Пинча комиссия муҳокамасининг сабабчиси бўлиши мумкин ва баъзан иш тергов ва суд органлари муҳокамасига тавсия қилиниши мумкин. Бошқа ҳолларда агар даволашнинг оқибати ёмон бўлса ҳам деонтоло – гия қоидаларига риоя қилинганда, ўлганинг қариндошлири кўпинча врачни ҳимоя қилиши мумкин, чунки ўз кўзи билан кўргач, врач қўлидан келган ҳамма ишни қилганлиги ва у бу ўлим учун кучли қайғурганинги гувоҳи бўлганинги айтади.

Тиббиёт институтида талабаларни деонтологик тарбиялаш, шунингдек уларни ҳуқуқий тарбиялаш жараёни талабаларнинг бутун ўқув юртида ўкиш пайтида амалга оширилади.

Бизнинг мамлакатимизда давлат ва унинг органлари, ташкилотлари ҳамда инсонлар орасидаги ўзаро алоқалар Ўзбекистон Республикаси «Фуқаролар соғлигини сақлаш» ҳақидағи қонунида ўз ифодасини топган (1996 й.). Бу қонун ҳар бир тиббиёт ходими – нинг қаерда ишлашидан қатъий назар энг муҳим дастур ҳисобланади.

Қонунда XII бўлим бор. Қонуннинг 1 бўлимида қонунга алоқадор маълумотлар келтирилган. Бунда кўрсатилишича, инсонни соғлигини сақлаш – сиёсий – иқтисодий, ҳуқуқий, ижтимоий, маданий, илмий, тиббий, санитар – гигиеник ва эпидемияга қарши чоралар мажмуаси бўлиб, ҳар бир инсоннинг соғлигини сақлаш ва мустаҳкамлашга қаратилгандир. Бунда ҳар бир инсоннинг соғлигини сақлаш Конституция меъёrlарига кўра кафолатлангандир.

Бу бўлимда соғлиқни сақлашнинг асосий тамойиллари келтирилган:

- ҳар бир одам ва инсоннинг ҳуқуқини сақлаш зарурлиги;
- фуқаронинг соғлигини сақлашда профилактик чораларнинг устиворлиги;
- тиббий – ижтимоий ёрдамнинг таъминланганлиги;
- соғлигини йўқотганда фуқароларни ижтимоий ҳимояланиши;
- давлат ташкилотлари, бошқарув органлари, мулкчиликдан қатъий назар, шунингдек, мансабдор шахслар, инсонларни соғлигини сақлаш ҳуқуқини таъминлашда жавобгардир;

Фуқарони соғлигини сақлашнинг қуийдаги вазифалари кўрсатилган:

- инсонларни соғлиғини сақлаш масаласыда маҳаллий ўз—ўзини бошқарув органлари жавобгарлиги ўрнатилади;
- соғлиқни сақлашни давлат ва хусусий тузилишидаги ҳуқуқий бошқарилыш; фуқарони соғлиғини сақлаш ҳуқуқини белгилаш;
- бу ҳуқуқни сақлаш учун аниқ кафолат ўрнатиш; тиббий ва фармацевтик ходимларни ижтимоий ҳимоялаш, уларнинг касбий ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлигини аниқлаш.

II—Бўлимда фуқарони соғлиғини сақлаш давлат органлари бурчини фарқлаш масаласи келтирилган. Давлат органлари бурчига аҳолини соғлиғини сақлашда давлат сиёсатини амалга ошириш киради.

III—Бўлимда мамлакатимизда соғлиқни сақлашни ташкил қилишда асосий қоидалар кўрсатилган. Бу аҳолининг молиявий, санитар—эпидемиологик барқарорлиги, давлат ва хусусий тизимни ташкил қилиш, тиббиёт фаолиятида лицензиялаштириш тартиби ва шароитлари, тиббий ахлоқий масалалардан иборатdir.

Хусусий соғлиқни сақлаш тизимиға даволаш—профилактик ва дори—дармон тарқатувчи корхоналар кириб, уларнинг барча мол—мулклари ўзларининг хусусий мулклари бўлиб, унда ишлайдиган барча тиббий ва фармацевтик ходимлар ҳам хусусий фаолият билан шуғулланадилар. Соғлиғни сақлашни хусусий тизимиға даволаш—профилактик, дори—дармонлар билан шуғулланувчи, илмий—текширув корхоналари, маориф ташкилотлари, маблағ билан таъминловчи хусусий корхоналар, жамоат бирлашмалари, шунингдек айрим жисмоний кишилар ҳам киради.

Соғлиқни сақлаш тизими хусусий корхоналари учун давлатимиздаги барча норматив хужжатлар қўлланма бўлиб ҳисоблана—ди.

IV—Бўлимда соғлиқни сақлаш соҳасидаги фуқаролар ҳуқуқига алоқадор маълумотлар келтирилган.

Бу ҳуқуқ тиббиёт ташкилотлари, корхоналари, ҳамда хусусий амалиёт билан шуғулланувчи тиббиёт ходимлари фаолиятини таъминлайди.

Бунинг асосида фуқарони соғлиғини сақлаш ҳуқуқининг энг муҳим масаласи ётади. Бу ҳуқуқ атроф муҳитни сақлашни, меҳнат, турмуш, дам олиш, тарбия ва инсонларни ўқитиш, сифатли овқат махсулотларини ишлаб чиқариш ва тарқатиш, аҳолига баббаровар тиббий—ижтимоий ёрдам беришни таъминлайди.

Ижтимоий ёрдам чоралари профилактик, даволаш—диагностик, реабилитацион, протез—ортопедик, тиш—протез ёрдами, ишга яроқсиз ва ногиронларни парвариш кабилар Конституцияда аниқ кўрсатилган.

Тиббий—ижтимоий ёрдам давлат ва ижтимоий ҳимоя ташкилотларида кўрсатилади. Бунда бепул тиббий ёрдам фақаттина давлат тиббий ташкилотларида, балки тиббий сугурталанган жойларда амалга оширилади.

V—Бўлимда алоҳида гуруҳ аҳолининг, оила, ҳомиладор хотин ва онанинг, вояга етмаган, кексайган, ногирон, ҳарбий хизмат бурчини ўтовчи, ҳарбий хизматта чақириувчи, ҳамда қамалганларнинг ҳуқуқлари келтирилган.

Бундан ташқари, қонун фавқулот ҳолатида қолган ва кам таъминланган қолоқ туманлар аҳолисининг ҳуқуқларини ҳам белгилайди.

- VI—бўлимда кундалик тиббиёт амалиётида учрайдиган маса—лаларга қаратилган. Бу бўлимда инсонларга тиббий—ижтимоий ёрдам кўрсатишдаги уларнинг қўйидаги ҳуқуқлари кўрсатилган:
- 1) тиббий ва хизмат қилувчи ходим томонидан ҳурмат муносаба—тида бўлиш;
  - 2) врачни танлаш, шунингдек, даволовчи ва оиласвий врачни танлаш, шартнома ва тиббий сугуртага биноан контракт асосида даволаш—профилактик муассасасини танлаш;
  - 3) текширишдан ўтиш, даволаниш, санитар—гигиеник талабга жавобан шароит яратилиши;
  - 4) унинг илтимосига консилиум ва бошқа мутахассисиларнинг маслаҳатини ташкил қилиш;
  - 5) касаллик ва бошқа тиббий муолажалар туфайли оғриқ пайдо бўлган бўлса, уни керакли усул ва дорилар билан камайтиришни сўраш;
  - 6) тиббий ёрдам кўрсатишда, ташҳис соғлигининг ҳолати тўғрисидаги айрим айтилган маълумотлар ҳақида сир сақланишини талаб қилиш;
  - 7) тиббий муолажа ўз хоҳиши билан розилиги;
  - 8) тиббий ёрдамдан ўз хоҳиши билан рад қилиши;
  - 9) ўзининг соғлиғи, ҳуқуқи ва бурчи ҳақида ахборотнома олиши; беморнинг қизиқиши бўйича унинг соғлиғи тўғрисидаги ахборотни оловччи кишини танлаш;
  - 10) ўз хоҳиши билан тиббий сугурта доирасида тиббий ва бошқа ёрдам олиш;
  - 11) тиббий ёрдам кўрсатишда унинг соглиғига зарар етказилса, етказилган зарарни коплашни талаб қилиш;
  - 12) ўз ҳуқуқини химоя қилиш учун bemorga адвокат ёки бошқа қонуний вакилни киритиши;

13) bemorga din vakiini kiritish, agar kasalxonada bўlsa, din vakiini diniy urf—odatlarни amalga oshiresh учун aloҳida xona ajratishi (bu davolaш muassasining ichki қoидalarini buzmasa).

Юқоридагиларга қарамасдан bemorning ҳуқуқи жуда кўп, улар орасида катта ва кичик даражаси ajratilmaydi. Уларнинг ҳар бири bemorning ajralmas ҳуқуқlariidan biri bўlib, қонун bilan mustaҳkamlangan va soғliki saқлаш tizimining даволаш ва ҳususiy қисми bilan taъminlaniши mumkin. Юқорида keltirilgan ҳуқуқlarning bажарилmasligi ёки etarlica bажarilmasligi қонунга асосан жавobgarlik ҳisoblaniб, bu ҳам bemorga etkazilgan zaарарning xarakteri va ҳajmiga kўra ҳар xil bўliши mumkin. Шунга kўra, жавobgar shaxs jinoiy, administrativ, tarbияvий, aхлоқий жавobgarlikka tortiliши mumkin. Bunda aйrim shaxs va tashkilot tibbий faoliyati bilan shugullaniш ҳуқуқidan maҳrum қилиниши mumkin.

Keltirilgan ҳуқуқ meъrlari tibbiёт ходимлари faoliyatiniни boшқariшda aхлоқий tarbияvий boғliқligini ҳisobga oliш туфайli amalga oshiриishi mumkin.

Afсуски, ҳамма tibbiёт ходимлари ҳам врач faoliyatining юридik қoидalarini чуқur ҳис қилган ҳolda ёndoшmайдilar. Mashxur жарроҳ, akademik N.M.Amosovning ёзишича, врачнинг viжdoniga iшonishi kerak, чунки ҳеч bir юридik қonun ҳam uni anglamasligi mumkin.

VI—Бўлимда инсонлар соғлиғи ҳақidagi ҳуқуқ aхborotlari aloҳida kўrib чиқilgan. Bu aхborotta tekshiruv natijalari ҳaқidagi maъlumotlар, kасаллик topiliishi, унинг tashҳisi, oқibati, даволаш usullari va u bilan boғlangan ҳolatlар, tibbий muolajalarning variantlari va uning oқibatlari va ўtказilgan даволашning natijalari kiraди.

Қонун шуни алоҳида таъқидлайдики, олинган маълумотлар беморга тушунарли ҳолда махсус тиббиёт атамаларисиз етказилиши зарур. Бу маълумотларни даволовчи врач, бўлим бошлиғи ёки беморни текширишда ва даволашда қатнашган мутахассис врачлар етказишлари мақсадга мувофиқдир.

Қонунда bemornинг соғлиғи тўғрисидаги маълумотлар унинг иродасига қарши йўнатилмаган бўлиши керак. Агар касалликнинг ривожланиш оқибати кўнгилсиз ҳолатда бўлганда ҳам касалга ва унинг оила аъзоларига ётиғи билан тушунтирилиши зарур.

Беморга тиббиёт ҳужжатлари (касаллик тарихи, амбулатория картаси, лаборатория ва асбоблар ёрдамида текширув ва бошқалар) билан танишиб чиқиш ҳуқуқи берилган. Бунга врачларнинг сирига алоқадор ҳужжатларни кўрсатиши кирмайди.

Қонунда bemornинг тиббиёт ёрдам кўрсатилишига розилиги ҳам кўрсатилган. Тиббиёт ёрдам кўрсатилишига bemornинг ўз ҳоҳиши билан розилиги унинг ўз соғлиғи тўғрисида тўлиғича маълумотга эга эканлиги ҳисобланади. Ёш болалар ва ўсмирлар, шунингдек, руҳий касалликларга чалинган bemorга тиббиёт ёрдам кўрсатилиши уларнинг оила аъзолари, васийлари, яъни қонуний вакиллари руҳсати билан амалга оширилади. Агар улар бўлмаса, тиббиёт ёрдам консилиум чақирилиши билан, агар буни имконияти бўлмаса, даволовчи врач руҳсати билан олиб борилади.

Баъзан bemornинг аҳволи оғир бўлса, консилиум чақирилиб, унинг қариндошлари руҳсатисиз, агар консилиум чақиришни имконияти бўлмаса, даволовчи врач даволашни ўтказишни ҳал қиласди.

Бемор ёки унинг қонуний вакиллари тиббиёт ёрдам кўрсатилишини рад қилиш ҳуқуқига эгадирлар. Бунда уларга тушунарли ҳолда бундай рад жавоби оғир аҳволга сабабчи бўлишини айтиш мақсадга мувофиқдир.

Бундай ҳолларда тиббиёт ҳужжатлари (касаллик тарихи, тиббиёт картаси ва бошқалар) да рад жавоби берилганлиги ҳақидағи ўзув ёзилиб, бунга bemor ёки унинг қонуний вакиллари имзо чедидилар.

Агар bemornинг оила аъзолари ёки қонуний вакиллари 15 ўшгача бўлган болалар ёки руҳий касалликка чалинганларга тиббиёт ёрдам кўрсатишидан бош тортсалар ва бу bemornинг ҳаётини сақлаб қолиш учун тўсиқ бўлса, бунда тиббиёт муассасаси bemornи ҳимоя қилиш мақсадида судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

VII – Бўлимда биринчи марта қонунда тиббиёт фаолиятида оиласи режалаштириш масаласи кўрсатилган. Туғиши ёшидаги аёл – ларнинг ҳуқуқи сунъий уруғлантириш ва эмбрионни жойлаштириш масаласига аҳамият берилган. Бундай ҳолат фақаттана тиббиёт муассасасида, шу соҳа бўйича фаолият кўрсатиш учун ҳужжати бўлган тиббиёт ходим томонидан ёлғиз аёлнинг ёки ҳар иккала оила аъзосининг ёзма равишдаги розилиги бўлганда ўтказилади.

Бунда аёл киши бу муолажа тўғрисида, унинг тиббиёт ҳуқуқий томонидан оқибати тиббиёт – генетик текширув натижалари ҳақида ва шунингдек, донорнинг миллати ҳамда ташқи белгилари тўғрисидаги маълумотларни билиш ҳуқуқига эга.

Бундай маълумотлар тиббиёт ёрдам кўрсатувчи врач томонидан берилади. Врач томонидан бажариладиган ишлар врачнинг сири ҳисобланади. Ноқонуний қилинган иш учун врач жиноий жавобгарликка тортилади.

Қонун аёлларга оналик ҳақидағи масалани ўзи мустақил ҳал қилиш ҳуқуқини беради. Аёл кишининг хохиши билан ҳомиладор – ликини сунъий бузилиши учун 12 ҳафтагача руҳсат берилади. Ижтимоий кўрсатмаси – 24 ҳафтагача, агар тиббиёт кўрсатма бўлса

жамда аёл кишининг розилиги билан ҳомиладорликнинг истага муддатида амалга оширилади.

Юқорида кўрсатилган қоидалардан бирортасини бузилиш қонунсиз бўлиб, жиноий жавобгарлик ҳисобланади.

VIII – Бўлимда тиббий – ижтимоий ёрдамнинг кафолатланиш келтирилади.

Қонунда айрим турдаги инсонларга тиббий – ижтимоий ёрдам бирламчи санитар, тез ва маҳсус тиббий ёрдам кўрсатиш кафолатланган.

Бирламчи тиббий – санитар ёрдам тушунчасига, биринчидан жуда кўп тарқалган касалниклар, жароҳатланишлар, заҳарланишлар ва бошқа тез ёрдам ҳолатлари; иккинчидан, санитар – гигиеник ва эпидемиясини олдини олиш; учунчидан, оилани, оналикни, оталикни ва болаликни сақлаш масалалари киради.

Қонунда тиббиёт муассасалари томонидан бирламчи тиббий – санитария ёрдами ва санитар – эпидемиологик хизматни амалга ошириши келтирилган.

Агар беморга ёки жабрланувчига унинг ҳаёти хавф остида бўлса, унга тезлиқда тиббий ёрдам кўрсатилиши зарур бўлса, төниббий ёрдам машинаси чақирилади. Бундай ёрдамни барча тиббий – профилактик муассасалар, тиббиёт ходимлари, шунингдеги бошқа кишилар, қонун бўйича ёки маҳсус қоидага асосан бирламчидан ёрдам кўрсатилари зарур.

Агар одамни ҳаёти хавф остида бўлса, тиббиёт ходими беморни яқиндаги даволаш муассасасига олиб бориш учун истага транспортдан фойдаланиши мумкин. Агар мансабдор шахс ёки транспортни эгаси бундан бош тортсалар жиноий жавобгарликкадан тортиладилар.

Агар bemорга ёрдам кўрсатиш учун маҳсус диагностик текширув усуllibari, даволаш усуllibari ҳамда маҳсус мураккаб текшируv асбоблари талаб қилинса маҳсус тиббиёт ёрдам кўрсатилади.

Бундай ёрдам маҳсус билим ва тажрибага эга бўлганлиги ҳақидаги хужжатга эса бўлган мутахассис – врачлар томонидан амалга оширилади.

Маҳсус ёрдам учун харажатлар давлат томонидан ва bemор – нинг шахсий маблаги туфайли амалга оширилади.

Агар bemорлар атрофдагилар учун хавфли касалниклар билан касалланган бўлсалар, керакли даволаш – профилактик муассасалар томонидан тиббий – ижтимоий ёрдам кўрсатилади.

Биринчи марта bemорга бепул ёки кам ҳақ тўлаш орқали ёрдам кўрсатилса, кейин иккинчи марта – фақат бепул хизмат кўрсатилади.

Айрим ҳолларда даволаб бўлмайдиган оғир bemорлар ўлимини тезлаштиришни сўрайди. Бунга эвтаназия дейилади. Қонун тиббиёт ходимига қандайдир йўл ёки моддалар билан буни амалга оширилиши ҳамда ҳаётини сунъий йўл билан тўхтатилиши тақиқлайди. Агар бу қонун бузилса, тиббий ходими жиноий жавобгарликка тортилиши кўрсатилган.

Беморни эвтаназияга ҳуқуқи доимо кенг жамоатчилик орасида: тиббиёт ходимлари, руҳшупослар, худога сифинувчилар ва бошқалар мулоқатта сабабчи бўлмоқда. ҳаётдан умидини узган bemорларга эвтаназияни тақиқлаш тўғрисида қарама – қарши фикр – лар пайдо бўлганлигини ҳам таъқидламоқчимиз. Аммо бундай мулоқатларни таъсир қилувчи қонунга риоя қилишни алоқаси йўқ.

Қонунчилик одамдан трансплантация учун орган ва тўқималарни олишни таъқидламайди. Бу тўғрисида маҳсус қонун

чиқарилган. Қонунда олинган орган ва тўқималар сотилиши ҳамда бойиш манбаи бўлмаслиги керак.

Орган ва тўқималарни олишда одамни аниқ ўлганлигини гувоҳи бўлиш талаб қилинади. Буни ҳал қилиш, ўлимнинг сабаби ва ташҳисини аниқлаш учун мурда патолого – анатомик текширувдан ўтказилади. Мурданинг қариндошларини ёзма кўрсатмасига биноан агар мурдада жароҳатланиш белгилари бўлмаса у кесилмаслиги мумкин. Баъзан қариндошларининг талаби бўйича мурдани кесиб кўришда унинг розилиги билан бошқа мутахассис тақлиф қилиниши, айрим ҳолларда мустақил тиббий экспертиза ўтказилиши мумкин.

IX – Бўлимда бир неча экспертиза ўтказиш кўзда тутилган: вақтинча иш қобилиятини йўқотилиши, тиббий – ижтимоий, ҳарбий – врачлик, суд – тиббий, суд – психиатрия экспертизалари ва бошкalar. Шулар орасида суд тиббиёти экспертизаси ўтказиш соғлиқни сақлаш тизимининг таркибий қисми ҳисобланади.

X – Бўлимда тиббиёт ва фармацевтик ходимларнинг ҳуқуқлари кўриб чиқилади. Тиббий ва фармацевтик фаолият билан бу соҳада олий ва ўрта маълумотга эга бўлган ходимлар шуғулланиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай соҳада ишлаш учун бу соҳа бўйича тайёргарликдан ўтганлик учун керакли хужжат ва бу соҳада ишлаш ҳуқуқига эгалиги тўғрисида лицензия талаб қилинади. Хужжат – сертификат аспирантурани ва клиник ординатурани тамомлагандан кейин берилади ва шунингдек инсонларни соғлигини сақлаш соҳасидаги қонунчилик билан хабардор бўлганда берилади.

Бу соҳа бўйича 5 йил ишламаган ходим фақатгина қайтадан тайёргарликдан ўтгач, унга ишлаш учун руҳсат берилади. Агар тиббий ва фармацевтик фаолият билан қонунсиз шуғулланса, жиной жавобгарликка тортилади. Бундай қоидалар давлат соғлиқни

сақлаш тизимида ва шунингдек, хусусий тиббий амалиёт билан шуғулланувчи тиббий ва фармацевтик фаолият билан шуғулланувчилар учун таъаллуқлиди.

Халқ табобати билан шуғулланиш ҳуқуқини олишнинг алоҳида тартиби ҳам қонунда кўрсатилган. Қонун даволовчи ва оиласий врач тўғрисида ҳам тушунча беради. Амбулатор – поликлиник ёки касалхонада кузатиш ва даволаниш учун bemorning ёрдам ёрдамчи кўрсатувчи киши биринчи врач бўлса, оила аъзоларига maxsus кўп погонали тайёргарликдан ўтган бирламчи тиббий санитар ёрдам кўрсатувчи ҳам врач ҳисобланади.

Қонун даволовчи врачнинг вазифаларини белгилайди:

- даволовчи врач даволаш ташкилоти (бўлими) ёки bemorning танлашига қараб тайинланади;
- bemorning талабига кўра даволовчи врачи бошқа врач билан алмаштириш мумкин;
- bemorни ўз вақтида текширишни ва малакали даволашни ташкил қилади;
- bemorning соғлиғи тўғрисида маълумот беради;
- bemor ёки унинг қонуний вакилари талабига кура маслаҳатчи врач ёки консилиум чақиради;
- иш қобилиятини йўқотганлиги тўғрисидаги варақани 30 кунгacha ўзи мустақил беради;
- агар bemor даволаш – профилактик муассасасини тартиб – қоидасини бузган бўлса, даволовчи врач уни кузатиш ва даволашдан бош тортиши мумкин (бунда кўпинча бўлим бошлиғи билан маслаҳатлашилади), агар бу bemorning ва атрофдагилар – ning соғлиғи ҳамда ҳаётига хавф тугдирмаса.

Агар даволовчи врач ўз касбини ситқидилдан бажармаса, қонун олдида жавобгар ҳисобланади.

Диплом олиш пайтида врач қасамёд қиласы. Врач қасамини қонун чиқарувчи органлар тасдиқлады. Агар бу қасамёд риоя қилинмаса, врачлар қонун олдида жавобгардирлар. Қонунда тиббий ва фармацевтик ходимларнинг тиббий ва амалий фаолиятининг шаклланиши ва уларнинг ҳукуқларини ҳимоя қилиш мақсадида касбий тиббий ва фармацевтик ассоциация тузиш зарурлиги күр-сатилган.

Қонунчиликда тиббий ходимларни ижтимоий ва ҳуқуқий ҳи-моя қилиш, шунингдек меҳнатини баҳолаш ва ҳар хил усуллар би-лан қоплаш масалалари ҳам кўриб чиқилган. Бу бўлимда тўлигича врачларнинг сири тўғрисидаги масала келтирилган. Врачнинг си-рига тиббий ёрдам учун мурожаат масаласи, соғлигининг ҳолати, ташхис, беморни текшириш ва даволашлар киради.

Врачнинг сирига алоқадор маълумотлар бор ёки унинг қонуний вакиллари розилигисиз қўйидаги ҳолларда ошкор қилиниши мумкин.

- ўзини хоҳишини билдира олмайдиган беморни текшириш ва даволаш тартибини аниқлаш учун;
- юқумли касалликлар ва заҳарланишни бирданiga таркалиш хавфи туғилса;
- тергов органлари томонидан текширув ишлари ёки суд жа-раёнида керакли материаллар талаб қилинса;
- қонунсиз таъсирлар натижасида беморнинг соғлигига зиён келтирадиган бўлса;
- вояга етмаган, 15 ёшгача бўлган болаларга ёрдам кўрсатилишида унинг оила аъзолари ёки қонуний вакилларига ахборот бе-риш учун.

Врачнинг сири ҳисобланган маълумотларни қонун бўйича эшитган одам тиббий ва фармацевтик ходимлари билан баб-

баравар, беморга келтирилган зарапни ҳисобга олиб, врачларни сирини тарқататгандаги учун тартибий, административ ва жиноий жавобгарликка қонун бўйича тортиладилар.

XI – Бўлимда инсонлар соғлигини сақлаш бўйича халқаро ке-лишув масаласига эътибор берилган.

XII – Бўлимда инсонларни соғлигига зиён етказилган жавоб-гарлик масаласи келтирилган.

Бунда етказилган зиённи (шунингдек, аҳлоқий зарар) қоплаш асослари кўрсатилган бўлиб, инсонларга тиббий ёрдам кўрсатиш-даги харажатларни қоплаш тартиби, жабрланувчининг қонунга қарши ҳаракатлар туфайли олган зарари, инсонларнинг соғлигини сақлаш ҳуқуқини бузилиши туфайли тиббий ва фармацевтик хо-димларнинг жавобгарлиги, шунингдек, инсонларни соғлигини сақлаш ҳуқуқини бузилишига нисбатан шикоят қилиш ҳуқуқига эгалиги кўрсатилган.

Бу ҳолатнинг хусусий масалалари бошқа қонунчилик меъёрида, яъни жиноят, фуқаролик ва бошқа қонуниятларда келтирилган.

Фуқароларнинг соғлигини сақлаш давлатимиз сиёсатидаги устивор йўналиш бўлиб, у тегишли қонунлар ҳамда бошқа меъёрий актлар билан кафолатланади. Фуқароларнинг мазкур ҳуқуқларининг бузилиши ҳуқуқий жавобгарликка олиб келади.

Мустақил Ўзбекистонда демократик давлат, ҳуқуқий жамиятнинг шаклланиши, соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислоҳотлар тиббиёт ходимлари фаолиятига алоҳида талаблар қўймоқда. Хусусан, тиббий фаолиятининг ҳуқуқий меъёrlари, фуқароларнинг соғлиқни сақлаш соҳасидаги ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш муаммолари муҳим сиёсий, ижтимоий аҳамият касб этади.

Врач ва бошқа тиббиёт ходимларининг нотўғри ҳаракатлари фақатгина маъмурий танбех, жамоа эътирози учун балки уларнинг ҳуқуқий жавобгарликка тортилишга ҳам асос бўлиши мумкин.

Врачларнинг ҳуқуқий тайёргарлиги йўқлиги ёки талаб дара-жасида бўлмаслиги соғлиқни сақлашга зиён келтириб, ушбу соҳа-даги қонунчиликни таъминлашга салбий таъсир кўрсатади. Бу эса ўз навбатида врачлар фаолиятига нисбатан кўпроқ эътиroz, шико-ятларнинг вужудга келиши, баъзан эса уларнинг жиноий жавоб-гарликка тортилиши каби нохуш, мураккаб ҳолларга олиб келади. Бинобарин, тиббий фаолияти билан боғлиқ ҳуқуқий масалаларни бilmaslik жавобгарлиқдан озод этмайди.

Тиббиёт ҳуқуқи фани – даволаш, диагностика, профилактика тадбирларини ўтказишда фуқаро ҳамда даволаш муассасаси, бемор ҳамда тиббиёт ходими ўртасидаги муносабатларни, уларнинг ҳуқуқ, мажбурият ва маъсулиятларни белгиловчи, тартибга солувчи меъёр, қоидалар мажмуаси бўлиб, унинг асосий мақсади тиббиёт ҳуқуқи бўйича, тиббий фаолиятнинг ҳуқуқий меъёrlари ҳақида назарий билим ва кўникмалар ўзлаштиришидир.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасидаги қонунчилик асосларини ўрганиш ушбу фаннинг асосий вазифаларидан бири-дир.

Бу соҳадаги қонунчилик асосларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда «Фуқаролар соғлиқни сақлаш тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ташкил этади.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конститутциясининг 18 – моддасида жинси, миллати, ирқи, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий ҳолатидан қатъий назар барча фуқароларнинг бир хил ҳуқуқ ва эркинликка эгалиги, қонун

бўлида тенглигига эътибор қилинган. Зеро, фуқаролар ва Давлат ҳаро ҳуқуқ ҳамда маъсулият билан боғлиқдир (19 – модда).

Фуқароларнинг иқтисодий ҳамда ижтимоий ҳуқуқлари категорида барчанинг малакали тиббий хизмат олиш ҳуқуқи (40 – модда) ҳам келтирилган.

Таъкидлаш лозимки, фуқароларнинг ҳуқуқ, эркинликлари давлат томонидан таъкидланиб (43 – модда), ҳар бир кишига унинг ҳуқуқ эркинликларининг суд ҳимояси кафолатланган (44 – модда).

Бу соҳадаги қонунчилик негизи ҳисобланадиган хужжат қонун – «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисидаги» Ўзбекистон Республикасининг қонунидир. У мамлакатимиз Парламенти томо – нидан 1996 йил 29 августда қабул қилинган ва 14 сентябрда кучга кирган.

Мазкур қонун сўзсиз аввалги аналоглардан устун бўлиб, унда қонунчилик амалиёти тажрибаси инобатга олинган, демократик тамойиллар, инсон ҳуқуқларига доир ҳалқаро меъёр, талаблар ўз аксини топган.

Шу билан бирга қонунчилик узлуксиз такомиллашган жараён эканлиги, конкрет тарзда олинган ҳар бир қонун давлат ривожининг асосан муайян бир даврини ифодалашини назарда тутган ҳолда мазкур маърузада ҳозирги кун нуқтаи назаридан айрим муиммоли кўринган ҳолатларга чуқурроқ тўхталишни лозим деб ҳисоблаймиз.

Башарти давлатимиз, жамиятимиздаги сўнгти даврда кузати-лаётган. сиёсий, иқтисодий, ижтимоий соҳалардаги ўзгаришлар қонунчиликда ҳам ўз ифодасини топиши зарур.

Қонуннинг биринчи бўлимида («Умумий қоидалар») фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисидаги қонунчиликнинг асосий 3 вазифаси (2 – модда) келтирилган:

1) фуқароларнинг соғлиқни сақлашга доир ҳуқуқлари давлатомонидан кафолатланишини таъминлаш;

2) фуқароларнинг соғлом турмуш тарзини шакиллантириш;

3) давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар жамоат бирлашмаларининг фуқаролар соғлиқни сақлаш соҳасидаги фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш.

Бинобарин, фуқаролар соғлигини сақлаш ҳар бир инсонниң жисмоний ва руҳий соғлигини сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, унинг узоқ йиллар фаол ҳаётини таъминлаш, саломатлиги йўқотилганда унга тиббий ёрдам кўрсатишга қаратилган сиёсий, иктиносиди ҳуқуқий, ижтимоий, маданий, тиббий ва бошقا чора тадбирларнинг мажмуасидир.

Фуқаролар соғлигини сақлаш фақат тиббиёт ходимларини вазифаси деб ёндоши мутлақо нотўғри ва зарарлидир. Афсуска ҳозирча бу ҳолатни баъзан кузатиш мумкин. Кўпгина олимларни фикрича, инсон саломатлигини белгиловчи омилларнинг тахмини 18–20 фоизи – ирсий хусусиятлар, 18–20 фоизи – экологик омиллар, 48–52 фоизи – турмуш тарзи ва, ниҳоят, 8–10 фоизи учун кўрсатилиши мумкин бўлган тиббий ёрдамнинг кўлами, сифа билан боғлиқ бўлиши мумкин. Бундан келиб чиққан ҳол билан фуқаролар орасида тиббиёт ходимлари, авваломбор, бўлажак амалниёт врачлари тегишли чуқур тушунтириш ишларини олиб бори орқали фуқароларнинг тиббий маданияти ва саводини маълум дарражада кўтариш даркор.

Қонунда фуқаролар соғлигини сақлашнинг асосий тамойилиари келтирилган (3 модда):

1) инсон ҳуқуқларига тўлиқ риоя қилиниши;

2) аҳолининг барча қатламлари тиббий ёрдамдан баҳрама бўла олиши;

3) профилактика чора – тадбирларининг устуналиги;

4) соғлиги йўқотилганда ижтимоий ҳимоя қилиниши;

5) тиббиёт фанинг амалиёт билан бирлиги.

Қонунчиликда соғлиқни сақлашнинг давлат, хусусий ва бошқа кил тизимлари кўзда тутилган. Зоро, қонунда давлат бюджети ҳи – сабидан таъминланадиган соғлиқни сақлаш тизимининг давлат – профилактика муассасалари аҳолига давлат томонидан кафолат – ланган тиббий хизматни бепул кўрсатади деб эътироф қилинган. Бепул тиббий хизмат ҳажми ва тартиби қонунчилик билан белги – ланиши лозим (8 – модда).

Фикримизча, ҳар бир давлат тизимида тегишли даволаш – профилактика муассасасида қонуннинг мазкур талаби изчил ба – жарилиши лозим. Давлат томонидан кафолатланган бепул тиббий хизмат турлари, ҳажми ва тартибга доир маълумотлар тўлиқ ва аниқ бўлиши шарт. Бу эса ўз навбатида фуқароларнинг норозилиги, эътиrozлари, тиббиёт ходимларининг касб ҳуқуқбузарликлари вужудга келишини олдини олади.

Қонуннинг иккинчи бўлимида фуқаролар соғлигини ҳуқуқий муҳофазалаш масалалари ёритилган. Жумладан, барча фуқаролар соғлигини сақлаш борасида тенг ва даҳлсиз ҳуқуқга эгалиги, уларда касалликларнинг ҳар қандай шакллари борлигидан қатъий назар камситишдан ҳимоя қилиниши давлат томонидан кафолатланган – лиги эътиroz қилинган (13 – модда).

Оила соғлигини сақлаш қонунда алоҳида ўрин тутади. ҳар бир оила ўзига оилавий шифокорни танлаш ҳуқуқига эгадир (18 – модда). Бу меъёр оилавий поликлиникалар, қишлоқ врачлик пунктлари фаолиятида сўзсиз бажарилиши лозимдир.

Шу билан бирга давлат тизими муассасаларида оиласа таа-  
лукли масалалар бўйича бепул маслаҳатлар олиш ҳуқуқи қайд  
этилган.

Қонуннинг ушбу талаби ҳозирги кунда никоҳдан олдин ўтка-  
зилаётган тиббий кўрик масалаларига ҳуқуқий аниқлик, изчиллик  
киритишни тақозо этади.

Қонунда вояга етмаганлар, ҳарбий хизматчи ва хизматга  
чақириувчилар, нафақаҳўрлар, ногиронларнинг ҳуқуқлари, уларга  
берилган имтиёзлар алоҳида ёритилган (19 – 22 – моддалар).

Барча ривожланган давлатлардаги каби қонунда бемор  
ҳуқуқлари кенг ва аниқ берилган бўлиб, улар ҳалқаро мезонларга  
тўлиқ жавоб беради (24 – модда):

- тиббиёт ходимлари ва хизмат кўрсатувчи ходимларнинг ҳурмат  
ва меҳр – мурувват кўрсатишилари;
- шифокорни ва даволаш – муассасасини танлаш;
- санитария – гигиена талабаларига жавоб берадиган шароитда  
текширувдан ўтиш, даволаниш ва парвариш қилиниш;
- Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги белгилаб  
қўйилган тартибда ўз илтимосига кўра бошқа мутахассисларнинг  
консилиум қилиш ва улардан маслаҳатлар олиш;
- тиббий ёрдам сўраб мурожаат қилганилиги, соғлифининг ҳолати,  
қўйилган ташҳис тўғрисидаги маълумотлар ҳамда уни текшириш  
ва даволаш чорида олинган бошқа маълумотлар сир сақланиши;
- тиббий аралашувга ўз ихтиёри билан розилик бериш ёки уни рад  
этиш;
- ўз ҳуқуқи ва бурчлари хусусида ҳамда соғлифининг ҳолати ҳақида  
маълумот олиш, шунингдек, соғлифининг ҳолатига доир маълу-  
мотларни унинг манфаатини кўзлаган ҳолда берса бўладиган  
шахсларни танлаш;

- ихтиёрий тиббий сугурта доирасида тиббий ва бошқа хил хиз-  
матлардан фойдаланиш;
- тиббий ёрдам кўрсатиш вақтида соғлиғига зарар етказилган  
тақдирда кўрилган заарнинг ўрни қонун хужжатларида белги –  
ланган тартибда қопланиши;
- ҳуқуқни ҳимоя қилиш учун ҳузурига адвокат ёки бошқа қонуний  
вакил қўйилиши.

Ҳуқуқлари бузилган тақдирда бемор ёки унинг қонуний ва –  
қили бевосита даволаш – профилактика муассасасининг раҳбари  
ёки бошқа мансабдор шахсга, юқори бошқарув органига ёки судга  
шикоят билан мурожаат қилиши мумкин.

Тан олиш лозимки, ҳозирги кунда барча муассасаларда хам  
юқорида келтирилган бемор ҳуқуқларини тўлиқ таъминлаш бироз  
муаммолидир. Зотан, тиббиёт ходимлари, авваломбор врачлар,  
мазкур ҳуқуқларнинг тўла риоя қилинишига интилишлари лозим.  
Бу борада тегишли тушунтириш ишларини олиб бориш фойдадан  
холи бўлмас эди.

Қонунга мувофиқ барча тиббий муолажалар беморнинг ро –  
зилиги билан ўтказилиши лозим. Фақат 14 ёшга тўлмаган шахс –  
ларга ва қонунда белгиланган тартибда муолажага лаёқатсиз деб  
топилган фуқароларга нисбатан розилик уларнинг қонуний вакил –  
лари томонидан берилади. (26 – модда).

Башарти, қонунда ушбу розилик қандай шаклда (офзаки, ёз –  
ма) берилиши кўрсатилмаган. Шу сабабли, фикримизча, тас –  
диқланган тиббий хужжатлар (касаллик тарихи, амбулатор карта ва  
ҳ.з.) шаклларга бемор ҳуқуқлари ҳакида маълумотлар сақланган  
тилҳатни киритиш ва тиббий хизмат кўрсатишнинг дастлабки  
босқичида беморни улар билан таништириш, имзосини олиш  
врачлик ишига анча қулайлик берар эди.

Қонунда тиббий муолажага норозилик бўлган тақдирда, ёзма радиома олиниши кўзда тутилган. Шу билан бирга атрофдагиларга хавф туғдиради касаллик ҳолатларида тегишли тиббий ёрдам фуқароларнинг розилигисиз кўрсатилиши мумкин. (28 модда).

Фуқароларга тиббий – ижтимоий ёрдам кўрсатиш борасида қонун бирламчи тиббий – санитария, шошилинч, тез ва иқтисослашган ёрдамлар фарқланади.

Давлат соғлиқни сақлаш тизими, ижтимоий таъминот, жамоат бирлашмаларининг муассасалари кўрсатадиган бирламчи тиббий – санитария ёрдами тиббий хизмати кўрсатишнинг асосий, қулай ва бепул тури бўлиб, қўйидагиларни ўз ичига олади:

■ Энг кўп тарқалган касалликлар, шикастланиш, заҳарланиш ва шошилинч ёрдам талаб этиладиган бошқа ҳолатларни даволашни;

■ Санитария – гигиенага доир ва эпидемияга қарши чора – тадбирлар, энг муҳим касалликларнинг тиббий профилактикасини ўтказишни;

■ Оилани, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тадбирларини, турар жойларда фуқароларга тиббий – санитария ёрдами кўрсатиши билан боғлик бошқа чора – тадбирлар кўришни.

Ҳусусий ва бошқа хил соғлиқни сақлаш тизимларининг муассасалари томонидан кўрсатиладиган бирламчи тиббий – санитария ёрдами шартнома асосида амалга оширилади.

Бирламчи тиббий – санитария ёрдами кўрсатишнинг ҳажми ва тартибини Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги белгилайди.

Фуқаролар соғлигини сақлаш тизимининг ҳар қандай даволаш профилактика муассасасида шошилинч тиббий ёрдам олиш ҳуқуқига эга.

Тиббиёт ва фармацевтика ходимлари фуқароларга шошилинч тиббий ёрдам кўрсатищдан бўйин товлаганлик, шунингдек, фуқароларнинг соғлиғига етказилган зарар учун қонунга мувофиқ жавобгар бўладилар.

Фуқароларнинг ҳаёти хавф устида бўлган тақдирда тиббиёт ходимлари уни даволаш – профилактика муассасасига олиб бориш учун ҳар қандай транспорт туридан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Демак, бирламчи тиббий – санитария ва шошилинч ёрдамлар фуқароларга давлат томонидан кафолатланган, асосан давлат ти – зимидағи соғлиқни сақлаш муассасаларида амалга ошириладиган бепул тиббий хизмат турлари эканлигини доимо назарда тутиш лозим. Булар билан пуллик, шартномавий тиббий хизмат кўрсатиш ўртасидаги чегаранинг ҳамиша аниқ, равshan ҳамда ошкор бўлиши ўша муҳим ижтимоий аҳамиятга эгадир.

Қонуннинг тўртинчи бўлимида тиббий экспертиза турлари қаторида меҳнатта вақтинча лаёқатсизликнинг экспертизаси, тиб – бий – меҳнат, ҳарбий – тиббий, суд – тиббий ва суд – психиатрия экспертизалар масалалари ёритилган. Зоро, илк бор соғлиқни сақлаш бўйича қонунчиликда патолого – анатомик текширувлар ўтказиш ўз аксини топади (40 – модда).

Патолого – анатомик тадқиқотлар соғлиқни сақлаш муассасаларида одам ҳаётлигига ҳамда ўлгандан сўнг ташхис қўйиш (био – псија ва аутопсия), шунингдек, клиник шароитда ташхис қўйиш ва касалликни даволаши ишларининг тўғри олиб борилганлигини на – зорат қилиш, ўлим сабаблари ҳақида аниқ маълумотлар олиш мақсадида ўтказилади.

Шу ерда бир муаммо устида тўхталиш лозим. 40 – модданинг 2 – қисмида «Одамнинг ўлган вақтини аниқлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгилани – лади» деб кўрсатилган. Афсуски, ҳозирча мазкур тартиб ишлаб

чиқилмаганлиги сабабли ўлим содир бўлиши туфайли реанимация тадбирларини тўхтатилиши аниқ ва тўғри ҳуқуқий баҳо бериб бўлмайди. Бу эса ўз навбатида мазкур масалада врачлар, асосан реаниматологлар томонидан турли ёндошиш хам талқинга олиб келади. Баъзан эса асоссиз равишда врачнинг ўз вазифасини умуман ёки тўлиқ бажармаслик ёки bemor ҳаётини хавф остида қолдириш бўйича жиноий жавобгарликка тортилишига сабаб бўлиши мумкин. (ўзР жиноят кодекси, 116 – 117 модда).

Қонунда тиббиёт ва фармацевтика ходимларига алоҳида бўлим бағишлиланган. Унга кўра тиббиёт ва фармацевтика фаолияти билан фақат тегишли олий ёки ўрта маҳсус тиббиёт ўқув муассасаларини тугаллагани ҳақида дипломи бор шахсларгина шуғулланиши мумкин. Тиббиёт ва фармацевтика фаолиятининг айrim турлари учун дипломдан ташқари лицензия ҳам зарур (41 – модда).

Бу ерда 3 масала устида тўхталиш зарур:

Биринчидан, ушбу фаолият билан ноқонуний шуғулланувчи шахслар қонунга мувофиқ жавобгар бўлиши қайд этилган. Аммо Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексида бундай жавобгарлик кўзда тутилмаган (аввалги Кодексда – 223 модда «Файриқонуний врачлик фаолияти билан шуғулланиш»). Амалдаги Кодекснинг «Хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятлар» қисмида келтирилган. 190 – модда (фаолият билан лицензиясиз шуғулланиш) мазкур ҳолатнинг можияти ва мазмунини тўлиқ акс этирмайди.

Иккинчидан, қонунинг ушбу ҳолатида ноанъанавий тиббиёт, яъни ҳалқ табобати етарли даражада ёритилмаган.

Ва ниҳоят, тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг ҳуқуқлари, уларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий химояси масаласи ҳам амалдаги қонунчиликда ўз ифодасини топмаган. Башарти, тиббиёт

ходимларининг ҳуқуқ, мажбурият ва масъулиятларини аниқ белгилаш бемор ҳуқуқларини тўлиқ таъминлаш, касб ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда муҳим омил ҳисобланади.

Қонуннинг 42 – моддасига биноан хусусий тиббиёт амалиёти билан шуғилланиш учун тегишли диплом ва танлаган фаолияти турли бўйича лицензия бўлиши мумкин. Бинобарин, ушбу моддада тиббиёт ёрдам кўрсатиш сифатини назорати (лицензия берган орган, профессионал тиббиёт уюшмалари, маҳаллий давлат ҳокимиётни идоралари томонидан), руҳсатноманинг тўхтатилиши (лицензия берган орган, суднинг қарори билан) масалалари тўла ва аниқ берилган. Бу эса ўз навбатида хусусий тиббиёт амалиёти билан шуғулланувчиларнинг иш сифатини назорат қилиб бўлмайди деган сохта тушунча, фикрларнинг асоссиз эканлигидан далолат беради.

Қонуннинг сўнгти «Якунловчи қоидалар» қисмида Ўзбекистон Республикаси шифокори қасамёдининг матни, шифокор сири ҳақида тушунчалар келтирилган.

Нима учундир рус тилидаги матнда фақат врач олинган булиб, бошқа тиббиёт ходимлари четда колган.

Вахолангки, мантликга биноан шифокор қасамиёди, сири тушунчалари, талаблари барча тиббиёт ходимларига таъаллуклидир.

Шифокор сири хисобланган маълумотларни фуқаро ёки унинг қонуний вакилининг розилигисиз қўйидаги ҳолатларда бериши мумкин:

- ахволи оғирлиги туфайли ўз хоҳиши – идорасини билдира олмайдиган фуқарони текшириш ва даволаш мақсадида;
- юқумли қасалликлар таркалиши, ялпи заҳарланиш хавфи таҳдид соганида;

- тергов ёки суд текшируви ўтказилиши муносабати билал суриншириув ва тергов органларининг, прокуратура ва суднинг сўрови бўйича;
  - ўн тўрт ёшга тўлмаган вояга етмаган шахсга ёрдам кўрса тилаётган унинг ота – онаси ёки уни қонуний вакилларини хабардор қилиш учун;
  - фуқаронинг соғлиғига файри – қонуний ҳатти – ҳаракатлар ёки баҳтсиз тасодиф натижасида зарар етказилган деб гумон қилишга асослар мавжуд бўлганида;

Зеро, сүнгги ҳолатда тегишли ҳуқуқ тарғибот идораларига ўз вақтида маълумот бермаслик «жиноятни яшириш ёки у ҳақида ха- бар бермаслик» жиноят сифатида (Ўзбекистон Республикаси Жи- ноят Кодекси, 241 – модда) баҳоланишини доимо назарда тутиш зарур.

Қонун фуқаролар соғлиғига зарап етказилған ҳолларда уни ўрнини белгиланған тартибда қопланишини күзде тутады. Биноба – рин, зарап ўрнини қоплаш тиббиёт ва фармацевтика ходимларини қонунга мувофиқ тегишли интизомий, маъмурый ва жиноий жа – вобгардикдан озод этмайды (46 – мадда).

Таъкидлаш лозимки, тиббий ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ моддий ва маънавий зарар масалаларини кўриб чиқишида нафақат Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик кодекси, балки «Истеммолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги» Ўзбекистон Республикасидаги қонунда (1996 йил 26 апрель) белгиланган талаб, меъёрлар қўлланилади. Чунончи, сўнгги ҳолатда бемор истеммолчи, тиббиёт ходими эса истеммол қилинган хизматнинг яратувчиси тарзида қабул қилинади.

Шундай қилиб, мамлакатимиздеги соғлиқни сақлаш соңасынан қонунчилік асослары демократик давлат, ұхқуқий, очиқ жа-

Иншт, инсон ҳуқуқларини ҳар томонлама таъминлаш талаб, меъёр-  
лигига түлік жавоб беради. Айрим муаммоли ҳисобланған ҳолат-  
тарни бартараф этиш бу соҳадаги қонунчилікни мұккаммалашуви  
ривожланишигана хизмат қилади.

## ТИББИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Бизнинг давлатимизда ижтимоий масалалар орасида халқ соғлиғи учун масъулиятдан бошқа муҳим вазифа йўқлиги белгиланган бўлиб, шунинг учун ҳам ҳукуматимиз соғлиқни сақлаш ва уни ҳар томонлама ривожлантириш масаласига доимий ғамхўрлик қилиб келмоқда.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлашни асосий тамойилларига давлат характерига эга бўлиши; ижтимоий – гигиеник ва профилактик йўналиши; режалаштирилганлиги ва бирлиги; тиббий ёрдамнинг ҳамма учун бир хиллиги; фан билан амалиётнинг боғлиқлиги ва аҳолининг соғлиқни сақлаш ташкил қилишда фаол иштироки ва бошқалар киради.

Ҳалқимизнинг соғлиғини сақлаш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 40 – моддасида кўрсатилган. Бу давлат соғлиқни сақлаш ташкилотлари томонидан малакали тиббий ёрдам олиш ҳуқуқини таъминлайди; инсонлар соғлиғини мустаҳкамлаш ва даволаш учун даволаш муассасаларини кенгаштириш; ишлаб чиқариш санитарияси ва техника хавфсизлиги қайта кўриб чиқиш ва ривожлантириш; кенг профилактик ишларни олиб бориш; атроф мұхитни соғломлаштириш; ёш авлодни соғлиғи учун маъсулиятлик ва уни касалликларни камайтириш ва олдини олиш ҳамда аҳолини актив фаолияти ва узоқ умр кўришини таъминлаш ҳуқуқларини белгилайди.

«Аҳолини соғлиғини сақлаш» тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг 1996 йилдаги қонунида мамлакатимизда соғлиқни сақлашни қайта ислоҳ қилиш, профилактик йўналишни ривожлантириш, жароҳатланишлар ва касалликларни олдини олишнинг самарали чора – тадбирларини амалга ошириш, атроф мұхитни

соғломлаштириш, иш, турмуш ва дам олиш шароитларини яхшилаш масалалари кўрсатилган.

Қонуннинг 23 – моддасида «Агар одам тўсатдан касал бўлиб қолганда ёки баҳтсиз ҳодисалар туфайли жабранган бўлса, унга шиндаги даволаш – профилактик муассасида тез тиббий ёрдам кўрсатилиши» қайд қилинган.

Тиббий ва фармацевтик ходимлар йўлда, кўчада, жамоат жойларида ва уйида бирламчи тез тиббий ёрдам кўрсатишга мажбурдирлар.

Мамлакатимизда тиббиёт ходимлари ўз фаолиятида тиббиёт деонтологияси ва врачларнинг хулқ меъёрларига асосланган ҳолда иш олиб борадилар, аммо бу меъёрлар қонунга биноан олиб борилиши керак. Қонунда врач ёки бошқа тиббиёт ходимининг юридик жавобгарлиги кўрсатилган бўлиб, агар улар ўз вазифасини бажармасалар ёки ситқидилдан бажармасалар бу уларнинг касбий ҳуқуқбузарлиги сифатида баҳоланади.

Қонунда сабабсиз bemorga ёрдам кўрсатилмаса жиноий жавобгарликка тортилиши кўрсатилган. Bemorga сабабсиз ёрдам кўрсатмаслик қонун бўйича врачни 1 йилгача шартли ёки пул билан жарима қилиш билан чегаранилса, агар ёрдам кўрсатмаганлиги туфайли bemor ўлиб қолган бўлса, 2 йилга озодликдан маҳрум қилинади ҳамда шу касбда 3 йилгача ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинади.

Одатда тиббий ёрдам врачлар, фельдшер ва акушеркалар ва бошқа тиббиёт ва фармацевтик ходимлари томонидан кўрсатилади. Шунинг учун ҳам бу одамлар ўз хизмат бурчини бажармасалар жиноий жавобгарликка тортиладилар.

Бемorga тиббий ёрдам кўрсатмасликнинг сабаблари ишнинг холатига қараб сабабли ва сабабсизлиги аниқланилади. Агар bemor

келтирилган пайтда врач бошқа беморга ёрдам кўрсатаётган бўлса, тиббиёт ходимининг касаллиги туфайли ҳамда бемор билан объектив контакт бўлмаганлиги учун тиббий ёрдам кўрсата олмаган бўлса (масалан, транспорт бўлмаганлиги учун узоқдаги касални олдига бора олмаган бўлса, бу кечиримли сабаб ҳисобланади).

Қонунда bemorga янги диагностик, даволаш усуллари ҳамда янги дори моддалари қўллашда врачнинг бурчи ва ҳукуки кўрсатилган. Bemorning манфаати учун uning руҳсати билан, agar bemor 16 ёшга тўлмаган бўлса ёки руҳий касалларга ота — onasining ёки яқин кишисининг розилиги билан янги, илмий асосланган, ammo ҳали кенг қўлланимаётган янги диагностик усуллар, даволаш ва профилактик усуллари ҳамда янги доривор моддалар қўлланилиши мумкин.

Истаган янги тиббиёт муолажалари, айниқса соғлиқса ва bemorning ҳаётiga хавфли бўлса, синчиклаб экспериментал ва клиник текширишдан ўтказилгандан кейин ва Соғлиқни сақлаш ва зирлигининг руҳсати билан амалга оширилади.

Қонунда bemorning ёки uning қонуний вакилининг операцияга розилигини олиш тўғрисида аниқ кўрсатма йўқ, ammo ayrim kасалхоналарда касалдан операцияга розилиги ҳақида тилхат талаб қилинади. Kўргина актив операция қилувчи ва тиббий деонтология соҳасида ишловчи тажрибали жарроҳлар bemorlardan операцияга розилиги учун тилхат талаб қилиши нотўғри, чунки бундай ҳужжат фақатгина bemordan операция учун розилик олиш, bemorda операцияning оқибати тўғрисида салбий фикр туғилишига сабаб бўлади. Тилхат врач билан касал ўртасида алоқага салбий таъсир кўрсатиб, уларнинг бир—бирига нисбатан ишончини ўқотади.

Агар оператив жараён bemorni ҳаётини сақлаб қолувчи бирдан—бир усул бўлса (масалан, бачадондан ташқаридаги хомила—дорликдан қорин бўшлиғига қон кетган бўлса, ичаклари тугулиб,

буралиб қолган бўлса, ички органлар жароҳатланган бўлса) беморни ҳаётини сақлаб қолиш учун уни розилигини олиш имконияти бўлмайди ва тезда операция қилишга тўғри келади.

Агар хирург операцияни муваффақиятли ўтиши учун барча чораларни қўлламаган ва uning ҳаракатида жиноий совуққонлик ўзига ҳаддан ташқари ишониш ёки тиббий эътиборсизлик) операциядан кейин ноҳуш оқибатлар кузатилса, хирург ўзининг ногури ҳаракати учун жавобгарликка тортилади.

Ayrim ҳолларда bemorlar ва жабрланувчilarга tез тиббий ёрдам кўрсатишда мастлик ҳолатида бўладилар. Bu ўз навбатida kасалликни клиник белгilarini яширади ва kасалликka ҳамда жароҳатlанишига ташҳис қўйишни қийинлаштиради. Bундан ташқари, mast одам ўзининг ҳолатига тўғри баҳо бера олмайди. Kўпинча, хавфилигини баҳолай олмайди, баъзан керакли операцияда юқори фоиз ўлимнинг сабабчиси бўлади.

Ҳар бир хирургик операция калла кўприги ва қорин бўшлиғининг очилиши, шунингдек катта магистрал қон томирларнинг операцияси ҳаёт учун хавфли бўлиб, суд тиббиётида оғир тан жароҳатлари турига киради. Bундай операцияларни хирург очиқчасига кўра—била туриб қиласди.

Терминал ҳолатларда тез ўтказилаётган хирургик операциялар туфайли реанимацион муолажаларнинг роли катта, кўпинча энг муҳим керакли ҳолатларда ўтказилади.

Kўргина ташқи муҳит таъсири (механик жароҳатланиш, электротокдан жароҳатланиш, механик асфиксия ва заҳарланишлар) туфайли содир бўладиган экстремал ҳолатларда, шунингдек, кўпинча kасалхонадан ташқарида, етарли шароит, асбоб—ускуналар бўлмаган жойларда ҳамда реаниматолог сифатида тайёргарликдан ўтмаган кишилар томонидан реанимацион муолажалар

ўтказилса, беморлар ва жабрланувчилардан қўшимча жароҳатла нишлар чақириш мумкин. Баъзан касалхонада ўтказилган реанимацион муолажалардан кейин ҳам шундай жароҳатланишлар кутилиши мумкин.

Реанимация туфайли жароҳатланишлар ҳар хил бўлиши мумкин. Масалан, юракни ташқаридан массаж қилганда қобирғалар синиши, перикард жароҳатланиши, қобирғаларни бўлакчалари билан ўпка шикастланиши мумкин. Шунингдек, эпикард ва эндокард тагида анчагина қон қўйилишлар кузатилади. Бунга ятроген жароҳатланишлар дейилади.

Орган ва тўқималарни кўчириб ўтқазиш муаммосининг юридиқ ва аҳлоқий – этик моҳиятини билиш катта аҳамиятга эга. Бунда орган ва тўқималарни одамдан одамга, мурдадан одамга кўчириб ўтказишида врачларнинг аҳлоқий ҳуқуқлари ҳақидағи қатор мураккаб масалларни ҳал қилиш муаммоси ҳамда трансплантациянинг назарий ва экспериментал моҳиятини билишида, ўлимнинг мезонлари тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлиш, қонун бузарликка йўл қўйилишини олдини олиш масаласи муҳим ўрин эгаллади. Бу саволларни ечилишида тибиётга оид муаммолар: орган ва тўқималарни кўчириб ўтқазиши техник томонларини билиш, иммунологик тўғри келмаслик ҳолатини бартараф қилиш, операциядан кейинги асоратларини олдини олиш ва бошқалар кўндаланг бўлиб туради.

Трансплантатни тирик одамдан олиш фақаттана унинг хошишига биноан амалга оширилиши мумкин; орган ва тўқималар сотилиш ва сотилиш обьекти бўлмаслиги керак. Бу аҳлоқий ва гуманизм руҳида амалга оширилиши зарур.

Органларни кўчириб ўтқазиши ҳар бир операция жараёни донор соғлигини ҳар томонлама текшириш, унинг операция билан

асоратларини олдини олишга қаратилиши керак. Тибиёт таасисида донорлик тўғрисида акт тузилиб, унга донорнинг ишлоси қўйилади. Актда донорнинг ўз ҳоҳиши билан розилиги ва инфрациядан кейин содир бўладиган асоратларни билишлиги кўралади.

Шундай қилиб, орган ва тўқималарни донорлиги учун албатта мухим шарт қўйилади:

1. Агар bemorning ҳаётини сақлаб қолиш учун орган ва тўқималарни кўчириб ўтқазишидан бошқа усуллар ёрдам бермаса. Бундача айтганда, орган ва тўқималарни кўчириб ўтқазиш учун фақат кўрсатма бўлса.

2. Донорга реципиентга қараганда зиён етказиладиган бўлса, олни органни кўчириб ўтқазишидан реципиентга кўпроқ фойда, донорга эса зиёни камроқ бўлган тақдирда. Агар ҳар иккала шартидан биронтаси тўғри келмаса, донорлик бўлиши мумкин эмас. Бунда донорда кейинчалик содир бўладиган оқибатларни ҳисобга олиш зарур. Бугун масалан, кўчириб ўтқазилган буйрак бошқа бир қишини, реципиентни ҳаётини сақлаб қолган ва донорга озроқ зиён етказган бўлса, кейинроқ эса бу ҳолат ўзгариши мумкин. Бунда донор учун мухим шарт у руҳий жиҳатдан соғлом ва ўзининг ҳаракати учун жавобгарликни сезиши керак.

### Мурдадан орган ва тўқималарни кўчириб ўтқазиш учун олиш тартиби

Тирик одамдан кўчириб ўтқазишининг қийинлигини ҳисобга олиб, ўлган одамларнинг танасидан орган ва тўқималарни олиш ва ишлатиш муаммоси ўртага ташаланади, аммо бунда ҳам айрим ах-

лоқий – тарбиявий ва ҳуқуқий саволлар пайдо бўлиб, булар мураккаб характерга эга бўладилар.

Мурдадан орган ва тўқималарни кўчириб ўтказиш учун биологик ўлим содир бўлганда бирданга олинади.

Бунда асосий ва мураккаб савол туғилади: ўлиш пайтиң қандай аниқланади? Бу савол реаниматология фани пайдо бўлгунча ва трансплатация ривожлангунича оддий савол ҳисобланилар эди. Бунда юракни тўхташи ўлим ҳисобланар эди. ҳозир эса клиник ўлим, яъни бу даврда 5–6 минут давомида ўлган одамнинг органдари функциясини тўлигича тиклаш ва ўлган одамни тирилтириш мумкин. Реанимацион усуллар ёрдамида бундан кейинроқ муддатдо ҳам одамни ҳаётга қайтариш мумкин, чунки бунда миянинг пўстлоқисми функцияси деярли йўқолиб, одам хушини йўқотади. Бундан одамлар баъзан ойлаб яшashi мумкин.

Шунинг учун орган ва тўқималарни олишнинг муҳим шарт фақат биологик ўлим содир бўлгач амалга оширилади. Бунда организмнинг ҳаётий жараёнида қайтмас ўзгаришлар содир бўлади аммо биологик ўлим юзага келганлигига аниқ ишонч ҳосил бўлиши керак.

Биологик ўлимнинг содир бўлганлигини ишончли белгиларидан бири мурда доғлари ва мурдани қотишини кўринишидир. Улар 40–50 минутдан (баъзан 2–4 соатдан) кейин одам ўлгач пайдо бўлиши мумкин. Бу даврда орган ва тўқималарда гипоксия, аутолиз жараёни бошланиши кузатилади ва бу орган ва тўқималарни кўчириб ўтказишга яроқсизлигидан дарак беради. ҳозирги вақтда ўлимнинг содир бўлганлигини инструментал текширув орқали, аввало – электроэнцефалография ёрдамида бош мияда ҳаётий жараёнлари тўхтаганлигини аниқланилади. Айрим ҳолларда орган ва тўқималарда гипоксиянинг олдини олишда сунъий қон айланаш

аппаратида юракнинг фаолияти сақлаб турилади ҳамда органларни кўчириб ўтказиш учун олинади.

Биологик ўлим содир бўлганлигини тасдиқловчи баён тузила – ли ва бунга бир неча врач имзо чекадилар.

Кўпинча, соғлом одамлар қандайдир зўраки таъсир билан, шъни транспорт жароҳатланишидан ёки баландлиқдан тушиб кетганлиқдан кейин органлари кўчириб ўтказиш учун олинади. Бунга мурдани текширувчи суд тибиёти эксперти тўлигича ишонч ҳосил қилиши керак, ҳамда у мурдани хуласасини текширув қисмида қайси орган ва тўқималар, қандай мақсадда олинганлигини ёзиб кўйиши шарт.

## ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРИ ҲОЛАТЛАРИДА СУД ТИББИЁТИ ЭКСПЕРТИЗАСИ

Врачларнинг амалий фаолияти давомида диагностика ва даволаш усуларида айрим тиббиёт билимларини тўлигича эгалламаганликлари туфайли айрим хато ва камчиликлар учраши мумкин. Баъзан бундай камчиликлар врачларнинг фаолиятида эҳтиёткорлик қоидаларига риоя қилмаслиги ёки уларнинг ўз касбига совуқонлик билан қарashi туфайли содир бўлади.

Врачлар томонидан йўл қўйилган хатоликлар кўпинча касаллар ва уларнинг қариндошлари шикоятига сабабчи бўлади.

Шикоятнинг аниқ мақсади ва сабаблари жуда хилма хил бўлади: операция ёки даволашнинг нохуш оқибати, нотўғри ёки ўз вақтида қўйилмаган ташҳис, тиббиёт ходимларининг қўпполлиги ва эътиборсизлиги ҳисобланади. Кўпчилик ҳолларда касални даволашда актив қатнашган хирурглар ва акушер—гинекологлар устидан шикоят қилинади. Касаллар ёки уларнинг қариндошлари томонидан қўзғатилган жиноий ишларнинг кўпчилиги тахминий қўриб чиқилгандан кейин тўхтатилади. Агар қидирув ишларида тиббиёт ходимлари фаолиятида йўл қўйилган камчиликлар ёки ҳар хил етишмовчиликлар топилган тақдирда улар жавобгарликка тортилиши мумкин.

Тиббиёт ходимлари фаолиятида учрайдиган дефектлар ва ҳар хил хатоларни қўйидаги гурӯҳларга (И.Ф.Огарков, 1996) бўлиш мумкин:

1. қасдан жиноят содир қилиш.
2. Эҳтиётсизлик ёки эътиборсизлик билан жиноят содир қилиш.
3. Врачларнинг хатоси.
4. Тиббиёт амалиётида баҳтсиз ҳолатлар.

Агар тиббиёт ходимлари қасдан жиноят содир қилган бўлсалар ва шунингдек эҳтиётсизлик билан жиноят содир қилган бўлса ва бу давлат ҳамда жамият манфаатлари учун етарли зиён етказадиган бўлса жиноий жавобгарликка тортиладилар. Бошқа ҳолларда эса административ ёки **дисциплинар** жавобгарликка тортиладилар.

### Тиббиёт фаолияти билан боғлиқ қасдан жиноятлар

Қасдан жиноят деб, жиноят қилувчи ўзининг содир қилаётган жиноятни жамият учун хавфли оқибатларга олиб келишини тушуниб туриб ва ўзи хоҳлаб ёки бу оқибатни келиб чиқишига иқрор бўлган ҳолда йўл қўйишга айтилади.

Қасдан жиноят содир қилиш Ўзбекистон жиноят кодексининг 104, 105, 109 – моддаларда кўрсатилган.

Қасдан жиноят содир қилишга қўйидагилар киради:

1. қонунсиз ёки жиноий аборт (114,115 – моддалар).
2. Беморга ёрдам кўрсатмаслик.
3. Эпидемияга қарши кураш қоидаларига риоя қилмаслик (257 – модда).
4. Наркотик ва кучли таъсир қилувчи заҳарли моддаларни ишлаб чиқиш, сақлаш ва бошқа жойга қонунсиз ҳолда ташиш (251 – модда).
5. Аёлларни ва эркакларни тиббий кўрсатмасиз стериллаш (104 – модда).
6. ўз хизмат вазифасини сусисъетмол қилиш (301 – модда).
7. Совуқонлик билан ўз мансабига қараш (207 – модда).
8. Мансаб сохтакорлиги (209 – модда).

1. Қонунсиз ёки жиноий abort, бу ўзР жиноят кодексининг 114,115 – моддаларида кўрсатилган бўлиб, агар abort врачлар томонидан тиббиёт муассасасидан ташқарида ёки врачлик дипломи бўлмаган тиббиёт ходимлари томонидан ўтказилган бўлса, бунга қонунсиз ёки жиноий abort дейилади. Агар бу жабрланувчининг ўлими билан тугаса ёки оғир оқибатларга олиб келса ва шунингдек бундай abortлар бир неча мартараб тақорланган бўлса бу жиноятчанинг ишини оғирлаштирувчи модда билан жазоланади.

2. Беморга ёрдам кўрсатмаслик маҳсус қоида бўйича ёки қонун бўйича ҳеч бир сабабсиз ёрдам кўрсатилмаган бўлса, бундай ёрдам фақатгина врачлар томонидангина эмас, балки фельдшер, ҳамшира ва акушеркалар томонидан ҳам берилиши шарт.

Софлиқни сақлаш қонуниятларига асосан тиббиёт ходимлари бирламчи тез тиббий ёрдамни одамларга йўлларда, кўчалар ва уйларда кўрсатишлари шарт.

3. Эпидемияга қарши кураш қоидаларини бузиш (бу ўзР жиноят кодексининг 257 – моддасида кўрсатилган). Агар бу қоидалар бузилиши туфайли юқумли касалликлар тарқалса ёки бу касалликларнинг тарқалишига хавф туғилса жавобгар шахс жиноий жавобгарликка тортилади. Масалан, агар у ўткир юқумли касалликлар борлигини яширса ёки уларга қарши профилактик эмлашни бошлидан бош тортса, карантин ҳолати бузилса ва бошқалар.

4. Кучли таъсир қилувчи ва заҳарли наркотик моддаларни тайёрлаш, сақлаш ва қонунсиз ҳолда бир жойдан иккинчи жойга тарқатишга ҳаракат қиласа, Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 273 – моддаси билан жиноий жавобгарликка тортилади. Бу модда тиббиёт ходимлари учун эмас, балки фармацевтлар, тиббиёт базаси ва омбори ҳодимларига биринчи навбатда алоқадор.

5. Эркаклар ва хотинларни тиббиёт кўрсатмасиз стериллаш, бу уларга оғир тан жароҳати етказилиши (104 – модда) билан белгиланади.

6. Қонунсиз ҳолда врачлик фаолияти билан шуғулланиш. Бунга табиблар, ҳамширалар кириб, улар врачлик фаолияти билан шуғулланадилар.

7. Хизмат вазифасини ёки мансабини сунистеъмол қилиш (бу Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 205, 206 – моддаси). Бундай ҳолатта кишиларда мумкин бўлмаган тажриба ўтказиш киради.

Ўз мансабига совуққонлик билан қарааш ўзР жиноят кодексининг 207 моддасида кўрсатилган.

8. Мансаб соҳтакорлиги (209 – модда). Бунда мансабдор шахс қабих ниятлар билан, масалан, пора олиш учун маҳсус ҳужжатларга сохта маълумотлар, ўзгаришлар киритиб ҳужжатдаги баъзи маълумотларни ўчиради ёки бошқа кун билан белгилаб қўяди.

Агар у амбулатор дафтарчасига, bemorlarning травматик карточкаси, касаллик тарихи, вақтинчалик иш қобилиятини йўқотиши қофози, операцион журнали, ногиронлик тўғрисидаги ҳужжатга, касаллик ҳақидаги гувоҳномаларга ўзгаришлар, ҳар хил ёзувлар киритилса врачларга алоқадорлиги ҳақида сўз кетади.

#### **Тиббиёт ҳодимларининг эътиборсизлиги ёки эҳтиётсизлиги туфайли содир бўлган жиноятлар.**

Эҳтиётсизлик ёки эътиборсизлик туфайли жиноят содир қилишлик деб, агар жиноят қилувчи одам ўзининг таъсири ёки таъсир қилмаслиги туфайли хавфли оқибатларга олиб келишни аник кўрган ҳолатда буни ўтиб кетиши ёки оқибати яхши бўли-

шига енгилтаклик билан ишонган ёки уни оқибатини кўра билмаган, аммо уни кўра билиши керак эди.

Эҳтиётсизлик ёки эътиборсизлик билан жиноят содир бўлиши ёки унинг ўзига ўзи ишониши, яъни айбдор ўзининг ўзига ишониши, яъни айбдор ўзининг таъсири ёки таъсир қиласлиги жамият учун хавфли оқибатларга олиб келишини кўра била туриб, бу оқибатларни енгилтаклик билан ўтиб кетади деб ҳисоблаши туфайли тушунтирилади.

### Эътиборсизлик туфайли жиноят

Эътиборсизлик туфайли жиноят содир қилганда эса у бундай оқибатларни кўра билмаган, аммо буни кўра билиши шарт эди.

Эҳтиётсизлик ёки эътиборсизлик билан врачнинг қилган ишлари унинг касбий жинояти—совуқонлиги бўлиб, бу ўзР жиноят кодексининг 207 мoddасида кўрсатилган.

Совуқонлик деб, мансабдор шахс—врач ўзининг вазифасини ситеқидилдан бажармаслиги ёки тўлигича бажармаслиги туфайли давлат ва жамият манфаатларига анча зиён етказилишига айтилади. Врачлар фаолиятининг эҳтиётсизлик билан таъсир қилишига совуқонлик килиб, бу қўйидагича намоён бўлади:

**1. Беморни тўлигича текширмаслик.** Бунга касаллик тўғрисида анамнезни тўғри йиғилмаслиги, элементар диагностик ишларнинг бажарилмаслиги (пульси, артериал босимни аниқланмаслиги, ҳароратини ўлчаммаслиги, қон ва сийдик тахлили қилинмаслиги) киради. Бунинг натижасида касалликка ташҳис қўйишда асосий касаллик, асорати ва йўлдош касалликлари аниқланилмай қолади ёки нотўғри ташҳис қўйилади. Бу ўз навба-

тида bemorni касалхонага ётқизиши кечикиришга, кечикиб да—нотўғри даволашга сабабчи бўлади.

**2. Даволащдаги камчиликлар.** Бунга нотўғри, ўз вақтида у ёки бу даволаш усулларини, масалан, операцияни ўз вақтида қиласлик медикаментларни юқори дозасини бериш, бир—бирига тўғри келмайдиган дориларни тавсия этиш, бошқа гуруҳ ёки муддати ўтган яроқсиз қонни қутиш ва кабилар киради. Даволаш шайтидаги камчиликларга оғир bemornинг аҳволини систематик назорат қилиб турмаслик ҳам олиб келади.

**3. Жарроҳларнинг ўзига ишонишининг типик белгиларидан** бири bemorларни операцияга эътиборсизлик билан тайёрлаши ва операцияни техник жиҳатидан нотўғри қилишлари, масалан, фимоз операцияси вақтида эътиборсизлик билан терисини кесиб ташлаш ўрнига эркаклик жинсий аъзосини бошини кесиб ташлайди.

Ўзига ортиқча ишонишига, агар хирург ўзи мустақил операция қилаётганда, шу операциянинг техник бажарилишини яхши билмаса, ёки операция вақтида қорин бўшлиғида ёт жисмларни (марали, салфетка ва бошқаларни) қолдирса, киради.

## ТИББИЁТДА ВРАЧЛАРНИНГ ХАТОСИ ВА БАХТСИЗ ҲОДИСАЛАРНИ ҲУҚУҚИЙ ВА ДЕОНТОЛОГИК БАҲОЛАШ

Врачларнинг касбий фаолиятида энг муҳим ва қийин жавобгарлиги беморда ноxуш ҳодисаларнинг кузатилишидир. Бу кўпинча касаллик ёки жароҳатланишнинг оғирлиги, одам организмини индивидуал хусусияти, врачга боғлиқ бўлмаган ҳолда кеч ташҳиқ юйилиши ва ниҳоят, кечикиб даволанишнинг бошланиши туфайли юзага келади. Баъзан тиббий муолажаларнинг ноxуш оқибатлари касалликнинг клиник симптоматикасини ёки нотўғри даволашни таъсири туфайли келиб чиқади. Бундай ҳолларда врачларнинг хатоси ҳақида гап кетади.

Катта тиббиёт энциклопедиясида врачларнинг ситқидилдан ёндошиб адашганда ва унинг ҳаракатида жиноят таркиби ёки ноўрин ҳатти – ҳаракат белгилари бўлмаса тушунилади.

Шундай қилиб, врачларнинг хатоси – бу врачнинг ҳаракати ва муҳокамасида ситқидилдан янгилишидир. Баъзан, врач, маълум бир конкрет ҳолатда ўзининг ҳақлигига ишонган ҳолда, виждони нимани кўрсатса, шунга қараб ситқидилдан ҳаракат қиласи ва шунга қарамасдан хатоликка йўл қўяди.

Бунинг объектив ва субъектив сабаблари бор:

Объектив сабаблари врачнинг малакасига ва тайёргарлик дарражасига боғлиқ эмас. Бундай ҳолларда врач анча билимдан бўлса ҳам, у барча ўзининг имкониятларини ишлатса да, бари – бир врачнинг хатоси содир бўлиши мумкин.

**1. Врачлар хатосининг объектив сабабларига қўйидагилар** киради: тиббиётнинг шу соҳаси бўйича касалликнинг этиологияси, патогенези ва клиник белгилари тўлиғича маълум бўлмаслиги, ташҳис

нишнинг объектив қийинлиги, касалликнинг ноаниқ ўтиши, беморда бир неча рақобатли касалликларнинг бўлиши, бенорнинг оғир хувесиз ҳолатда бўлиши ва текшириш учун вақтнишмаслиги, керакли диагностик аппаратларнинг бўлмаслиги ва бошқалар.

**Врачлар хатосининг субъектив сабабларига** врачнинг тайёр гарлиги ва амалий тажрибасининг етишмаслиги туфайли анамнетик маълумотларни, клиник кузатиш натижаларини, лаборатория ва инструментал текширув усусларини яхши баҳоламаслиги, ўзининг билимини ва имкониятларини ортичча баҳолаш ва бошқалар киради.

Тажриба шуни кўрсатадики, айрим тажрибали, малакали врачлар жуда мураккаб ҳолларда хатоликка йўл қўйса, ёш врачлар ва касаллик типик бўлганда ҳам адашадилар.

**Врачларнинг хатоси** – бу юридик бўлмаган категорияга киради. Врачларнинг хатосига олиб келувида врачнинг ҳаракатида ҳеч бир жиноят белгилари кузатилмайди. Бунда врачнинг фаолиятида юнун билан ҳимояланувчи шахснинг соғлиғи ва ҳаётига хавф солдирувчи ҳеч бир жиноят изи йўқ. Шунинг учун врач ўзининг хатоси учун жиноят жавобгарликка эмас, балки административ жавобгарликка ҳам тортилиши мумкин эмас.

Худди шундай ҳолат, агар объектив сабабга кўра врачлар хатоликка йўл қўйилган пайтда ҳам қўлланилади.

Тиббиёт фаолиятидаги айрим камчиликлар, врачларнинг ўз касбига сittқидилдан ёндошибаслиги, bemорни даволаш фаолиятида ўзининг имкониятлари ва даволаш муассасасининг имкониятлари – дан фойдаланмаслик кабилар врачларнинг хатосига кирмайди.

Барча врачларнинг хатосини қўйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

1. Диагностик хатолар.
  2. Даволаш усулларини танлаш ва даволащдаги хатолар.
  3. Тиббий ёрдамни ташкил қилишдаги хатолар.
  4. Тиббиёт ҳужжатларини тұлғазыщдаги хатолар.
  5. Тиббиёт ходимлари алоҳидаги хатолар – бу асосан тиббий де онтологияга алоқадордир.
- 1. Диагностик хатолар.** Бу жуда күп учрайдиган хатолар бўлиб бунга маҳсус адабиётлар бағишиланган.

Клиник ташҳиснинг шаклланиши бу жуда мураккаб ва күп компонентли масала ҳисобланади. Буни ечиш биринчидан, врачларнинг касалликларни этиологияси, патогенези, клиник ва патоморфологик кўриниши ҳамда касалликлар пайтида кузатиладиган патологик жараёнларни билиши, иккинчидан, бемор организми – нинг индивидуал хусусиятлари ва касалликларни аниқ касалда ўтишига боғлиқ.

Диагностик хатоликларнинг күп учрайдиган сабаби касалликка эрта ташҳис қўйишнинг объектив қийинлигидир.

Кўпинча касаллик жараёнларини яширин даври узоқ давом этадиган, симптомсиз ўтадиган ҳисобланади. Бунга ёшларда учрайдиган хавфли ўсмалар, сурункали заҳарланишлар, шунингдек бачадондан ташқаридағи ҳомиладорлик ва бошқалар киради.

Айрим касалликларнинг ўтиши яшинсимон тез бўлса, катта диагностик қийинчилик туғилади. Врачлар хатосининг объектив сабабларига касалликнинг атипик ҳолатда ўтиши, битта одамда икки ва ундан ортиқ касалликнинг бирданига учраши, беморнинг оғир ва хушсиз ҳолатда бўлиши ҳамда ташҳис қўйиш учун врачнинг ихтиёрида вақтнинг кам бўлиши кабилар киради. Агар бемор мастилик ҳолатида бўлса, касалликни ёки жароҳатланишни аниқлашга ҳалақит беради.

Диагностик хатоликларнинг сабабига беморнинг шикояти, әнамнези, лаборатория ва инструментал текшириув натижаларини ҳисобга олмаслик ёки юқори баҳолаш ҳам киради. Аммо бундай сабабларни объектив сабаблар деб ҳисобланмайди, балки бу врачнинг тажрибасизлиги ва малакасининг пастлиги билан баҳоланади.

## **2. Даволаш усулларини танлаш ва даволаш жараёнида йўл қўйилган хатоликлар.**

Бундай хатоликлар диагностик хатоликларга қараганда анча кам учрайди. Айрим ҳолларда кеч ва нотўғри қўйилган ташҳис билан боғлиқ бўлади. Баъзан ташҳис ўз вақтида ва тўғри қўйилган бўлса ҳам даволашда хатоликларга йўл қўйилиши мумкин. Масалан, бир неча даволаш усуллари борлигига қарамасдан, даволаш усулини нотўғри танлаш, даволашни ўз вақтида бошламаслик, операция усулини ва ҳажмини нотўғри танлаш ва бошқалар. Шундай ҳолатлар бўладики, даволаш усули тўғри танланган ва даволаш ўз вақтида бошланган бўлса – да, даволаш техникасида хатоликларга йўл қўйилиши мумкин. Бу кўпинча хирургик операциялар вақтида кузатилади.

## **3. Тиббий ёрдам кўрсатищдаги хатолар.**

Бу асосан тиббий ёрдамни нотўғри ва ноаниқ ўйланган ҳолда ташкил қилиниши натижасида содир бўлади. Айрим соғлиқни сақлаш раҳбариятининг касбий маҳорати унча юқори бўлмагандা, баъзан қандайdir, даволаш – профилактик ташкилотнинг фаолиятида ноxуш ҳолатлар содир бўлганда шундай хатоликларнинг сабабчиси бўлиши мумкин.

Тиббиёт ёрдамининг ташкил қилинишида йўл қўйилган хатолар туфайли айрим регионларда тиббий ёрдам кўрсатишининг аҳволига салбий таъсир қиласи. Шунга қарамасдан, даволаш – профилактикаси ташкилотларининг врачлари, агар ташкилотнинг

раҳбари айби туфайли хатоликлар содир бўлган бўлса ҳам, ўз вазифасини ситқидидан бажариши мумкин.

Тиббий ёрдамни ташкил қилишдаги айrim хатоликларнинг содир бўлишида маълум шароитларнинг ролини ҳам кўрсатиш зарур. Бизга маълумки, даволаш муассасасининг иши қабул бўлимидан бошланади. Бу ерда ташкил қилинган шароит ўз вақтида тиббий ёрдамни ташкил қилишни таъминлайди, айниқса ургент ҳолларида, касалликлар, жароҳатланиш ва заҳарланишларда тез ёрдам кўрсатишида яқиндан ёрдам беради. Шунинг учун қабул бўлимининг иши чуқур ўйланган ва ташкил қилинган бўлиши ҳамда бу даволаш ташкилоти раҳбарининг доимий назоратида туриши керак. Қабул бўлими ходимлари учун қўйполлик ва ўзибўларчиллик одатлари ёт бўлиши керак, чунки бундай ҳолатлар bemорга салбий таъсир қиласи ҳамда ушбу касалхона ва унинг ходимлари ҳақида ёмон фикрларни туғилишига сабабчи бўлади. Бу ўз навбатида даволашнинг оқибатига салбий таъсир қиласи. Касалхоналарда тиббиёт ходимларининг дам олиш ва байрам кунларидағи навбатчилиги, тун ва тундаги навбатчилигини тўғри ташкил қилинмаслиги ҳам хатоликларнинг манбай ҳисобланади. Бундан касалхонада даволанувчи, янгидан касалхонага тушувчи касаллар, айниқса тез ёрдамга муҳтож касаллар жабрланадилар.

Тиббий ёрдамнинг ташкил қилинишида даволаш муассасаларида ўринларни ўйламасдан ёки нотўғри тақсимланиши туфайли бир хил бўлим кам вазифа, бошқалари эса кўп вазифа билан ишлайди. Бу ўз навбатида тиббий ёрдамнинг сифатини пасайтиради ҳамда тиббиёт фаолиятида хатоликларга сабабчи бўлади.

Тиббий ёрдамни ташкил қилиниши етарлича ўйланмасдан амалга оширилиши даволаш муассасасини приборлар, реактивлар ва медикаментлар билан таъминлашта ҳам таъсир қиласи ва ҳамда диагностика ва даволашда камчиликларнинг сабабчиси бўлади.

#### 4. Тиббиёт ҳужжатларини тўлғазищдаги хатоликлар.

Бундай хатоликлар касалликлар диагностикаси ҳақида нотўғри ҳулосаларга, ВТЭК да нотўғри қарорга келишга ҳамда тўлиқ асосланмаган реабилитация ишларини ўтказишга сабабчи бўладилар.

Барча врачларга хос хатоликларнинг таҳлили врачларнинг малакасини оширишда ва хатоликларни олдини олишда муҳим роль ўйнайди. Бундай таҳлил асосан клинико-анатомик конференцияда ўтказилади.

Бизнинг даволаш муассасаларимизда клинико-анатомик конференция ўтказиш ҳозирги даврда яхши ташкил қилинган анъянага айланиб қолган. Клинико-анатомик конференция амалиётта биринчи марта Академик И.В.Давудовский томонидан 1930 йили киритилган бўлиб, 1935 йилдан бошлаб барча даволаш ташкилотлари учун мажбурий ҳисобланади.

Клинико-анатомик конференциянинг вазифалари:

- Даволаш – профилактик муассасаси врачларининг малакасини ошириш ва диагностика ҳамда даволаш ишларини биргалиқда кўздан кечириш клиник ва секцион материалларни муҳокама ва таҳлил қилиш туфайли даволаш ва профилактика ишларини сифатини яхшилаш;
- тиббий ёрдамнинг барча босқичида диагностик ва даволаш ишларида йўл қўйилган хатоликлар ва уларнинг сабабини аниқлаш; қўшимча текширув ишлари (рентгенологик, лаборатория, функционал диагностика ва бошқалар) камчиликларини аниқлаш;

Клинико-анатомик конференциянинг вазифасига: барча клиник ва патологоанатомик (суд-тиббиёти) ташҳислари бир-бирига тўғри келмаган ҳолларда; илмий-амалий аҳамиятта эга бўлган барча ҳолларда; атипик ўтувчи ва кам учрайдиган касалликларда; доривор касалларни ва доривор касалликларнинг патоло-

томорфози; тез ёрдам кўрсатиш мақсадида ётқизилган терапевтика ва хирургик ёрдам туфайли ўлган беморлар; агар беморлар ўткір инфекцион касалликлардан, номаълум сабабдан ўлганда биргаликда муҳокама қилиш ва бошқалар киради.

И.А.Кассирский патолого – анатомик конференция ўтказишида «врач – врач» тизимида деонтологик меъёри сақлаш муҳимлигига эътибор беришини кўрсатиб, бу патологоанатомларнинг клиницистлар устидан судьялик қилиши патологоанатомнинг прокурор ролида сўзлаши керак эмаслигини кўрсатади. Чунки патологоанатомга ҳаммаси ҳам маълум эмас, ҳаммасини фақат патологик анатомия тушунтира олмайди. Масалан, функционал патологиядаги ўлимга олиб келганда, баъзан патологоанатом столида ўлимнинг вужудга келиши ноаник бўлиб қолади. Шунга қарамасдан клиницистлар аниқ, илмий, объектив ҳолда тириклик пайтидаги клиник белгиларни кўрсатиши, беморни даволашда ва диагностикасида йўл қўйилган хатоликларга очиқча икror бўлиши, буларнинг сабабини очиқча аниқлаш ва кўрсатиш ҳамда уни олдини олиш мумкинлиги ҳақидаги фикрни айтиш. Булар клиницистни обрусини ҳеч қачон пасайтиромайди, балки камчиликларни тан олиши уни обрўсини оширади.

Врачларнинг хатосини ва тиббий ёрдам кўрсатишида йўл қўйилган камчиликларнинг таҳлили фақаттина патологоанатомларнига эмас, балки суд – тиббиёти экспертининг ҳам тўғридан тўғри вазифаси ҳисобланади.

Шундай қилиб, врачларнинг хатосида ҳеч бир қасдан ёки эътиборсизлик билан жиноят қилиш белгилари йўқ. Бундай хато учун врач жиноий жавобгарликка тортилмайди. Бунинг учун уни врачлик ёки инсоний виждони жазолайди. Хато қилган врач, бу

холатни қайта – қайта таҳлил қилиб, келажакда бу хатоликларга йўл қўймасликка ҳаракат қиласди.

### Тиббиёт амалиётида баҳтсиз ҳодисалар

Айрим ҳолларда тўғри ва ўз вақтида ташҳис қўйилган ва келажакли даволанган тақдирда ҳам тиббий ёрдамнинг оқибати нохуш бўлиши мумкин. Бундай ҳолатга тиббиёт амалиётида баҳтсиз ҳодисалар дейилади.

Тиббиёт амалиётида баҳтсиз ҳодисалар деб, диагностик ва даволаш ишларининг қониқарсиз оқибатини тиббиёт фанининг ҳозирги замон усулларини қўллагандага ҳам ёмон оқибатга олиб келишини объектив ҳолда кўра билмаслик, яъни уни содир бўлишини олдини олишни имконияти йўқлиги тушунилади.

Бундай ҳолларда тиббий ёрдамнинг қониқарсиз оқибати қандайдир кишининг хатосига боғлиқ бўлмай, балки улар тасоди – фий ҳодисалар билан боғлиқ бўлиб, уни врач олдини ололмайди. Бу врачнинг ҳаракатида ҳеч бир қонунга қарши қилинган ишларининг белгилари йўқлигини кўрсатади. Тиббиёт амалиётида баҳтсиз ҳодисанинг типик турига беморнинг доривор моддаларни (масалан, антибиотиклар, сульфаниламидалар) биринчи марта қабул қилинганда кўтара олмаслиги, металлоостеосинтез операциясида ёғ эмболиясидан ўлим, наркоз вақтида беморнинг операция столида ўлиб қолиши, операциядан кейин кўп кун ўтгач, операциядан кейинги чандиқнинг йиртилиб кетиши, операция вақтида юрагининг ёрилиб кетиши ва бошқалар.

Тиббиёт амалиётида баҳтсиз ҳодисаларнинг врачлар хатосидан фарқи шундаки, баҳтсиз ҳодисаларни врачлар ва ўрта тиббиёт ҳодимларининг ситқидидан ҳаракатлари туфайли ҳам кўриш ва аниқлаш имконияти бўлмайди.

## СОҒЛИҚ ВА ҲАЁТГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР

Ўзининг касбий фаолиятида тиббий ходим қасдан ёки эътиборсизлик билан жиноят содир қилиши мумкин ва бу ўз навбатида беморнинг соғлиғига зиён етказиши ҳамда ўлимга олиб келиши мумкин. Бундай ҳолларда одам ўлдириш (97 – модда), эътиборсизлик туфайли ўлим содир бўлиши (102 – модда) ёки эҳтиётсизлик (302 – модда) билан соғлиқча зиён етказиш жавобгарлиги кузатилади.

Масалан, 12 ёшли бола аппендицит ташҳиси билан операция учун ётқизилди. Наркоз пайтида унинг нафас олиши тўхтади. Тирилтириш учун қилинган барча ҳаракатлар фойда бермади. Маълум бўлишича, кислород балони ўрнига аппаратта карбонат ангиридлик балон қўшилган. ўлимнинг сабаби ис гази билан заҳарланиш бўлган. Наркоз берувчи врачнинг фаолиятида эътиборсизлик туфайли ўлим содир бўлганлиги аниқланган.

Ҳамшира bemor венасига бром эритмасини юбориши керак бўлган. Бироқ, у тиббий шкафда турган бром ўрнига бошқа идишдаги рангсиз суюқликни олади ва унга эътибор бермай, ёзлиғига қарамасдан укол қиласди. Бирданига bemorда қалтираш пайдо бўлиб, барча чораларга қарамасдан bemor ўлади. Маълум бўлишича, ҳамшира бром ўрнига, 10 мл дикаин юборганлиги аниқланилади. Бунда ҳам ўлимнинг сабаби ҳамширининг эҳтиётсизлиги ҳисобланади.

Абортдан олдин врач новокаин ўрнига нашатир спиртини юборади. Бунинг натижасида қинда, йўғон ичакнинг бир қисмида, сийдик пуфаги ва сийдик йўлида некроз ривожланади. Барча ҳаракатлар, кўрилган чоралар туфайли bemornинг ҳаёти сақлаб қолинади, аммо аёл киши I – гурӯҳ инвалиди бўлиб қолади. Бунда

врач эҳтиётсизлиги туфайли bemordda соғлиғига оғир зарар етказганилиги учун жавобгарликка тартилди.

Соғлиғи ва ҳаётига зарар етказганилиги учун жиноий жавобгарлик даволаш, профилактик, диагностик, иммунобиологик препаратлар, биотибий усулларни ноқонуний қўлланганлиги туфайли белгиланади. Бундай усулларни қўлланилиш тартиби инсонлар соғлиғини сақлаш ҳақидаги қонуниятларда кўрсатилган. Бунга асосан фақатгина рухсат этилган усуллар, моддалар ва текшириш усуллари қўллаш тавсия этилади. Қонун айрим ҳолларда қўлланишга рухсат этилмаган айрим диагностик, даволаш усуллари ва доривор моддалар фақатгина bemornинг розилиги билан, 15 ёшга етмаган болаларнинг қонуний вакилини рухсати билан агар ўни даволаш учун зарур бўлган ҳолларда рухсат беради.

Тиббий фаолиятни ҳар қандай илмий иш сингари тажрибасиз тасаввур қилиб бўлмайди, аммо тиббий тажрибанинг ўзига хос ҳусусияти шундаки, у доимо ҳам сунъий шароитда тутгалланавермайди. Унда энг сўнгги текширув фақатгина одам организмida ўтказилади. Бу ўз навбатида ёмон оқибатлар юзага келиши билан боғлиқ. Бундай ҳолларда тиббий фаолиятида янгилик сифатида қилинган иш юридик жиҳатидан иккита асосий шартни қониқтириш керак:

1. У bemorni даволашга қаратилган бўлиши.
2. Новаторлик усуллари ва моддалари ҳайвонларда дастлабки синовдан ўтиши керак.

Бундай синов, агар ижобий оқибатга олиб келиши мумкинлиги исботланган бўлса, етарли ҳисобланади.

Қонунда таносил касаллеклари ва ОИТС – ни юқтириш (113 – модда) да жавобгарлик кўрсатилган. Агар тиббий ходимнинг эҳтиётсизлиги билан ОИТС – микроби юқтирилса, унга жиноий иш кўзғатилиши мумкин.

Бунга Элиста шаҳри врачлари устидан қўзғатилган жинон иш мисол бўлади. Врачларнинг айби билан катта гурӯҳ болалар ВИЧ-инфекцияси билан заарланадилар. Таносил касалликлар юқтириш одам соғлиғи учун жуда зарарли бўлса, тиббий ходим беморга таносил касаллигини юқтиришга йўл қўйғанлиги учун эҳтиётсизлик билан беморни соғлиғига зиён етказганлиги учун жинон жавобгарликка тортилади.

Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 114—моддаси жинон.abort ҳақида кўрсатилган. Қонун бўйича, олий тиббий билимга эга бўлган акушер ва гинеколог мутахассислигини эгаллаган кишига руҳсат берилади. Агар abortни тиббиёт муассасаларидан ташқари жойда врач—гинеколог ўтказилса ҳам бу қонунсиз abort ҳисобланади.

Олдинлари ҳам қонунсиз abort билан шуғулланиб келган, авваллари судланган кишиларга нисбатан жинон жавобгарликка талаб юқори бўлади. Агар қонунсиз abort қилиб эҳтиётсизлик билан жабрланувчини, ўлдириб қўйған бўлса ёки унинг соғлиғига оғир зиён етказиши туфайли у ногирон бўлиб қолса, тузалмайдиган касалликка йўлиқса, бепушт бўлиб қолганлиги туфайли жинон жавобгарлик даражаси янада ошади.

Беморга сабабсиз ёрдам кўрсатмасликда тиббий ходим аниқ шароитда ўзининг ёрдамини кўрсатмаслиги туфайли bemorning ҳаётини сақлаб қолиш, даволаш ёки азобланишни енгиллатишга эътибор бермаслиги тушунилади.

Тиббий ёрдам кўрсатиш деганда тиббий ходимнинг ёрдамини бирданига берилиши (қон кетишини тўхтатиш, трахеотомия, дориларни вена ичига юбориш ва б.к лар), шунингдек bemorni даволаш муассасасига олиб келиш, маҳсус тиббий бригадани чақириш ва бошқалар орқали ёрдам берилиши тушунилади.

Тиббий ёрдам кўрсатилмаганлигининг сабабсизлиги ишни олатини кўздан кечириш ва баҳолашда аниқланилади.

Қонунда қуйидагича ижобий сабаблар кўрсатилган:

- i) ҳаддан ташқари чарчаши ёки тиббий ходимнинг беморлиги (юқумли касаллик билан касалланиши);
- ii) бошқа оғир касални даволаш билан баңдлиги;
- iii) bemorга бориши масофаси узоқ бўлса ва транспорт воситаси бўлмаслиги.

**Мисоллар.** Кечаси кўп тармоқли касалхонага тез ёрдам машинаси билан ўпканинг икки томонлама шамоллаши ва нафас олишнинг оғир бузилиши билан bemor келтирилди. Навбатчи врач, мутахассислиги хирург, bemorни кўздан кечириб, терапия бўлимiga жўнатди, аммо у ҳеч бир даво усулини кўрсатмади ва ҳатто бўлим ходимларини огоҳлантирмади. Bemor тиббий ёрдамсиз қолди. Эрталаб бўлим ҳамшираси хушсиз ҳолдаги bemorни кўради. Тезлиқда реанимация чоралари кўрилди, аммо фойда бермади. Bemor ўлди. Навбатчи врач bemorга ёрдам кўрсатмагани ва совуқлонлиги, ўз вазифасини бажармагани учун жинон жавобгарликка тортилди.

Нейрохирургия касалхонасининг қабул бўлимiga она хушсиз ҳолатда бўлган боласини олиб келади. Бўлим врачи болани қабул қилмасдан онасини қўшни болалар касалхонасига жўнатади. Onasi боласини касалхонага ўлик ҳолатда олиб келади. ўлим ёт жисмларни нафас йўлларига тиқилиши туфайли содир бўлганлиги маълум бўлади. Нейрохирургия касалхонаси врачи bemorга ёрдам кўрсатмаганлиги ва эътиборсизлиги учун жинон жавобгарликка тортилади.

Тиббий—ижтимоий муассасаларининг тиббиёт ходимлари (ногиронлар, қариялар, болалар уйи ва бошқалар) инсонларни хавф остида (117—модда) қолдиргани учун жинон жавобгарликка тортиладилар. Бу ерда сўз инсонларни соғлиғи ва ҳаёти хавф остида

бўлишига қарамасдан, яъни кичик ёшли, кексалар, касал ёки ёрдамга муҳтож кишиларга даволаш муассасалари ходимлари ёрдан кўрсатмаслиги киради.

Агар жавобгар шахс ёрдам кўрсатишига мажбур, ёрдам кўрсатишига имконияти бўлса—ю, ўзининг эътиборсизлиги билан жабланувчи ёки ёрдамга муҳтож кишини ҳаётини хавф остиди қолдирилиши жавобгарлик ҳисобланади.

## ЖАМИЯТ ХАВФСИЗЛИГИ ВА АҲОЛИНИНГ СОҒЛИГИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР

Бунга наркотик ва психотроп моддалар (273—модда) билан ғлоҳ қилиш, хусусий тиббий ва фармацевтик фаолият билан қонунсиз шугулланиш, инсонларни соғлиги ва ҳаёти учун хавф түгилиши тўғрисидаги ҳолат, ахборотни яшириш сингари масала—лар, ҳамда мурда танасини ҳақоратлашлар киради.

Наркотик ва психотроп моддаларни қонунсиз ҳолда тарқатилиши — ўткир ижтимоий муаммо ҳисобланади. Бунга қарши кураш ҳалқаро миқёсида олиб борилишига қарамасдан айрим мамлакатларда наркотикларни истеъмол қилиш юқори дараҷада бўлса, бошқаларида кундан кунга ривожланиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 251, 253 моддаларига кўра наркотик ва психотроп моддаларни қонунсиз тайёрлаш, сотиб олиш, сақлаш, бир жойдан иккинчи жойга ташиш, эгаллаш ва ўғирлаш, шунингдек қонунсиз бериш ёки шундай моддалар рецептини сохта тайёрлаш қонун бўйича жиноий жавобгарлик ҳисобланади.

Махсус қоида ва кўрсатмаларни наркотик ва психотроп моддаларни ишлаб чиқариш, тайёрлаш, қайта ишлаш, сақлаш, ҳисобга олиш, тарқатиш, сотиш, ташиш, жўнатиш, сотиб олиш, шунингдек асбоб ускуналардан наркотик ва психотроп моддалар тайёрлаш учун фойдаланиш қонунсиз ҳисобланади. Инсонларни соғлиги ва ҳаётини сақлаб қолиши мақсадида қонунда бундай моддаларни маҳсус рухсат билан фақат илмий тиббий талабларни қондириш учун ишлаб чиқиш кўзда тутилган.

Наркотик моддалар билан қонунсиз ҳаракатлар жамият юқори даражада хавфли бўлибгина қолмасдан одамни сорни қайтариб бўлмас даражада оғир зиён етазиши мумкин.

Шундай экан, наркотик моддаларни тарқатилиши ва жамнини учун ўта хавфлигини ҳисобга олиб, жиноий жавобгарлик белги ланганлиги бежиз эмас. Инсоннинг соғлиғи учунгига эмас, балки оғир жиноятнинг сабабчиси бўлгани учун ҳам наркотик ва психотроп моддаларни қонунсиз тайёрлаш ва тарқалишига қарши кураш ҳозирги замоннинг долзарб масалаларидан биридир.

Юқоридаги моддалар бўйича ҳам давлат ташкилотлари ходимлари, ҳам хусусий шахслар жиноий жавобгарликка тортилишини мумкин. Биринчи навбатда бу тиббий ва фармацевтик ходимларга тааллуқлидир, чунки улар кўпроқ наркотик ва психотроп моддалар билан шуғулланадилар.

Қонун наркотик модда деганда ҳаётини паришон қилувчи, кайф берувчи, ёки шундай моддаларга ўрганиб қолиш хусусиятини пайдо бўлиши ёки оғир руҳий ёки бошқа касаллiliklar келтириб чиқарувчи моддалар тушунилади. Қонун бўйича опиум, морфин, пантопон, героин, гашиш ва бошқа наркотик моддаларни тайёрлаш, йиғишириб олиш тақиқланади.

Психотроп моддалар деб марказий нерв тизимиға таъсири қилиб, узоқ вақт ва каттароқ дозада қабул қилинганда руҳий ҳолатни бузувчи моддаларга айтилади.

Жиноий жавобгарликни юзага келиши учун наркотик ва психотроп моддаларнинг сақланиш муддати, уларни тайёрлаш мушаклини, қаердан олинганини, ташилиши, шунингдек сотиш, алйиғиши, совға қилиш, қарзга бериш ва бошқаларнинг аҳамиятийи.

Наркотик ва психотроп моддалар билан катта миқдорда қонунсиз шуғулланувчилар учун жазо чоралари кучайган тартибида оширилади.

Наркотик моддалар билан кўпинча тиббий ходимлар, дорихо-ходимлари, тиббий омбор ва базаларда ишловчилар алоқа ишлар.

Аҳолини санитар – эпидемиологик ҳолатини таъминлаш ишларни махсус қонунда кўрсатилган.

Санитар – эпидемиологик хотиржамлик деганда одам организмга ташқи муҳит омилларининг заарли ва хавфли бўлмаганини унда яшовчи аҳолининг соғлиғи ва яхши яшashi учун мавжуд шароитлар тушунилади.

Санитар – эпидемиологик яхши шароит яратишда санитария қоидаларни яратилиши муҳим аҳамиятга эга. Булар хавфсизлик мезонларини таъминловчи норматив актлар ёки одам организмга ташқи муҳит омилларининг заарсиз таъсири, шунингдек инсонларни ҳаётий жараёнларини тўлиғича таъминловчи санитария ва таалабалари ва бошқалардир. Санитария қоидалар барча тигиена таалабалари ва бошқалардир. Санитария қоидалар барча давлат, жамоа бирлашмалари, ташкилотлар, барча мансабдор шахслар ва айрим инсонлар учун, албатта, зарурдир.

Аҳолини санитар – эпидемиологик хотиржамлигини таъминлаш учун қонун қатор таалабаларни белгилайди:

- 1) аҳоли пунктини қурилишини режалаштиришда атроф муҳит омилларининг заарли таъсирини олдини олиш ва йўқотиш чораларини кўриш;
- 2) ҳалқ хўжалигининг истаган маҳсулоти санитария қоидаларга жавоб бериши;
- 3) санитар – эпидемиологик хизматининг руҳсати билан янги технологиилар, материаллар, моддалар ва ишлаб чиқариш маҳсулотлари қўлланилиши кўзда тутилганлиги;

- 4) чет элдан харид қилинадиган истаган маҳсулот санитарияның қоидалари ва халқаро хавфсизлик талабларига түгри келиши;
- 5) ичимлик сувининг сифати ва атмосфера ҳавоси санитарияның мөйөрсига түгри келиши, сувнинг миқдори физиологик ва хўжалик талабларига кўра етарли бўлиши;
- 6) санитария мөйёрга асосан ишлаб чиқариш ва турмуш қолдиқлари, зарарсизлантирилиб, қайта ишланиши ва кўмилиши;
- 7) санитария қоидаси талабларига яшаш шароити, ишлаб чиқариш зонаси шароити, радиактив моддалар билан ишлаш шароити тўлигича жавоб берishi;
- 8) профилактик тиббий кўрикни таъминлаш билан биргалиқда тиббий суғуртанинг шартлилиги;
- 9) юқумли ва кўпчилик юқумли бўлмаган касалликларни ҳамда заҳарланишларни олдини олиш ва тугатишнинг барча чора – тадбирларини бажарилиши;
- 10) аҳолини санитар – эпидемиологик хотиржамлигини таъминлаш мақсадида маҳсус экспертиза ва маслаҳат ўтказиш.

Санитар – эпидемиологик қоидаларни бузилишига, санитария ҳуқуқбузарлигига йўл қўйилган тақдирда тартибий, административ, жиноий ва иқтисодий жавобгарлик кўзда тутилган.

Қонун бўйича мамлакатимизда алоҳида Давлат санитар – эпидемиологик хизмат ташкил қилинган бўлиб, унга қонунда кўрсатилган барча ҳолатларни ҳаётга татбиқ қилиш вазифаси юклитилган.

Хозирги даврда таъсир қилувчи қоида ва кўрсатмаларга асосан эпидемияни ёки бутун жамоани заҳарланишларини олдини олиш чораларига қўйидагилар киради:

- сув билан таъминлаш ва озиқ овқат маҳсулотларининг сифатини назорат қилиш қоидалари;

- жамоа жойларида, транспорт ва ишлаб чиқариш корхоналарида санитария ҳолатини таъминлаш қоидалари;
- жамоа жойларида инфекция тарқатувчиларини йўқотиш учун профилактик дезинфекция қоидалари;
- ҳар хил касалликларни тарқалишини олдини олиш учун профилактик эмлаш чоралари;
- бациллоташувчилар ва касалларни аниқлаш қоидалари;
- юқумли касалликлар касалхонасига ётқизиш қоидалари;
- чегараларни санитария химоялаш қоидалари.

Маълум жойда юқумли касалликларни юзага келиш ёки тарқалиш хавфи туғилганда уларни олдини олиш мақсадида алоҳида карантин қоидалари ташкил қилинади. Бу қоидаларнинг бу зилиши ЎзР ЖК 257<sup>1</sup> – моддасига кўра жиноий жавобгарлик ҳисобланади.

Афсуски, касаллик ёки заҳарланишни кенг аҳоли орасида тарқалиш миқдори ҳиқида қонунда кўрсатилмаган.

Врач кўрсатилган санитар – эпидемиологик қоидаларга етарли эътибор бермаса ёки бу қоидаларни умуман бажармаса жиноий жавобгарликка тортилади.

Айрим ҳолларда тиббиёт ходимлари инсонларни соғлиғи ва ҳаётига хавф туғдириш тўғрисидаги маълумотларни (бирор жойда тарқалганлиги, ёки тарқалиши мумкинлиги) яширганлиги ёки но – тўғри талқин қилганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилади – лар.

Бундай жавобгарлик кўпинча таносил касалликлари, ВИЧ – инфекцияни, радиацион заарланиш ва бошқалар тўғрисидаги маълумотларни касалларда борлигини яширганлиги ёки нотўғри талқин қилганлар учун тааллуқлидир.

Бундай ҳолларда шундай хавфли касалликларни ўз вақтида тарқалишини олдини олиш имконияти қўйлдан бой берилади. Бу эса аҳоли ўртасида катта хавф туғдиради.

Кўпинча тиббиёт амалиётида илмий ёки ўқув мақсадиде одамларнинг мурдаларида хирургик операциялар ёки ўлгандан кейинги тажрибалар ўтказишга тўғри келади. Шунингдек, мурдаларнинг орган ва тўқималаридан трансплантация учун материаллар олишга ҳам рухсат берилади. Бундай ҳолатлар қонун ва маҳсус йўлланмаларда кўрсатилган.

## ЭКОЛОГИК ЖИНОЯТЛАР

Амалий ва илмий текширув муассасаларида ходимларнинг қасбий фаолиятида ҳар ҳил чиқиндилар пайдо бўлиб, уларни хавфсиз йўқотиш ёки қўмилиши талаб қилинади. Улар биологик, бактериологик, вирусли, кимёвий ва радиацион характерга эга бўлиши мумкин. Бу моддаларни ташиб, сақлаш, қўмиш ҳамда уларнинг қолдиклари ва у моддалардан фойдаланиш туфайли одамнинг соғлиғига ва атроф мухитга етарли зиён етказилса ва хавфли бўлса, жавобгар шахс жиноий жавобгарликка тортилади. Бу инсонни соғлиғига аниқ зиён етказгандиги ёки одамни ўлганлиги, атроф мухитни зарарланганлиги ёки заҳарланиш, ифлосланиш, ҳайвонларни кўплаб қирилиб кетиши ёки кўпгина одамларнинг касаллашишининг сабабчиси бўлса, жиноятнинг сабабчилари ҳисобланади.

Юқоридагилар билан мустаҳкам боғлиқ ҳолда микробиологик ёки бошқа биологик агентлар ва токсинлар билан ишлаш хавфсизлик қоидаларини бузилиши ҳам катта аҳамиятта эга. Бундай ҳолларда маҳсус тиббиёт илмий – текширув муассасалари ёки маҳсус амалиёт лабораторияларида кузатилиши мумкин. Агар кўрсатилган камчиликлар одамнинг соғлиғига зарар етказилган, ўлимнинг сабабчиси бўлган ёки эпидемиянинг тарқалиши туфайли оғир оқибатларга олиб келган бўлса, жиноий жавобгарликка тортилишнинг сабабчиси ҳисобланади.

Кўпгина тиббиёт корхоналарида ҳар хил лаборатория ҳайвонлари сақланадиган виварияларда ҳайвонлар билан ишлашда ветеринария қоидаларига риоя қилиниши талаб қилинади. Агар бундай қоидалар бузилса, ҳайвонлар ўртасида ҳар хил касалликлар тарқалиши ёки оғир оқибатларга олиб келса, жиноий жавобгарлик содир бўлади. Бу ўз навбатида сув ёки атмосферани зарарлаши

туфайли атроф мұхит ва одам организмінде етарлы миқдорда зиён етказилишига олиб келади ва жиной жавобарларыннан сабабчысы хисобланади.

## МАХАЛЛИЙ ЎЗ-ЎЗИНИ БОШҚАРИШ, ДАВОЛАШ ХИЗМАТИ МАНФААТЛАРИ ВА ДАВЛАТ ҲУКУМАТИ ХИЗМАТЛАРИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР

Бу гурұға киравчы құпгина жиноятларға тибиёт ходимла-рининг касбий мажбуриятларини бажаришда содир бўладиган жиноятлар киради. Буларга мансабга совуқонлик билан қараш (Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 207 – моддаси), ўз хизмат мавқеини сустеъмол қилиши (301 – модда), пора олиш (210 – модда), мансабини сустеъмол қилиш (205 – модда), хизматта совуқонлик билан қараш (302 – модда) лар киради.

Ўз хизмат мавқеини сустеъмол қилишда мансабдор шахс ўзининг хизмат фаолиятида хизмат манфаати учун қонун бўйича ҳимояланувчи давлат ёки жамият манфаатларига зид ҳолда муас – сасалар ёки инсонларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини қўпол бузилиши туфайли ўзининг қабих ёки шахсий ниятини амалга ошириши тушунилади. Агар бу оғир оқибатларга олиб келса, жавобгарлик даражаси янада ошади. Мансабдор шахс тибиёт муас – сасасининг ташкилий ёки административ – хўжалик вазифасини бажарувчи ходим ҳисобланади.

Ўз мансабини сустеъмол қилиш ҳоллари иш қобилиягини, ногиронлик, ҳарбий хизматга яроқлилигини аниқлашда, беморни касалхонага ётқизиш, мутахассис – врачга малакали категория бериш, лицензия ва аккредитация ҳолларида кузатилиши мумкин. Бу кўпинча, мансабдор шахснинг манфаатдорлиги ёки қабих ниятлари (пора олиш, фирибгарлик) учун амалга оширилади. Бундай ҳолларда қўшимча жиноят таркиби кўзга ташланади.

Мансабдор шахснинг мансабини сустеъмол қилиш деб, унинг қилган ишлари хизмат доирасидан четта чиқиб, инсонлар ёки

ташкилотларнинг қонуний манфаатлари ва ҳуқуқларини аниқ бузилишига олиб келувчи давлат ва жамият манфаатларига зид бўлган ҳолатларга айтилади. Тиббиёт ходимлари фаолиятида хизмат мансабини сусистемол қилишнинг қўйидаги типик турлари мавжуд:

- а) юқоридаги мансабдор шахснинг компетенциясига кирувчи ҳаракатлар;

- б) фақат келишиб қилинган ҳаракатлар;

- в) ҳар қандай мансабдор шахсга алоқаси бўлмаган ҳаракатлар.

Тиббиёт муассасасидаги мансабдор шахснинг қонунсиз ҳаракати, унинг хизмат доираси ва ҳуқуқидан ташқарига чиқса, бу кўпинча одамнинг соғлиғига зарар етказиш билан боғланган бўлади.

Хизмат мансабини сусистемол қилиш тиббиёт ходимлари томонидан одамларга қонунсиз тажриба ўтказишда ҳам кузатилиши мумкин. Масалан, маҳбусларга биотибий тажриба ўтказиш бунга мисол бўла олади. Одатда бу тажриба ўтказишга жалб қилинган одамнинг ёзма розилиги билан амалга оширилади. Бунда одам бу тажриба ўтказиш учун мажбурланмаслиги кўрсатилган. Бу қоидаларнинг бирортасини бузилиши мансабдор шахснинг ўз хизмат бурчини сусистемол қилганлиги ҳисобланади.

Ўз мансабини сусистемол қилиш маҳсус қонунда кўрсатилган одамлардан кўчириб ўтказиш учун орган ва тўқималарни олиш қоидалари бузилганда кузатилиши мумкин.

Бу қонуннинг асосий талаблари қўйидагича:

- agar bemorni soғligini tiklash ёki ҳaётinini saқlab қolişda ҳeç bir tibibiy ёrdam kafolat bera olmagan taқdirda tрансплантацияga ruxsat bériš;
- тирик одам (донор) dan organ ёki тўқимalarini olishda mutaxassislar konсiliumi xulosasidan kejin donorning соғлиғiga uncha taъsir қilmайдigan bўlsa;

- трансплантация фақаттina тирик донорнинг розилиги ва шунингдек, bemorning розилиги билан амалга оширилиши;
- органлар ва тўқималар сотиб олиш ёки сотилиш обьекти бўлmasлиgi;
- трансплантация учун мўлжалланган орган ва тўқимalap 18 ёшгacha bўlgan тирик донордан oлишga ruxsat berilmaslik;
- орган ва тўқимalarni olishga фақat maҳsus соғliқni saқlash давлат ташкилотlariда ruxsat beriliishi;
- трансплантация фақатtina bemor (реципиент) nинг розилиги bilan ўtgaziliishi;
- орган ёki тўқimalarni murdadan olishda ўlgan odamning jaқin қarindoshlari ёki қonunij vakkilari roziligisiz ruxsat berilmasliги;
- murdanning organ ёki тўқimalarini olishda kasalxonanining boш врачи, agar sud – tiibiёti ekspertizasi ўtkazilaётgan bўlsa, sud tiibiёti ekspertinin ruxsati zarurligi;
- тирик донордан фақатtina juft organlardan biri, ёki organ va tўқima қismlari, agar ularning bўlmasligi uning соғliғida қaitmas ўzgariшlarning sababchisi bўlmasa.

Юқоридаги ҳолатлардан бирортаси бузилишига йўл қўйилса, мансаб вазифасини сусистемол қилишда жиноий жавобгарликка тортилади.

Юридик жиҳатдан реанимацион муолажаларнинг ўтказилишида кўпгина масалалар ҳal қилинмаган. Бунда гап чорасиз bemorlarغا реанимацион муолажани тўхтатиш ҳaқida bormoқda. Bu savol asosan даволаб bўlmайдигan bemorga aloқador muҳim muamodir, ammo ҳozirg'i замон tiibiёт ilminning natижалари bemorning ҳaёti учун oҳirigacha kuraishi shni taқaso қiladi.

Бунда Гиппократ давридан маълум bўlgan ikkita асосий қoидaga ҳamiша amal қiliш zarur:

- 1) бугун нимани даволаб бўлмаса, эртага даволаш мумкиндири;
- 2) «даволаб бўлмайдиган касаллар», кўпинча тиббиёт қонунига қарши соғайиб кетадилар».

Юридик жиҳатдан «даволаб бўлмайдиган» беморларга реанимацион муолажанинг давомийлигини қиёсий аниқлаш кўрсатилган бўлиб бу қонунда эвтаназияни тақиқлаш ҳақида: беморнинг илтимосига кўра тиббиёт ходимига эвтаназияни амалга оширишга рухсат берилмайди, чунки илтимосига кўра унинг ўлимини қандайдир модда ёки таъсиrlар билан тезлаштириш, шунингдек, ҳаётини ушлаб туришга қарши сунъий чоралар кўриш тақиқланади.

Мансабдор шахс мансабини сустеъмол қилишнинг бошқа турлари ҳам мавжуд. Масалан, «ўлганлик ҳақида врачлик гувоҳномаси»ни тўлғазиш инструкциясида кўрсатилишича бу гувоҳномани фақат ўликни патологоанатомик текширувдан ўтказган патологонатом ёки суд-тиббиёти эксперти беришлиги кўрсатилган. Бундай ҳолатнинг бузилиши аниқ қонунга қарши характерда бўлади.

Жавобгарлик патологоанатом ва суд тиббиёти экспертидан ташҳари, даволаш муассасасининг раҳбари зиммасига ҳам юклатилган. Бунда тегишли қоида бузилганлиги (бош врач, бўлим бошлиқлари) кўзга ташланади.

Даволаш муассасаси раҳбарлари ўзларининг мансабларини сустеъмол қилиб, тиббиёт ҳужжатлари (касаллик тарихи, амбулатория картаси, патологоанатомик текширув баёни, суд-тиббиёти экспертизасининг хulosаси ва бошкаларни) қисқартиб ёзишни тавсия этадилар. Бундан ташҳари, давлат статистик маълумотлар олиш, аҳолининг касалланиши ва ўлимини аниқ эпидемиологик таҳлил қилиш жуда қийин. Бу айниқса, жиноят содир бўлганда жиноятни очища, врачларни ҳуқуқбузарлигига уларнинг айбини исботлашда қийинчилик туғдиради. Биринчи навбатда бу суд тиббиёти ташкилотлари раҳбарларига қаратилгандир.

Тадбиркорлик фаолиятида қонунсиз қатнашиш жиноят ҳиболанади. Бундай ҳолларда ташкилот раҳбарлари ҳақида гап кетади (масалан, касалхона ёки даволаш — диагностик муассасаси бош врачи). Бунда тадбиркорлик билан шуғулланувчи мансабдор шахс (масалан, кооператив, пуллик даволаш ёки диагностик хизмат марказлари) бундай ташкилотни шахсан бошқарганлиги учун ёки қонунга қарши ишончли вакили орқали қатнашганлиги кўзда тутилади. Бу ҳаракатлар бундай ташкилотга имтиёзлик ва устунлик ҳуқуки ёки бошқа шаклда бекитмоқ (масалан, ўзи учун «фойдали» bemorларни қайта тақсимлаш, ташкил қилинган тижорат ташкилотларини биринчи навбатда ҳозирги замон диагностик аппаратлари, самарали медикаментоз моддалар билан таъминлаш ва бошкалар) ни тақозо қилади.

Хизмат мавқеини сустеъмол қилишда мансабдор шахс маҳсус ҳужжатларга сохта маълумотлар киритиш шу ҳужжатга ўзгартишлар киритиш билан баравар бўлиб, бу ўзгартишлар юқоридағи ҳужжатларни ҳақиқий мазмунини сохталаштиради, агар бу харакатлар қабиҳ ниятлар учун қилинган ёки бундан у манфаатдор бўлган тақдирда амалга оширилади. Тиббиёт ходимлари фаолиятидаги бу ҳужжатларга касаллик тарихи, тиббиёт китобчаси, амбулатория картаси, амбулатория журнали, тиббиёт маълумотномалар ва бошқалар киради.

Хизмат мавқеини сустеъмол қилиш (ЎзР ЖК 301—мода) бу бошқа жиноятлар билан қўшилиб келиши, шахсан, пора олишга алоқадор бўлади. Шахсан ўзи ёки воситачи ёрдамида пул, материал, хизмат қилиш ва бошкалардан истаган шаклда пора олиш жиноят таркибига киради.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 302—моддасида хизматга совуқёнлик билан қараш келтирилган. ҳиз-

матта совуқонлик билан қараш деб, мансабдор шахснинг хизмати мавқенини бажармаслиги ёки етарлича бажармаслиги кириб, бу уни хизматига ситқидилдан эмас, балки эътиборсизлик билан ёндашуви бўлиб, агар ташкилот ёки одамлар қонуний манфаатлари ҳуқуқининг бузилиши давлат ва жамият манфаатларига зид бўлганлиги тушунилади. Мансабдор шахс хизматта совуқонлик билан қарашда агар унда ҳаракат қилиш учун аниқ имкониятлар бўлса-ю, аммо унга эътибор берилмаса жавобгар ҳисобланади. Инсонларни соғлиғига зарар етказилиши тиббиёт фаолияти билан бевосита ёки билвосита боғланган булиб, бундай зарарнинг етарлича юзага келиши хизматта совуқонлик билан қараш сифатида баҳоланади. Шунинг учун ҳам тиббиёт ходимлари томонидан йўл қўйилган хизматта совуқонлик билан қараш инсоннинг соғлиғига ва ҳаётига қарши жиноят сифатида қўшимча баҳоланиши мумкин.

Тиббиёт фаолиятида хизматта совуқонлик билан қарашнинг мисоллари жуда ҳилма – хилдир:

- а) bemorni etarliche tekshirmaslik va maxsus diagnostik usul-larini bajarilmasligi;
- б) bolalarni kuzatiish va e'тиборсизлик билан parvariashlaш;
- в) ўз vaқтида kasalxonaga ётқизilmasligi ёки muddatiidan oлдин чиқariлиши;
- г) хирургик операция ва бошқа даволаш муолажалarini sitқidildan bajarilmasligi ёки tўligicha tayёrlanilmaganligi;
- д) даволаш жараёнини tўliгicha tashkil қилиnmaganligi;
- е) ҳар ҳил тиббиёт қоидалari ва кўrsatmalarinинг бузилиши ёки unga riоя қilimmaslik;
- ж) dorivor moddalarni e'тиборсизлик билan қўllaniishi;
- з) kasallik tarixi va boшқa tibbiёт ҳujjatlarini e'тиборсиз-lik bilan tўldiriлиши;

Тиббиёт ходимларининг ҳуқуқига қарши ҳаракатлари агар тарлича зарар етказилмаса, жиноят ҳисобланмайди, балки тар-оний жавобгарлик ҳисобланади.

## АҲЛОҚИЙ ЗАРАР КЕЛТИРГАНЛИГИ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

Ҳар бир фуқаро туғилганидан бошлаб қонун бўйича қатор шахсий ҳуқуқларга эга. Улар орасида: яшаш, соғлигини сақлаш ва шахс эркинлиги, аҳлоқий бурч, шахсий ва оила сири, эркин ҳароратланиш ҳуқуқи, вақтингча ва доимий яшаш жойини танлаш, муаллифлик ҳуқуқи ва бошқалар муҳим ўринни эгаллайди. Бу ҳуқуқлар қонун билан ҳимояланади. Агар юқоридаги ҳуқуқларни зиён етказилганда аҳлоқий зарар пул ёки бошқа моддий маблағлар ҳисобига қопланади. Фуқаролар аҳлоқий ҳуқуқлари учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексида кўрсатилган.

Фуқаролик кодексининг маълум моддасида аҳлоқий зарар етказилганликни қоплаш тартиби ва шартлари келтирилган; аҳлоқий зарар (жисмоний ва аҳлоқий азобланиш) асосан фуқаронинг шахсий мулки бўлмаган ёки моддий бўлмаган бошқа қадриятларини бузилиши ҳисобланади. Бунда келтирилган аҳлоқий жавобгарлик қонунда кўрсатилган бошқа ҳолатларда ҳам учрайди.

Аҳлоқий зарар келтиришда жавобгарликка тортилишда қўйидағи асосий шароитларнинг қўшилиши муҳим аҳамиятта эга:

- 1) аниқ шахснинг ҳуқуқга қарши таъсиридаги маълумотни аниқлаш;
- 2) аниқ зарарнинг мавжуддиги (жисмоний ёки хулқ – авторидаги жабрланиш);
- 3) зарар етказилиши ва у билан боғлиқ ҳуқуқбузарликнинг мавжуддиги;
- 4) зиён етказувчи шахснинг айини аниқлаш.

Жабрланувчининг аризаси фуқаролик судида кўриб чиқилади. Унинг вазифасига юқоридаги З хил йўналиш бўйича исботловчи

материалларни тақдим қилиш вазифаси юклатилади. Жавоб берувчи унга қарши исботлашга мажбур. Агар кўрсатилган фактлар – нинг тўғрилиги исботланса, суд аҳлоқий зарар етказган кишини жавобгар деб ҳисоблайди ва ўзининг қарори билан етказилган аҳлоқий зарарни тўлиқ ҳажмда тўлаш тўғрисидаги хуносага келади.

Аҳлоқий зарар етказилганда пул ва бошқа усуслар билан қоплашда суд жавобгар шахснинг айб даражаси, ҳолати ва шароитлари ҳамда қайси ҳолатда зарар етказилганини, шунингдек жабрланувчининг жисмоний ёки хулқ – авторидаги жабрланишлар, унинг индивидуал хусусиятлари ва ижтимоий ҳолатини ҳисобга олади.

Аҳлоқий зарар етказилиши фақатгина қасдан ёки эътибор – сизлик билан етказилганда эмас, балки тўсатдан зиён етказиш туфайли кузатилганда ҳам жавобгарлик ҳисобланади.

Тиббиёт амалиётида жисмоний ёки хулқ – муаллифни камситилиши даволаш ёки даволаш – профилактик муассаса ходимлари ўз вазифасини ситқидалдан бажармаслиги ёки умуман бажармаслиги туфайли ҳам содир бўлади. Бундай ҳолатларда жиноий жавобгарлик ўз хизматига совуқлонлик билан қараш (302 – модда) моддасига тўғри келади. Бундай ҳолларда жабрланувчи шахс етказилган аҳлоқий зарарни қоплаш масаласини қўяди. Бунда тиббиёт ходимига нисбатан тарбиявий жавобгарлик билан чегараланиб, етказилган аҳлоқий зарарни қоплаш талаби қўйилиши мумкин.

Бунга бир қанча мисоллар келтириш мумкин:  
■ ташҳис жараёнининг чўзилиши ва кеч ташҳис қўйилиши туфайли патогенетик даволаш усулининг кеч бошланиши ва оқибатда bemorни кечикиб даволаниши; бу ўз навбатида bemornинг жисмоний ва хулқ – авторидаги жабрланишни чўзилиши;

- касаллик ташҳисини нотўғри қўйилиши туфайли беморни нотўғри даволаш, даволаш муддатини чўзилиши, асоратланиши ва бунинг натижасида жисмоний ва фелининг жабрланиши;
- хирургик операциялар усулларини хато белгилаш, тиббий муолажаларни тури доривор моддаларни нотўғри танлаш натижасида bemorning аҳволини оғирлашуви, касалликнинг асоратини ривожланиши, даволаш муддатини узоқлашуви, ногиронликка олиб келиш;
- хирургик операциялар, тиббий муолажалар ва доривор моддалар билан даволашда хатоликлар туфайли ҳар ҳил асоратларнинг ривожланиши;
- касалхонага кеч ётқизилиши туфайли беморнинг аҳволи оғирлашуви ва натижада қўшимча жисмоний ҳамда фелида жабрланишнинг пайдо бўлиши;
- bemorni ёки жабрланувчини транспортда етказиш қоидаларини бузилиши туфайли оғир асоратлар ва соғлиғида критик ҳолатнинг юзага келиши;
- соғлом фуқаро билан бир қаторда врач – экспертнинг нотўғри қарори туфайли инвалид билан бир хил шароит яратиш; касалхонадан исботланмаган ҳолда эрта чиқариш; амбулатория ёки касалхонада даволашни муддатидан олдин тугаллаш;
- тиббиёт ҳужжатларини тўлғазищдаги эътиrozсизликлар ёки хатоликлар туфайли нотўғри ёки кеч ташҳис қўйиш, даволашдаги камчиликлар, врач – эксперт комиссиясининг нотўғри қарорига кўра bemorga аҳлоқий зарар етазилиши;
- етарлича санитар – гигиеник шароит яратилмаганлиги туфайли bemorning соғлиғи ва жисмоний ҳолатининг ёмонлашуви туфайли унинг фелида норозилик пайдо бўлиши;

- тиббий ёрдам олиш учун мурожаат қилган муҳтоҷ bemorga нисбатан тиббий ходимнинг қўйпол, ҳурматсизлик, менсимаслик руҳида муомала қилиши;

Жабрланувчи ўзига аҳлоқий зарар етказилганда ўзи тўғридан – тўғри ёки сугурта кампанияси орқали судга ўз аризаси билан мурожаат қилиши мумкин.

Бемор тиббиёт ходими устидан врачнинг сирини ошкор қилғанлиги учун, агар у унинг иззат – нафсиға теккан бўлса, судга мурожаат қилиши мумкин.

Юқорида келтирилгандан ташқари тиббиёт ходимини бурчани, обрўйини тўқиши учун bemor ёки унинг қариндошлари томонидан ҳақоратланиши, қўйпол муомуласи, уларга нисбатан ҳар ҳил иғво сўзлар айтилган тақдирда у ҳам ўз навбатида ўзига етказилган аҳлоқий зарар учун судга ариза билан мурожаат қилиши мумкин. Бундай ҳолатни баҳолаш суд учун жуда мураккаб, чунки бунда врачга ёки бошқа тиббиёт ходими обрў – эътиборига етказилган жабрланишдан ташқари bemorning руҳий ҳолатини ҳам ҳисобга олишга тўғри келади. Bemorning характеристи ва ундаги касаллик ёки жароҳатланишларнинг оғирлиги ҳам ҳисобга олинади, бундай ҳолатлар уни аҳлоқий заарнинг сабабчилиги тўғрисидаги жавобгарликдан озод қила олмайди.

## ТИББИЁТ ҲУЖЖАТЛАРНИНГ ДАВОЛАШ-ДИАГНОСТИК, ИЛ- МИЙ-АМАЛИЙ, ТАРБИЯВИЙ ВА ЮРИДИК АҲАМИЯТИ

Даволаш – профилактик муассасалар фаолиятида ҳамда фуқаролар ва алоҳида гурӯҳ аҳолисининг соғлиғини сақлашни белгиловчи маълумотларни мужассамламтирувчи, ёзилиши ва таҳлил қилиниши учун мўлжалланган ҳисоб – китоб ҳужжатлари ийфиндисига тиббиёт ҳужжатлари дейилади.

Мамлакатимизда тиббиёт ҳужжатлари соғлиқни сақлаш муассасаси фаолиятида диагностик, даволаш ва профилактик ишларни таъминловчи бирдан бир универсал ҳужжат ҳисобланади.

Тиббиёт ҳужжатларига бирламчи ҳисоб (касаллик тарихи, касалнинг индивидуал картаси, ишга қобилиятсизлик варақаси, чақалоқларнинг ривожланиш тарихи ва бошқалар) ва ҳисобот ҳужжатлари (профилактик эмлаш, поликлиникада, алмашинув карталари, тез ёрдам хабарлари ва бошқалар) киради.

Бутун мамлакатимиз бўйлаб, тиббиёт ҳужжатларининг шакли бир хилдир.

Улар ҳар бирининг тартиб рақами бўлиб, Соғлиқни сақлаш вазирлиги қоидаларига киритилган.

Барча бирламчи ҳисоб ҳужжатлари орасида энг муҳими касаллик тарихи (амбулаторияда даволанганда эса, беморни индивидуал амбулатория картаси)дир. Касаллик тарихи касалхона (амбулатория)да, даволанувчи bemornинг ҳолатини кузатиш натижаларини ёзилишга мўлжалланган ҳужжатдир. Бундай ёзувларга диагностик текширув натижалари ва ташҳис, даволаш муолажалари, касалликнинг ўтиши ва оқибатлари киради.

Касаллик тарихи bemor касалхонадан чиқарилгандан кейинги врач томонидан қилинадиган ишлар, bemornинг иш фаолияти ва

соғлиғини тикалаш масалаларини амалга оширишига ёрдамлашувчи асосий ҳужжат ҳисобланади.

Агар касалликнинг оқибати ўлим билан тутаган тақдирда; ка-саллик тарихида мурдан патологоанатомик ёки суд тиббиёти текширувидан ўтказиш натижалари ёзилади.

Касаллик тарихининг тузилиши таркиби биринчи марта буюк терапевт М.Я.Мудров томонидан таклиф қилинган. У, таҳлил ҳақидаги таълимоти ишлаб чиқди, клиник амалиётга пайпастлаб кўриш, уриб кўриш ва эшлиш ҳамда лаборатория текширув усулларини биринчилардан бири сифатида киритди. Касаллик тарихини ҳозирги ҳолатга киргунига қадар рус олимларидан Г.А.Захаръин, А.А.Остроумов, С.П.Боткин, М.В.Чернорукцийлар bemорларни илмий асосланган клиник текшириш схемасининг тузилиши, этиопатогенетик асосланган ташҳис қўйиш ҳамда даволашнинг барча усулларидан фойдаланишда кўрсаттган амалий маслаҳатлари қимматлидир.

Касаллик тарихи муҳим даволаш-диагностик, илмий-амалий, тарбиявий ва юридик аҳамиятта эгадир.

Касаллик тарихидаги диагностик ва даволаш муолажалари ўтказилганлиги тўғрисидаги ёзувларнинг муҳим даволаш-диагностик аҳамиятга эгалигини кўрсатиш мақсадга мувофиқдир. Ҳозирги даврда ташҳис қўйишида ҳам, даволашда ҳам бир неча врачнинг қатнашуви кўзга ташланади. Бундай ҳолларда касаллик тарихидаги ёзувлар кўпгина врачларнинг bemорни биргалиқда диагностик ва даволаш жараёнларида қилган ҳаракатларини кўрсатади.

Касаллик тарихи ҳар хил касалликнинг тарқалиши ва шаротлари, клиник ўтиши ҳамда оқибатлари тўғрисида илмий ахборот берувчи энг муҳим ҳужжат бўлиб, катта илмий-амалий аҳамиятга

эгадир. Кўпгина касаллик тарихини таҳлили касалликларни рационал даволаш ва профилактика ишлари ва аниқ ташҳис тавсияларини ишлаб чиқишида яқиндан ёрдамлашади. ҳозирги даврда ҳар хил касалликларнинг клиник кўринишлари тўғрисидаги шаклланган ёзув усуслари ташҳисда кибернетик усусларини қўллаш, хавфли факторларни аниқлаш, у ёки бу даволаш, шунингдек оператив усулига кўрсатмани белгилаш ҳамда касалликларни оқибатини аниқлашда қўлланилади.

Касаллик тарихининг тарбиявий аҳамияти жуда муҳимдир, чунки қўлида касаллик тарихини туттган врач беморни синчилаб ўрганиш орқали ҳақиқий врач сифатида шаклланади.

Тиббиёт институти талабалари ва ёш врачларга касаллик тарихини тутиш ва тўлғазиша тўғри фикрлашни шакллантиришда педагоглар ва ҳурматли устозлар уларда касаллик белгиларига тўғри баҳо бериш ва ташҳис қўйиш даволаш усусларини аниқлаш, bemorning соғлиги ва ҳаётини сақлаб қолишида жавобгарлик ҳиссини пайдо бўлиши каби тарбиявий маслаҳатлари билан ёрдамлашадилар.

У ёки бу даволаш муассасасида тўлғазилган касаллик тарихи, шу ташкилотнинг объектив «юзи» ни белгилайди ва унда олиб борилган даволаш-диагностик ишларининг даражасини кўрсатади. ҳар бир касалхона ёки поликлиникага вақти вақти билан янги ёш врачлар келади. Уларни шакллануви ҳамда врач сифатида мутахассис бўлиб етишувида коллективнинг ўрни катта. У ташкилотда тиббиёт ҳужжатлари билан ишлашга қандай эътибор қаратилган бўлса, врачни тарбиялаш ҳам кўпинча шунга боғлиқ. Касаллик тарихи кўпинча юридик ҳужжат бўлганлиги учун юридик аҳамиятта ҳам эгадир.

Касаллик тарихи тиббиёт ҳужжати бўлиб, истаган тиббиёт ҳужжати юридик ҳужжат ҳисобланилиб, хоҳлаган пайтда у суд жараёнида муҳокамага сабабчи бўлиши мумкин.

Рус тилида ҳужжат – исботлаш усули деб таржима қилинади.

Жиноий иш бўйича исботлаш деб, истаган бор маълумотлар ҳисобланилиб, булар маълум қонун асосида суриштирув органлари, терговчи ва суд фуқаронинг жавобгарлиги, жамият учун хавфли ҳаракатнинг бор ёки йўқлиги ҳамда ишни тўғри ечилиши учун аҳамиятли ҳолатлар ҳисобланади.

Бундай маълумотлар гувоҳлар, жабрланувчи, эксперт хулоаси, ашъёвий далиллар, текширув ва суд ҳаракатлари баёнлари ва бошқа ҳужжатлар орқали аниқланилади.

Мамлакатимизда тиббий ёрдам кўрсатиш даволаш-профилактик муассасалари ва унинг ходимлари – врачлар, ўрта тиббиёт ходимларининг қонун билан белгиланган юридик бурчлари бўлиб, бу bemorning ушбу ёрдамни олиш конституцион ҳуқуқининг бажарилишидир. Касаллик тарихи (касалнинг касалхонада ётиш картаси, касалнинг индивидуал амбулатория картаси) да барча тиббиёт ходимларининг bemorga даволаш диагностик ёрдам кўрсатилиши баёнлаштирилади. Шунинг учун ҳам касаллик тарихига қараб, барча даволаш-диагностик муолажаларни тўғрилиги, ўз вақтида ўтказилганлиги ва кераклигини баҳолаш мумкин. Мана шулар, касаллик тарихининг юридик аҳамиятини кўрсатади.

Шундай қилиб, касаллик тарихини (шунингдек бошқа тиббиёт ҳужжатлари) тўлғазиша bemorning аҳволи ва унга тайинланган даволаш ишларини ёзишда врач доимо ўзи тўлғазаётган ҳужжатни ҳуқуқий аҳамиятга эга эканлигини унутмаслиги, чунки ундаги ёзувлар, айниқса, жароҳатланишларга алоқаси бўлса, қидирув ишларида муҳим қизиқиш туғдиради. Шунинг учун ҳам бундай ёзув-

лар исботлаш манбаи сифатида аниқ ва тўлиқ изоҳланиши зарур. Бизга маълумки, касаллик тарихи тўлиқ ва объектив тўлғазилган бўлса, бунда жиноятга алоқадор маълумотни аниқлаш мумкин.

Касаллик тарихида bemorni (жабрланувчи) касалхонага келган вақти аниқ кўрсатилади. Унинг ёки уни кузатувчи кишиларнинг ёрдамида жароҳатланишни жойи ва вақти, ҳолати ёки шароити, сабаблари кўрсатилади. Бундан ташқари, жиноятни қидиришда керакли бўлган маълумотларни тез ёрдам машинаси ёрдамида жабрланувчини касалхонага келтирилганлигини кўрсатувчи кузатув ҳужжатидан олиш мумкин.

Касаллик тарихида жароҳатланишга хос барча маълумотларни ёзилиши фуқаролар соғлигини сақлаш ҳамда ҳаётига қарши жиноятларни очища ҳам муҳим аҳамиятта эта эканлигини алоҳида кўрсатиш мақсадга мувофиқдир. Жабрланувчидан топилган объектив ўзгаришларнинг характеристини билиш даволовчи врач учун ташҳис қўйиш ва рационал даволаш усулини белгилашда муҳим асос бўлади.

Даволовчи врач, жароҳатланишни текшириш пайтида унинг морфологик кўринишларини аниқлайди: тирналишлар, қонталашлар, яралар, чиқишлилар, синишлилар ва бошқалар; жароҳатланиш хоссаларини таҳлил қилиб, уни ўтмас ёки ўткир воситалар, ўқ отар қуроллари ва бошқалар томонидан содир бўлганлиги ҳақида масала ечилади. Барча объектив маълумотлар касаллик тарихида кўрсатилиш зарур. Бундай ҳолларда жароҳатланиш хусусиятларини ёзилишига эътибор бериш зарур (масалан, тўғричили, узунлиги 3 см ли четлари тўғри, охири ўткир бурчакли, юмшок тўқималарга қон қўйилган деб ёзилади ва «кесилган яра» деб ташҳис қўйилади). Ҳар бир топилган жароҳатланишда унинг ўлчами, морфологик хусусиятлари, аниқ жойлашган жойи (анатомик нуқта ва чизиқлари, транспорт ва ўқотар қуроллар билан

жароҳатланганда жароҳатнинг оёқ кийими тагидан юқоригача жойлашган масофасини аниқлаш талаб қилинади.)

Касаллик тарихида жароҳатланиш ҳақида маълумотлар бирдан бир маълумот манбаи бўлиб, врачлар муолажасидан кейин жароҳатнинг бирламчи кўриниши ўзгаради ва бу ўз навбатида ярани битиш жараёнинга кейинчалик таъсир қиласди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят – процессуал Кодексининг 69 моддасида тан жароҳатлари характеристини аниқлаш учун албатта суд тиббиёти экспертизаси ўтказилиши шартлиги кўрсатилган. Бироқ суд тиббиёти эксперти камдан кам ҳолларда жароҳатлашидан кейин бирданига кўздан кечириш имкониятига эга бўлади.

Кўпчилик ҳолларда бир неча кундан кейин кўздан кечиришга тўғри келади. Бу даврда вақт ўтиши ва даволаш туфайли жароҳатнинг характеристи анча ўзгаради. Шунинг учун ҳам эксперт хуласасида тергов органларини қизиқтирувчи саволлар, хусусан жароҳатланиш характеристи, унинг содир бўлиш механизми, жароҳатловчи асбоблар, оғирлик даражаси, жароҳатланиш муддати ва бошқалар касаллик тарихидаги маълумотларга асосланади. Агар бу маълумотлар етарли бўлмаса ёки жароҳатланиш яхши ёзилмаган бўлса, эксперт ўзининг олдига қўйган саволларига жавоб беролмаслиги ёки нотўғри хуласа бериш мумкин.

Жароҳат экспертизасида албатта жароҳатнинг оғирлик дарожаси ҳақида масала ечилиши зарур. Бунда жароҳатланиш 3 турга: оғир, ўртача оғирлидаги ва енгил тан жароҳатларига бўлинади. Енгил тан жароҳатларига эса ўз навбатида соғлигини қисқа муддатли йўқотилиши ёки иш қобилиятини бироз йўқотилиши ёки соғлигини ёки иш қобилиятини қисқа муддатли йўқотимаслиги киради.

Оғир тан жароҳатларнинг энг муҳим мезонларидан бирин унинг ҳаёт учун хавфлилигидир.

Жароҳатланишнинг ҳаёт учун хавфлилиги эксперт томонидан аниқланилади. Бу касаллик тарихидаги жароҳатнинг клиник белгилари ва асорати, жабрланувчининг умумий ҳолати оғирлиги туфайли қўйилган ташҳис ҳақидаги ёзувларга асосан белгиланади.

Касаллик тарихида асосий масала ташҳисга қаратилган: Ташҳис бу грекча *diagnosis* – аниқлаш деган мазмунни билдириб, касаллик ёки жароҳатланишнинг оқибатида (этиологик, патогенез, клиник ва морфологик, патогенез, клиник ва морфологик кўришилари) ҳозирги замон фани атамалари билан ифодаланувчи врачнинг қисқача хulosаси ҳисобланади.

Даволовчи врач томонидан касаллик тарихида қўйилувчи ташҳис беморни клиник, инструментал, лаборатория текширувлари якуни бўлиб, фақаттинга беморни даволаш усуллари ва тактикасини аниқлабгина қолмасдан, балки кўп даражада жабрланувчида бўлган жароҳатланиш характеристи ва даражаси ҳақида суд тибиёти экспертигининг хulosасини ҳам белгилайди. Ташҳис касаллик тарихида ёзилган объектив маълумотларга биноан асосланиши зарур.

Агар жабрланувчи унга етказилган жароҳат туфайли касалхонага ётқизилган бўлса, суд тибиёти экспертизаси учун энг муҳими касаллик тарихида жароҳатланишнинг тури (масалан, «ёпиқ калла – мия жароҳатланиши»), унинг характеристи ва хусусиятлари (масалан, «санчувчи – кесувчи восита ёрдамида қоринни олдинги деворининг заарланиши туфайли ингичка ичак деворига кириб жароҳатланиши»). Ташҳисида фақаттинга асосий жароҳатланиш кўрсатилибгина қолмасдан, балки бошқалари (тирналишлар, қонталашлар ва бошқалар) ҳам кўрсатилади. Агар шок ривожла – надиган бўлса, унинг даражасини кўрсатиш зарур. Агар қон кетиш бўлса, унга тушунча берилади.

Касаллик тарихида ташҳисни тўлғазиши тартиби қўйидагича белгиланган:

- касалхонага жўнатишида қўйилган ташҳис;
- касалхонага ётқизишида ташҳис;
- дастлабки клиник ташҳис;
- якуний клиник ташҳис.

Айрим ҳолларда касаллик ё жароҳатланишга ташҳис қўйишида таҳлили бўлмаса, bemor xушсиз ҳолатда бўлса, касалликнинг клиник белгилари ноаниқ бўлса юқоридагиларга амал қилиш билан боғлиқ бўлади. Қасаллик тарихидаги барча ташҳисга алоқадор бўлимларни тўлғазилиши шарт.

Касаллик тарихидаги тугалланган клиник ташҳис ҳам ҳар доим тўғри қўйилмаслиги мумкин. Даволаш – назорат комиссияси, патолоанатомлар ва суд тибиёти экспертилари томонидан баъзан ёки нотўғри қўйилган ташҳис, ёки аниқланилмаган асорати ва йўлдош касаллклари кўзга ташланади. Шунингдек, исботланмаган ташҳис, уни тузиш шакланишувида йўл қўйилган хато ва камчиликлар (масалан, асосий касаллик ўрнига унинг асорати – шок ёки унинг кўриниши, қон кетиш) аниқланилади.

Айрим ҳолларда фақаттинга беморнинг биттагина шикоятига қараб бош мия чайқалиши ташҳиси қўйилади ва бу ўз навбатида жароҳатланишни оғирлик даражасини аниқлашда қийинчилик туғдиради.

Касаллик тарихида bemорни касалхонага ётқизилишида унда мастилик ҳолати борлигини ёзилишини муҳим аҳамиятга эга.

Таъсир қилувчи норматив ҳужжатларга кўра, мастилик ҳолатида бўлган bemорларга ишга қобилиятсизлиги варақасига ҳақ тўланмайди.

Бунда касаллик тарихидаги беморнинг мастилик ҳолатида касалхонада ётганлигини кўрсатувчи врачнинг ёзуви муҳим асос бўлади.

Даволовчи врач томонидан фақатгина беморнинг оғзидан ароқнинг ҳидини келиши ёки чиқарилаётган ҳавода этил спиртнинг борлигини аниқловчи таҳминий синамалар (Раппопорт сина-маси, Мохов – Шинкоренко найчаси реакцияси) га асосланиб ху-лоса чиқариши мумкин эмаслигини алоҳида таъкидламоқ зарур. Юқоридаги синамалар кент қўлланилишига қарамасдан характерли ҳисобланамайди, чунки чиқарилаётган ҳавода ароқдан ташқари бошқа оксидловчи моддалар бўлганда ҳам мусбат бўлиши мумкин. Бунда асосан беморнинг қони ва сийдигидан этил спиртини сифатий ва миқдорий жиҳатидан газ – суюқликли хроматография усулида аниқлаш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, қон ва сийдикнинг таркибида этил спиртининг миқдорига қараб мастилик даражаси аниқланилади.

Касаллик тарихининг муҳим таркибий ва жавобгар қисми клиник эпикриз, яъни касаллик ёки жароҳатланишнинг характеристики ва клиник ўтиши, bemorni kасалхонадан чиқариш тўғрисидаги кўчирма, даволаш ўтказиш, оқибати ҳамда соғлигини тиклаш ва кейинги қоидалар ҳақидаги врачнинг хулосаси ҳисобланади.

Касаллик тарихи ва ундаги ёзувлар тиббиёт ходимлари томонидан касб ҳуқукбузарлиги тўғрисидаги жиноий ишни кўриб чиқишида муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари bemor ва unning қариндошлари томонидан ўз вақтида ва тўлиқ даволамагани туфайли кўнгилсиз оқибатларга олиб келинганлиги, врачларнинг совуқёнлиги ҳақида турли ташкилотларга шикоят қилган ҳолларда ҳам касаллик тарихидаги ёзувларга алоҳида эътибор бе-

рилади. Бу кўпинча беморнинг аҳволи кескин оғирлашганда ёки ўлиб қолган тақдирда кузатилади.

Клинико-анатомик конференцияда ушбу материалларнинг таҳлили, жиноят қидирав натижалари кўлгина ҳолларда врачнинг гуноҳкорлиги тасдиқланмайди, чунки bemorning соғлигини бузилиши ёки унинг ўлими касаллик ёки жароҳатланишнинг оғирлик даражаси билан боғлиқ бўлади.

Истаган ҳолларда тиббиёт ходимларининг ҳақлигидаги суд тиббиёти ёки патологанатомик текширув натижалари билан бир қаторда касаллик тарихидаги ёзувлар катта ўрин эгаллайди. Ундаги ёзувларга қараб, даволаш ва диагностик усуllibарининг тўғрилиги, оператив муолажаларнинг муҳимлиги, муддати, техникаси ва врачнинг бошқа ҳаракатлари баҳоланади. Касаллик тарихи, unning бўлимлари, унда кўрсатилган касаллик (жароҳатланиш тўғрисидаги охирги маълумотлар, ташҳисини асослаш, хирургик ва бошқа тиббий муолажалар ҳақидаги фикрлар тўлиқ таҳлилдан ўтказилади.

Касаллик тарихини эътиборсизлик билан тўлғазилиши, кундалиқда бир хил умумий гаплар ёзилиши туфайли уларга қараб касаллик ёки жароҳатланишларнинг ўтиши тўғрисида аниқ хуносага келинмаслиги, ундаги ўчирилишлар, тузатишлар, оператив бошқа мураккаб диагностик муолажаларга bemorning розилиги тўғрисидаги, таклиф қилинган маслаҳатчи врачларнинг ёзуви йўқлиги каби масалалар врачнинг ўз касбига ситқидалдан ёндошмаганлиги ҳамда мансаб вазифасини бажаришда аҳлоқий жавобгарликни тўлигича ҳис қилмаганлиги тўғрисидаги тасаввурга келишга сабабчи бўлади. Бундай ҳолларда врачнинг хизмат билан жуда бандлиги, шунинг учун ҳам тиббиёт ҳужжатлари билан ишлашга вақти етишмаслиги, врачнинг ёзувини тушуниб бўлмаслиги ва бошқа баҳоналарни кечириб бўлмайдиган ҳол деб ҳисобласа

бўлади. Буларнинг ҳаммасини кўпинча терговчи сўроқ қилаётган вақтда аниқланилади.

Таносил касалликларини юқтириш (ЎзР ЖК 113 – модда)да агар шубҳаланувчи ёки жабрланувчи бу касаллик билан у ёки бу вақт ичида даволанган бўлса кўпинча суд тибиёти экспертизаси тайинланади. Баъзан экспертиза пайтида касаллик белгилари кузатиласлиги мумкин. Бундай ҳолларда экспертнинг олдига қўйилган саволларни ечишда касалликни борлиги ва унинг ривожланиш даврлари, маълум даврда бошқа кишига юқтириши мумкинлиги тўғрисидаги маълумотларни касаллик тарихи ва бошқа тибиёт ҳужжатларида ёзилиши мухим аҳамиятга эга.

Симуляция, аггравация ва ўз – ўзини жароҳатлаш туфайли қонунга хилоф тарзда ўз вазифасини бажариш, ҳарбий хизматдан бош тортиш мақсадида қилинган ҳаракатлар учун очилган жиноий ишларни қидирувда энг мухим исботлаш манбаи касаллик тарихи ҳисобланади.

Ўз – ўзини жароҳатлаш ёки симуляцияга шубҳа қилинувчилар касалхонага ётқизилиб, касаллик тарихи очилди ва унга касаллик ёки жароҳатланишга алокадор объектив маълумотлар ёзилади.

Одатда, суд тибиёти экспертизаси шубҳаланувчи касалхонага ётқизилгач, бироз вақт ўтгандан кейин оператив ва терапевтик даволаш усулларидан кейин жароҳатланишнинг кўриниши анча ўз – гаради, шунинг учун ҳам эксперт касаллик тарихидаги маълумотларга асосланиб ўзини хуносасини беради.

Касаллик тарихи, бошқа тибиёт ҳужжатларидағи маълумотлар номаълум одамнинг мурдаси топилганда айrim жиноий ишларда унинг шахсини аниқлашга ёрдам беради. Бунда ўлган ёки дараксиз қолган одамнинг бир – бирига ўхшашлигини аниқлашда мухим исботлаш манбаи касаллик тарихи ва бошқа тибиёт ҳужжатлари ҳисобланади. Бунда ёзувда жароҳатланишлар ва хирургик

операциялардан кейин қолган чандиқлар, туғма ҳол, татуировкалар ва бошқа мухим белгиларга эътибор берилади, чунки бу белгиларга қараб, шу одамнинг шахсини аниқлаш мумкин. Тишидаги протезларга ва бошқа қўймаларга қараб ҳам шахси аниқлаш мумкин.

Барча юқорида келтирилган маълумотлар тибиёт ҳужжатлари, хусусан касаллик тарихи даволаш – диагностик, илмий – амалий, тарбиявий аҳамиятга эга эканлигидан дарак беради. Шунинг учун ҳам бундай ҳужжатларнинг сифатига юқори талаб қўйилади. Бу соҳада соғлиқни сақлаш муассасаси фаолияти сифатини яхшилашда олиб бориладиган ишлар соғлиқни сақлаш органларининг ажралмас бурчидир.

## ВРАЧЛАР СИРИНИ САҚЛАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ВА ДЕОНТОЛОГИК АСПЕКТИ

Врачларнинг сири ва уни сақлаш масаласи узоқ тарихга эга. Бу асосан одамлар врачлик касбини эгаллагандан бери маълум.

Гиппократ ҳасамёдида кўрсатилган: «Беморларни даволашда ва даволамаган пайтда мен кўрмаган ёки эшитмаган бўлсан ҳам бу кишиларни ҳаёти тўғрисида гап кетганда, улар ҳақидаги фикрларин доимо сир сақлайман».

Врачларга хос сирни сақлаш қадимдан ҳам тиббиётда сукутлик санъати деб аталган. Врачларнинг сирини сақлаш врачлар ва бошқа тиббиёт ходимларининг энг муҳим ахлоқий бурчи ҳисобланади. Узоқ вақтлар давомида врачлар сирини сақлаш тиббиёт ходимларининг ахлоқий меъёрларидан бири ҳисобланган. Бу меъёрлар врачлар фаолиятининг тўғри давом этувчи асосий тамойилларидан бири ҳисобланади. Бу авваломбор – зиён етказма!! Деган қоидадир.

Ахлоқий меъёрлар bemорга зиён етказмасликка қаратилган бу кўпинча врачларнинг сири ошкор бўлганда намоён булади. Врачлар сирини ошкор қилиниши bemорга руҳий жароҳатланиш етказиши ва натижада бу оғир оқибатларга, хатто ўз – ўзини ўлдиришгача ҳам бориб етиши мумкин.

Врачлар сирини сақлаш тамоилии фақатгина bemорнинг қизиқиши билан эмас, балки жамият учун аҳамияти катта, чунки врачларнинг сири тўғрисидаги айrim маълумотлар жамият манфаатларига ҳам таъсир қилиши мумкин.

Буюк рус олими ва врач В.В.Вересаев айтганидек, агар врач – ning сири сақланиши туфайли жамиятга ёки bemорнинг атрофи –

даги кишиларга хавф туғилса, бундай ҳолларда врачнинг сири сақланиши тўғрисида гап бўлиши ҳам мумкин эмас.

Врачнинг сири тўғрисидаги масала жамият мақсадлари учун бошқарилиши керак. Агар бу жамият манфаатлари учун зиён келтирmasa, бундан врач bemорга алоқадор сирини сақлашга мажбур.

Врачнинг сирини сақланишига ҳар иккала томон врач ва bemор ҳам манфаатдор, чунки врач сирини сақланиши кафолатланганлиги bemорнинг диагностикаси ва самарали даволанишида врачга ишончи ошади.

Врач кўпинча bemордан унинг касаллиги, ҳаёти, одатлари ва бошқа соҳаларда кўпроқ маълумот олишга ҳаракат қиласи. Bemor эса врачни қизиқтирадиган барча маълумотлар билан таниширади, агар у айтган гаплар бошқа жойга тарқатилмаса.

Демак, врач сири деганда нима тушунилади?

Врач сири – касаллик ҳақида, bemорнинг шахсий ва интим ҳаёти тўғрисидаги маълумотлар бўлиб, булар тиббиёт ходимларига ўз хизмат бурчларини бажараётган вақтда маълум бўлади. Шундай ҳоллар бўладики, врачлар сирига алоқадор маълумотлар агар жамият манфаати учун заарали булса, бу сир сақланмаслиги ёки ҳаммага маълум қилиниши керак.

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида» ги қонунида: «Врачлар ва бошқа тиббиёт ходимлари ўзларининг касбий вазифасини бажариш вақтида касаллик тўғрисидаги, bemорнинг ҳаёти, оилавий ахволи ва интим ҳаёти тўғрисидаги уларга маълум бўлган маълумотлар сир сақланиши ва маълум қилинмаслиги» кўрсатилган.

Соғлиқни сақлаш муассасаларининг раҳбарлари касаллик ҳақидаги маълумотларни Соғлиқни сақлаш органларига маълум қилиши, агар бу аҳолининг соғлигини сақлаш учун муҳим бўлса,

баъзан суд ва тергов органларига уларнинг талаби бўйича хабар қиласидар.

Врачнинг сирини ошкор қилишнинг қонунга зид томонларидан: суҳбат вақтида, ахборот бераётганда, хат орқали, маърузада айтилиши; бегона кишининг касаллик тарихи ёки амбулатория картасидаги ёзувлар билан танишуви, фамилиясини ўзгартирмасдан газета ва журналларда маълумотларни чоп эттирилиши ва бошқалар ҳисобланади.

Врачнинг сирини қонунга хилоф ҳолда ошкор қилиниши қасдан ёки эътиборсизлик (эҳтиётсизлик) билан амалга оширилиши мумкин.

Қасдан ошкор қилиш тўғридан тўғри ёки бошқа кишилар орқали бўлиши мумкин. Эҳтиётсизлик эса ўзига ишониш ёки эътиборсизлик туфайли намоён бўлади.

Масалан, тиббиёт ходими қўшнисига беморнинг интим ҳаётидаги маълумотлар ҳақида гапириб беради, бунда у ўзини ҳамма нáрсани билувчи сифатида мақтанмоқчи бўлади (тўғридан – тўғри қасд).

Иккита тиббиёт ходими трамвайдага беморни биргаликда текширганлиги ҳақида врачларга хос сирни ошкор қилиб келмоқда. Бунинг натижасида бу маълумотлар билан бошқа кишилар ҳам танишдилар (шамали қасд). Врач бегона одамга кабинетдан регистратурага амбулатория картасини элтиб беришни сўради. Бунда у барибир ҳарфлар тушунарли эмас, коридорда бегона одам билан ўқимайди деб ҳисоблади. Аммо бегона одам амбулатория картанинг мазмуни билан танишди (ўз ўзига ишониш туфайли эътиборсизлик). Баъзан, врач эсдан чиқариб касаллик тарихини касалхона коридорида қолдириб кетади ва бу билан бегона одам танишади (Эҳтиётсизлик ёки эътиборсизлик кўринишида).

Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексида врачлар сирининг бузилиши жиноятнинг алоҳида тури сифатида кўрсатилмаган. Шундай экан, у қачонки жиноятга оид жазога лойиқ бўлиши мумкин, агар унга бошқа жиноят турлари қўшилган бўлса. Агар ўзининг касбий фаолияти давомида врач сири билан таниш жавобгар шахс, масалан, врач сифатида у сирни ошкор қиласа, (ўзининг мансаб доирасидан фойдаланган бўлим бошлиғи) бунда у Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 205, 206 моддаси билан ўзининг хизмат вазифасини сустеъмол қилганлиги бўйича жиноят жавобгарликка тортилади.

Бундан ташқари, касаллик ҳақида (касал тўғрисида, масалан, унинг шахсий ва оиласиий аҳволи ҳақида маълумотлардан ташқари). Соғлиқни сақлаш органлари ёки тергов ва суд органларига хабар бериш ҳам қонунлаштирилган.

Бундай маълумотлар билан қизиқувчи давлат ташкилотлари (алоҳида кишилар эмас) га хабар қилиниши, агар жамият манфаати учун, аҳолининг соғлигини сақлашни ҳимоя қилиш манфаатлари учун фойдали бўлса, амалга оширилади. Соғлиқни сақлаш органларига юқумли, тери – таносил ва бошқа айрим касалликлар ҳақида маълумот берилади. Тергов ва суд органларига эса – жароҳатланишлар, заҳарланишлар, ўзининг жонига қасд қилиш, қонунсиз, жиноий abort ва бошқа ҳолларда хабар берилади. Керакли ҳолларда, тергов ёки суд органларининг кўрсатмасига биноан гувоҳ сифатида врач ёки бошқа тиббиёт ходими чақирилиши мумкин. Бунда у жиноий ишнинг ҳолатига (касалликлар, жароҳатланишлар ҳақида, жинсий жиноятга оид ишлар, таносил касалликлар билан зааррланиш ва бошқалар) киради. Бу суд тергов органларига одамни соғлиғи ва ҳаёти учун хавфли жиноятларни олдини олишда, жиноятта қарши тергов ишларини ўз вақтида олиб бошып келишади.

ришга ҳамда суд жараёнида объектив ҳуқуқий баҳолашда яқиндан ёрдамлашади.

Ҳар бир врач диплом олар экан қасамёд қабул қиласы. Қасамёд текстіда врачларнинг сирини сақлаш ҳақида талабалар күрсатылған.

Врачнинг сирини сақлаш ҳақидағы мажбурияттар тиббиет институтининг талабаларига ҳам тұлиғича – алоқадордір, чунки талабалар 3 курсдан бошлаб, клиникаларда ишлай бошлайды да үкіш жараёни давомида врачнинг сири ҳақидағы маълумотлар билан танишадылар.

Врачлар сирини сақланишига хос битта деонтологик аспект ҳақида тұхталишни мақсадға мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Авваламбор, врач касалға касаллық ҳақида барча ҳақиқатни айтиши керакми ёки йүқми? Бу саволға бир хил жавоб йўқ. Врач беморга унинг касаллиги түғрисида айтиши мумкин ва шарт, аммо бу беморни руҳиятига таъсир қылмаслиги ва даволашни қийинлагтириши ёки ҳатто умуман даволанмасликка сабабчи бўлиши мумкин. Баъзан, bemor даволаш усуслари ва операцияни умуман рад қилиши мумкин.

Ҳар бир конкрет ҳолатда касалликнинг характеристини ҳисобга олишга тўғри келади. Бундан ташқари, касалнинг нерв тизимининг ҳолати, унинг ўзига хос руҳий ҳусусиятлари ҳам ҳисобга олинади.

В.А. Еренков (1976) шундай тарихий фактни келтиради:

Маҳшур немис хирурги Теодор Бильротта ёрдам учун унинг устози улуғ рус хирурги Н.И.Пирогов мурожаат қиласы. Бунда, Бильрот Н.И.Пироговнинг юқори жагида ёмон сифатли ўсма борлигини билган бўлса – да, у бу ташхисга кескин қарши гапирди ва оператив даволаш усулини тавсия қилмайди. Бунда унинг организми кучсизланғанлиги ва анча ёши қариганligини ҳисобга олиб

маслаҳат беради. Билротнинг бундай фикрлари Н.И.Пироговни қайфиятини анча күтариади. Натижада Н.И.Пирогов яна ўз ишига қайтади, аммо ёмон сифатли ўсма гениал хирургни кучини камайтириб ўлимга олиб келади.

## СУД ТИББИЁТИ ЭКСПЕРТИЗАСИНинг ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Жиноий суд жараёнининг вазифаси жиноятни тўлиқ ва тез очишдан, жавобгар шахсни топиш ва қонунни тўғри қўлланилишини таъминлаш туфайли ҳар бир топилган жиноятга яраша жазо белгиланиши, жавобгар бўлмаган биронта шахс ҳам судланмаслиги ва жиноий жавобгарликка тортилишига йўл қўймасликдан иборатdir.

Жиноятни очиш, жавобгар шахсни аниқлаш дастлабки қидириув, милиция органлари ва суднинг зиммасига юклатилган.

Дастлабки қидириув ишларини прокуратура, ички ишлар ор-ганлари ва хавфсизлик хизмати терговчилари олиб боради.

Милиция органлари, ҳарбий қисм командирлари, ҳарбий муассаса бошлиқлари, денгиз капитанлари ва бошқалар тергов билан шугулланадилар. Айрим, қонунда кўрсатилган тергов ишлари билан федерал хавфсизлик органлари, чегара посbonлари ва давлат ёнфиндан ҳимоя қилиш ташкилотлари, шунингдек аҳлоқ – тузатиш корхона ходимлари шугулланадилар.

Суд органларига судлар, шунингдек ҳарбий судлар киради.

Жиноий жараёнининг асосий белгиси жавобгарсизлик афзалиш (презумпцияси) ҳисобланади. Бу қонунни ҳимоя қилишни аниқ таъминловчи ҳуқуқ мезони бўлиб, қоидага асосан шубҳала-нувчининг айби қонун бўйича тасдиқланмагунча жавобгар ҳисобланмайди. Бошқача айтганда, жавобгарликни исботлаш суриштирув органларининг зиммасига юклатилган бўлади.

Милиция органлари, терговчи ва суд томонидан жавобгарлик борлиги ёки йўқлиги, фуқаро томонидан содир этилган жиноятнинг мавжудлиги, ишни тўғри аниқлашга ёрдам берувчи бошқа ҳолатлар жиноят иши бўйича исботловчи омиллар ҳисобланади.

Бундай маълумотларни ҳар хил усуllар ҳамда экспертиза ёр-дамида аниқланилади.

Дастлабки текшируv, жиноятчini аниқлаш ва суд жараёнида пайдо бўладиган масалаларни аниқлашда фан, техника, санъат ва ҳунарга алоқадор маҳсус билимларни ўрганиш мақсадида экспертиза тайинланилади. Бундай билимларни чуқур эгаллаган мутахасислар эксперtlар ҳисобланади.

Суд – тиббиёti экспертизаси – қонун билан белгиланган, илмий – амалий текшириш усули бўлиб, унинг вазифаси аниқ объектни текшируvда суриштируv органлари, дастлабки текшируv ва суд жараёнида пайдо бўладиган тиббиётга ва биологияга оид саволларга врачнинг аниқ жавоб беришидан иборатdir.

Ўлимнинг сабаби, тан жароҳатлари характери, айбланувчи, шубҳаланувчи ва жабрланувчининг руҳий ҳолатини ҳамда ёшини аниқлашда суд тиббиёti экспертизаси ўтказилиши шартлиги қонунда кўрсатилган.

Ҳар бир врач аниқ жиноий ишни аниқлашда терговчининг қарори ва суд ажрими билан эксперт сифатида тасдиқланган бўлса, суд – тиббиёti эксперти ҳисобланади. Бунга врач – эксперт дейилади.

Шунинг учун ҳам суд – тиббиёti эксперти юридик шахс бўлиб, уни суд – тиббиёti экспертизаси муассасасида ишловчи суд – тиббиёti экспертдан фарқлаш мақсадга мувофиқдир. Шунга қарамасдан, суд тиббиёti экспертизасида суд тиббиёti эксперти ва врач – экспертнинг ҳуқуқи, бурчи ва жавобгарлиги бир хиллиги қонунда кафолатланган.

## **Экспертнинг юридик ҳолати.**

Экспертнинг юридик ҳолати унинг бурчи, ҳуқуки ва юридик жавобгарлиги билан белгиланилади.

Қонунга кўра, истаган врач ўзининг қасбидан қатъий назар милиция органлари, терговчи, прокурор ва суд органлари чақирганда боришга ҳамда ўзининг олдига қўйилган саволларига объектив хуносаси билан жавоб беришга мажбурдир.

Эксперт фақаттина ўзининг маҳсус билими яъни тиббиётта ва биологияга оид саволларга ўз хуносаси билан жавоб беришга мажбурдир. Иккала ҳолда экспертина фоалиятидан ташқарида хуноса берилиши мумкин эмас:

а) саволларга жавоб берадиганда врач тиббиётга алоқадор бўлмаган соҳага адабиёт, психология, юридик, техник фанларга ва бошқаларга тўғри келса;

б) агар ўзининг олдига қўйилган саволларга жавоб бериш учун маҳсус билимлар талаб қилинмаса, аммо буни ечиш учун субъектив фикрлар, ҳаётий тажрибасига асосланган фикрлар етарли бўлса;

Эксперт қуидаги ҳуқуқларга эга:

- 1) экспертиза учун керакли иш материаллари билан танишиш;
- 2) хуноса тузиш учун унга қўшимча материаллар кераклиги тўғрисида ариза билан мурожаат қилиш;
- 3) суриштирув органлари, терговчи, прокурор ва суднинг рухсати билан тергов ва бошқа текширув ҳамда суд фоалитида сўроқ пайтида қатнашиш, сўроқ қилинувчига экспертизага алоқадор саволларни бериш;
- 4) экспертиза тайинлаган кишига эксперт учун тақдим қилинган материаллар етарли бўлмагани, шунингдек қўйилган саволлар

унинг фоалиятидан ташқарига чиққанлиги ҳақида ёзма равища мурожаат қилиш.

Ёлғон хуносаси учун эксперт қонун бўйича то эркинликдан маҳрум қилишгача бўлган жиноий жавобгарликка тортилади. Агар бундай хуноса оғир, ўта муҳим оғир жиноят қилган у ёки бу шахсга қаратилган бўлса, ёлғон хуносаси учун эксперт узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилинади.

Агар эксперт суриштирув, дастлабки текширув ёки суд жараёнида то суд ҳукуми ёки қарори чиққунга қадар ёлғон маълумотлар берганлиги ва хуносасининг сохталигига ўз хохиши билан иқрор бўлган тақдирда жиноий жавобгарликдан озод қилинади. Бундай ҳолларда эксперт тартибий жавобгарликка тортилади.

Эксперт дастлабки тергов сирини сақлашга мажбур. Буни прокурор, терговчи ёки суриштирув органларининг рухсатисиз амалга оширилса, эксперт жиноий жавобгарликка тортилади.

## **Суд тиббиёт экспертизаси объектлари ва турлари.**

Суд тиббиёти экспертизаси – суриштирув, дастлабки тергов ва судда кўриб чиқиши жараёнида пайдо бўладиган тиббиёт ва биологияга оид саволларга ўзининг хуносаси билан жавоб беришини ўргатади.

Суд тиббиёти экспертизасининг объектларига ўликлар, тириклар, ашъёвий далиллар ва жиноятга оид материаллар (тиббиёт ҳужжатлари) киради. Бу объектларни эксперт тўғридан – тўғри ёки тиббиёт ҳужжатларидағи маълумотларга асосан текширади.

Суд тиббиёти экспертизасининг қуидаги турлари мавжуд:

1. Бирламчи экспертиза.
2. қўшимча экспертиза.
3. қайталама экспертиза.

4. Комиссион экспертиза.

5. Комплекс экспертиза.

1. **Бирламчи экспертиза** – бу объектни биринчи марта тек – шириб эксперт хulosасини тузилишидир. Күпчилек ҳолларда бир – ламчи экспертиза берган жавоблар түлигича текширув органлари талабини қондиради. Одатда, бирламчи экспертизани битта эксперт ўтказади. Айрим ҳолларда, мұхым мұраккаб ва жавобгарлик ҳол – ларида бирламчи экспертиза бир гурұх мутахассислар томонидан ўтказилиши мүмкін.

2. **Құшимча экспертиза** агар бирламчи хulosса етарлича аниқ ва түлиқ бўлмаса, дастлабки ёки суд текшируvida маҳсус эксперտ текширув талаб қилинган тақдирда ўтказилади. Құшимча экспер – тизани бирламчи экспертиза ўтказған эксперт, бошқа эксперт ёки бошқа эксперталар гурухы ўтказиши мүмкін.

3. **Қайталама экспертиза** асосан бирламчи ёки құшимча экс – пертиза хulosалари түғрилигига шубҳа туғилганда ёки хulosса ис – ботланмаган тақдирда ўтказилади. Буни ўтазиш бошқа эксперт ёки күпинча, бошқа бир неча эксперталарга топширилади.

4. **Комиссион экспертиза** барча мұраккаб саволларга жавоб берішда бир неча мутахассис врачлар қатнашувини талаб қилаған экспертиза ҳисобланади. Күпинча бундай экспертиза врачлар ва бошқа тибиёт ҳамда фармацевтик ходимлари томони – дан касбий ҳуқуқбузарлықка йўл қўйғанларида тайинланади.

5. Керакли ҳолларда битта объектни ҳар хил касб ва мута – хассислари эксперталари томонидан ўтказилса бунга **комплекс экспертиза** дейилади. Буни ўтказища врачлар, криминалистлар, спортнинг ҳар хил соҳалари бўйича, ёнғинга алоқадор эксперталар ва бошқалар жалб қилинади. Бундай ҳолларда барча тайинланган

экспертлар аввало биргалиқда маслаҳат йиғилиши ўтказиб, унда ҳар хил мутахассислар объект текширилуви кетма – кетлигини аниқлайдилар, бу ҳар бир кейинги этапдаги эксперт текшируви ахборотлари сакланишини таъминлайди. ҳар бир мутахассис ўзи – нинг шахсий текширув натижаларига кўра мустақил хulosса туда – дилар. Бу қоида мақсадга мувофиқ бўлган тўғри юридик тартиб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бундай ҳолларда битта умумий ху – лоса тузиш мақсадга мувофиқ эмаслигини алоҳида таъқидамоқ зарур, чунки ҳар бир эксперт хulosасига имзо чекишда фақатгина ўзининг текширув натижаларини ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолда тасдиқлаш билан биргалиқда, бошқа касб вакиллари томонидан олинган текширув натижаларини баҳолашда бу соҳа бўйича маҳсус билимга эга эмаслигига иқрор бўлади. Шунинг учун ҳам ҳар бир мутахассис ўзининг алоҳида хulosасини бергани маъқул.

#### Экспертизани ўтказиш тартиби.

Экспертиза ўтказиш зарурлигига иқрор бўлган терговчи маҳсус юридик ҳужжат – қарор тузади. Унда экспертиза ўтказиш тартиби, нимага асосан экспертиза ўтказилиши, экспертнинг фа – милияси ёки экспертиза ўтказиладиган ташкилотнинг номи, эксперт томонидан ечилиши керак бўлган саволлар, шунингдек, экспертнинг ихтиёрига тавсия этиладиган материаллар кўрсатилади. Терговчи экспертизанинг барча этаплари ўтказилишида қатнашиш ҳуқуқига эга. Баъзи ҳолларда, масалан, оғир жиноятлардан, одам ўлдиришда экспертиза ўтказиш пайтида терговчининг қатнашуви жуда мақсадга мувофиқдир.

Агар суд жараёнида маҳсус саволларни ечиш учун унга битта ёки бир неча эксперт таклиф қилинади. Бунга кўпинча, тергов ёки дастлабки текширув ишларида қатнашган хulosса берган эксперт ва

экспертларни чақирилади. Судга чақирилган эксперт ёки экспертларни мутахассис сифатида баҳолайди. Шундан кейин суд ўзининг мажлисида экспертнинг қатнашганигини қонуналаштирувчи ажрим чиқаради. Эксперт суд жараёнида қатнашув ва сўроқ қилинувчига экспертизага алоқадор савол бериш ҳуқуқига эга. Суд текшируви охирида суд ажрим чиқаради, бунда экспертни олдига саволлар қўяди. Эксперт холоса бериш учун жиноий иш материаллари билан танишиб чиқиши, агар талаб қилинса, қайтадан тўғридан – тўғри объектни ашъёвий далилларини, тирик одамни, айрим ҳолларда мурдаларни гўрдан очиб кўриш ва текшириш кўзда тутилади. Экспертиза ўтказиш вақти судда эксперт томонидан белгиланади. Барча керакли текширувларни ўтказган эксперт ёзма холоса беради ва буни суд мажлисида эълон қиласди. Ёзма холосадаги айрим маълумотларни аниқлаш учун суд жараёнида қатнашувчилар эксперта оғзаки саволлар бериш ҳуқуқига эга. Одатда саволларга эксперт ҳам оғзаки жавоб беради.

Бундай жавоблар суд йиғилиши баёнiga киритилади. Агар экспертга берилган саволлардан ташқари саволлар берилган бўлса, бунда у янги саволларга ёзма жавоб бериш ҳуқуқига эга.

Агар экспертиза маҳсус эксперт муассасаларида ўтказилаётган бўлса, терговчи ёки суд қарор ёки ажримни экспертиза муассасаси раҳбари номига юборади ва у экспертиза ўтказишни ташкилотнинг битта ёки бир неча ходимига буюради. Ташкилот раҳбари экспертга унинг ҳуқуқи, бурчи ва жавобгарлиги ҳақида тушириб, ундан тилхат олади ва у эксперт холосаси билан биргалиқда терговчига жўнатилади. Агар экспертиза суд тиббиёти экспертизаси муассасасидан ташқарида ўтказилса, бунда терговчи суд экспертиза ўтказиш учун юклатилган экспертни чақиради, унинг шахси ва вазифаси кўрсатилиб, экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарори ёки ажрими тақдим қилинади. ҳуқуқи, бурчи ва жиноий

жавобгарлиги эксперт сифатида тушунтирилади. ҳар иккала ҳолда ҳам терговчи экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарорга белги қўяди ва у экспертнинг имзоси билан муҳланади. Эксперт ўзининг холосасини фақат экспертиза тайинловчи органга жўнатади.

Суд тиббиёти экспертизаси ўтказишнинг умумий тузилиши қўйидаги босқичлардан иборат:

- 1) экспертиза ўтказиш тўғрисидаги қарори ёки суд ажримини ўрганиш;
- 2) воҳеанинг ҳолатини, экспертиза ўтказиш тартиби ва эксперт ечиши керак бўлган саволларни аниқлаш;
- 3) терговчи томонидан эксперт текширувчи учун тақдим қилинган материалларнинг сифати ва етарлилигини, қўйилган саволларга берилган жавобларни баҳолаш; агар талаб қилинса, керакли қўшимча текширув объектларни ёки ишга алоқадор қўшимча материалларни тақдим қилиш зарурлиги тўғрисида терговчига муружаат қилиш;
- 4) керакли умумлашган текширув усусларини рационал қўллаш ва эксперт вазифаларини оптималь ҳолда ҳал қилиш мақсадида экспертиза ўтказиш режасини тузиш;
- 5) экспертиза обьекти ва обьектларни шахсан текшириш;
- 6) эксперт холосасини тузиш.

Ўзбекистон Республикасида суд тиббиёти экспертизасини ўтказишни алоҳида инструктив – методик ҳужжатлар таъминлайди. Уларнинг асосийси суд тиббиёти экспертизаси ўтказиш ҳақидаги Узбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруги (№ 551) ва қўйидаги қоидалари:

- воҳеа содир бўлган жойда топилган мурдани ташки кўздан кечиришда суд тиббиёти соҳасида мутахассис – врачнинг иш қоидаси;
- мурдаларни суд тиббиёти экспертизаси қоидаси;

- фуқаро соғлиғига зарар етказилиши оғирилік даражасини суд тиббиётида аниқлаш қоидаси;
- суд тиббиёти акушер – гинекологик экспертизаси қоидаси;
- әрқаклар жинсий ҳолати ҳақидағи суд тиббиёти экспертизаси қоидаси;
- жиной ва фуқаролик ишлари материаллари суд тиббиёти экспертизасини ўтказиш қоидаси;
- суд – гистологик экспертизаси ўтказиш қоидаси;
- ашъёвий далиллар ва бағылар оталикни ёки оналикни суд – биологик бўлими лабораториясида аниқлаш суд тиббиёти экспертизаси қоидаси;
- суд тиббиёти экспертизаси бюроси тиббий – криминалистика бўлими лабораториясида суд тиббиёти экспертизаси ўтказиш қоидаси;
- суд тиббиёти экспертизаси бюроси суд – кимиёвий бўлими лабораториясида ашъёвий далилларни суд – кимиёвий экспертизаси қоидаси.

### **Суд тиббиёти экспертизасининг ҳужжатлари.**

Терговчи қарорини олгач, ўзини олдига қўйилган саволлар билан танишиб, жавоб бериш учун барча текширув усулларини ўтказгач, эксперт текширув натижаларига асосланиб ўзининг номидан ва ўзининг маҳсус билимлари асосида холоса беради. ўзининг холосаси учун эксперт шахсий жиной жавобгарликка тортилиши мумкин. Комиссион экспертиза ўтказышда барча қатнашувчи экспертлар бир – бири билан маслаҳатлашиб бир фикрга келишгач, умумий холоса тузадилар ва бунинг охирда барча экспертлар имзо чекадилар. Агар экспертларнинг фикри бир

бирига тўғри келмаса, уларнинг ҳар бири ўзининг холосасини алоҳида берадилар.

Эксперт холосаси бирдан – бир юридик ҳужжат бўлиб, бунда эксперт ўзининг холосасини экспертиза тайинлаган ташкилотгача етказади. Холоса фақат ёзма равишда берилади. Эксперт холоса – сининг мазмуни қонун билан белгиланиб, З қисмдан иборат бўлади: кириш, текширув ва холоса қисми.

Кириш қисмida қачон, қаерда, ким (фамилияси, исми, шарифи, мутахассислиги, илмий даражаси ва унвони, эгаллаган мансаби), нимага асосланиб (терговчининг қарори ёки суд ажрими) экспертиза ўтказилиши, экспертнинг олдига қандай саволлар қўйилганлиги, унинг қандай материалларидан фойдаланганлиги, материаллар қандай шаклда тақдим қилинганлиги (ўралган ёки ўралмаган ҳолда, ўралган бўлса ундаги белгилар ва муҳрланганлиги) кўрсатилади. Кириш қисми учун талаблар қонунда кўрсатилган барча материаллар тўғрисидаги маълумотлари аниқ изоҳлашдан иборатdir.

Текшируv қисми холосани исботлаш манбай бўлиб, бунда суд тиббиёти экспертизининг холосаси барча ўтказилган текшируv усулларининг мазмуни ёзилади суд тиббиёти экспертизасининг обьектлари (тирик одам, мурда, ашъёвий далиллар), ҳақидағи маълумотларни ўзида мужассамлантирувчи иш материаллари (касаллик тарихи, амбулатория картаси, тиббиёт маълумоти, соғлиғи ҳақидағи гувоҳнома ва бошқалар) киради.

Текшируv қисми учун асосий талаблар барча ўтказилган текшируv натижаларининг ҳар томонлама тўлиқ ва обьектив тасвирланишиди.

Холоса қисмida эксперт олдига терговчи ёки суд томонидан қўйилган саволларга жавоблар кўрсатилади. Агар эксперт у ёки бу саволни еча олмаса, унда у холосада қўйилган саволга жавоб бериш

имконияти йўқлиги сабаби кўрсатилади. Бунда тиббиёт соҳасидаги илмий билимларнинг етишмаслиги ва хусусан экспертнинг малақаси пастлиги киради.

Агар текширув жараёнида эксперт шу иш учун ахамияти бўлган унинг олдига қўйилган саволларга маълумотларни аниқласа, буни у ўзининг шахсий ташаббуси сифатида хulosада кўрсатиши мумкин.

Хulosага умумий талаблар қўйидагича:

- а) тўлиқлиги (берилган саволларнинг барчасига жавоб берилиши);
- б) ҳар бир кўрсатилган ҳолатни асослаш;
- в) хulosанинг текширув қисмига алоқадор ва обьектни текширув натижасида эксперт томонидан аниқланган ҳар бир ҳолат тўғрисидаги маълумотларни асослаш;
- г) обьективлиги;
- д) илмийлиги;
- е) маҳсус атамаларни қўлламасдан барча учун тушунарли шаклда изоҳлаш;

Суд ва бошқа текширув органларини хulosани аниқ (мусбат ёки манфийлиги) асослаш кўпинча қониқтиради.

Эксперт хulosаси ҳужжатлаштирилиши керак. Биринчи на вбатда хulosанинг барча асосий ҳолатлари ҳужжатлаштирилади. ҳужжатларга асосий талаблар – аниқланган маълумотларни қандай бўлса, шундайлигича изоҳланишидир. Бундай талабларга суратга олиш, рентгенограммалар, ички органлар ва суяқ препаратлари, гистологик препаратлар ва бошқаларнинг мавжудлиги тўғри кела – ди. Буларнинг ҳаммаси эксперт хulosасига илова сифатида кўрсатилади. Айрим биологик обьектлар (масалан, мурда ички органлари ва тўқималаридан олинган материаллар, суяқ ва микроскопик препаратлар) терговчининг кўрсатмасига биноан суд тиббиёти муассасасида сақланиши зарур.

## Суд тиббиёти экспертизасининг ташкилий асослари.

Суд тиббиёти экспертизаси Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш тизимининг муҳим давлат хизмати ҳисобланади. Суд тиббиёти хизмати таркибига республика суд тиббиёти экспертизаси бош бюроси, вилоятлар, шаҳар бюоролари, туманлар ва туманлараро суд тиббиёти экспертизаси муассасалари киради.

Административ – хўжалик бўйича суд тиббиёти муассасалари тегишли вазирлик, бошқарма ва соғлиқни сақлаш бўлималарига бўйсунади. Методик ва илмий – амалий жиҳатдан суд тиббиёти ташкилотлари Республика суд тиббиёти экспертизаси марказига, вилоятлар, шаҳар, туманлараро ва туман суд тиббиёти экспертиза – си бюоролари раҳбарлигига пастдан юқорига қараб бўйсунадилар.

Суд тиббиёт экспертизаси бюросида суд тиббиёт эксперти – засининг барча асосий турлари ўтказилади.

Бюро таркибига қўйидагилар киради:

1. Танатология бўлими (мурдаларни текширув бўлими ўзининг гистологик лабораторияси билан).
2. Амбулатория бўлими. Бунда жабрланувчилар, айбланувчилар, шубҳаланувчилар текширилади.
3. Лаборатория бўлими – бунга қўйидаги лабораториялар киради: суд – биологик, суд – кимё ва тиббий – криминалистика лабораториялар бўлимлари киради.

Суд – биологик лабораторияси бўлимида қон, соч, сперма ва бошқа ажралмалар, орган ва тўқималар ҳамда ҳар хил ашъёвий далиллар аниқланилади. Бу бўлимда цитологик ва молекуляр – биологик текширувлар ҳам ўтказилади.

Суд – кимё лаборатория бўлимида ҳар хил заҳарланишларда организм таркибидағи биологик муҳитлардаги заҳарли моддалар

миқдори суд – кимёгарлари томонидан аниқланилади. Шунингдек бу бўлимда суд кимёсига алоқадор маҳсус билимларни талаб қилинувчи бошқа саволларни ечишга қаратилган масалалар бажа – рилади.

Тиббий – криминалистика бўлимда стереомикроскопик, сте – реография, рентгенография, фотография ва бошқа текширишлар орқали жароҳатланишлар текширилади. Бундан ташқари, шахсни аниқлаш мақсадида суюк қолдиклари ҳам шу усуllibарда текширилади.

Суд тиббиёти муассасасининг таркиби соғлиқни сақлаш ва – зирлигининг маҳсус буйруғида кўрсатилган бўлиб, бу ҳар мин – тақада экспертнинг аниқ юкламасига боғлиқ.

Ҳозирги даврда суд тиббиёти хизматини бошқаришда уни маблаг билан таъминлаш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бунга қуидагиларни киритиш кўзда тутилган:

- а) бюджет маблагини режали, кундалик ва узоқ муддатли дастур системалари;
- б) маҳсус эксперт текшируви, ташқи кадрлар тайёрлаш, суд жа – раёнида ўтказилувчи эксперт текшируви харажатларини қоплаш, суддаги ҳар хил хизматлар учун маблаг тўлаш учун барча хизмат ҳақини бюджетдан ташқари маблаг ҳисобига тўлаш тизими;
- в) эксперт ишларини молиявий экологик бошқариш тизими.

Суд тиббиёти ташкилотлари фаолияти юридик вазифалар билан чегараланиб қолмайди. Бу соҳада ишлайдиган мутахассислар барча соҳада тиббий таъминлашни такомиллаштиришга қаратилган анчагина ишларни бажарадилар. Бунга ўлимга олиб келувчи жа – роҳатланишларнинг ҳар хил сабабларини аниқлаш ва текшириш, тиббий ёрдамни камчилигини топиш, техник суюқликлар билан заҳарланиш алкогол билан мастлик ва чўкиш ҳоллари, тўсатдан ўлимнинг сабабини аниқлаш ва бошқа профилактик ишлар киради.

## Врачнинг қидибув ишларида қатнашуви

Ҳар хил қидибув ҳаракатларида врач эксперт сифатида эмас, балки суд тиббиёти соҳасидаги мутахассис сифатида қатнашади. Кўпинча врачни воқеа содир бўлган жойда топилган мурдани ва одамни изларини кўздан кечириш учун, қидибув тажрибаси ўтка – зиш, тирик шахсни терговчи томонидан кўздан кечиришда, сўроқ пайтида, кейинчалик солишишма текшириш учун қон, сўлак ва бошқаларни олиш ва тинтуб пайтида қатнашиши учун таклиф қилинади. Мутахассис терговчига ашъёвий даллilarни топиш, белгилаш ва олишда кўмаклашади, бундай ҳолатлар билан боғлиқ масалаларга эътибор беришади, маслаҳатлар ва керакли тушунчалар беради. Қидибув ишларида қатнашувдан бош тортган мутахассис жиноий жавобгарликка тортилади.

### Воқеа содир бўлган жойда топилган мурдани ва воқеа содир бўлган жойни кузатиш.

Қидириувчи воқеа содир бўлган хона ёки жойга воқеа содир бўлган жой дейилади. Воқеа содир бўлган жойни кузатиш – бу қидибув ишларнинг бирламиши ва пайсалга солиб бўлмайдиган қисмидир. Жиноят изларини топиш, содир бўлган ҳолатни аниқлаш, жиноятчига алоқадор асосий маълумотларни топиш, шунингдек жиноятни очиш ва билиш мақсадида терговчи воқеа содир бўлган жойни кузатади.

Терговчи воқеа содир бўлган жойни холислар иштирокида кўздан кечиради. У воқеа содир бўлган жойни кузатишда айбланувчи, шубҳаланувчи, жабрланувчи, гувоҳларни ва мутахассис – суд тиббиёти экспертини жалб қилиши мумкин.

Воқеа содир бўлган жойда топилган мурдани кўздан кечириш, биологик характерга эга бўлган ашъёвий далилларни топиш, белгилаш, ёзиш, сақлаш ва баҳолашда терговчи суд тиббиёти соҳасидаги мутахассисни жалб қиласди, агар у бўлмаса истаган врачни жалб қилиши мумкин.

Врачнинг фаолияти суд тиббиёти соҳасида ишловчи мутахassis – врачга алоқадор «воқеа содир бўлган жойни ва у ерда топилган ўликни кузатиш» тўғрисидаги маҳсус қоидада кўрсатилган. Одатда мурда ҳодиса содир бўлган жойда кўздан кечирилади. Айрим ҳолларда буни имконияти бўлмаса, мурда ўликхонага жўнатилиди ва у ерда кўздан кечирилади.

Воқеа содир бўлган жойни кўздан кечириш шароитлари ва натижалари, унинг бошланиши ва туталланиши воқеа содир бўлган жойни кузатиш баёнида кўрсатилади.

Баёнда кўздан кечирув жараёнидаги терговчининг барча ҳаракатлари ва бирин – кетин топилган ўзгаришлар, шунингдек, кўздан кечириш пайтида қайсилари топилганлиги ёзилади.

Бундан ташқари, кўздан кечириш пайтида нималар олинганилиги кўрсатилади. Мурдани ва ашъёвий далиллар учун топилган биологик белгиларни ёзилишини терговчининг топширифи билан врач шакллантиради.

Воқеа содир бўлан жойни кузатиш баёни мазмuni билан терговчи барча қатнашувчиларни таништиради. Улар ўз навбатида баёнга ўзгаришлар киритиш ҳукуқига эгадирлар. Терговчи, холослар, врач ва бошқа кузатув қатнашчилари баёнга имзо чекади-лар.

Мурда топилган жойни кузатиш учун келган врач биринчи навбатда жабрланувчида ҳаёт белгилари борлигига ишонч ҳосил қилиши керак. Агар ўлимнинг ҳақиқий белгилари кўзга ташланмаса, у терговчи ёрдамида тез ёрдам машинаси чақиради ва тез-

лиқда организм ҳаётий функцияларини тиклашга киришилади. Агар бу чоралар ёрдам бермаса, ҳодиса бўлган жойни кузатиш баёнида беморни тирилтириш учун кўрилган чоралар, унинг бошланиши ва тутатилиш вақти кўрсатилади.

Воқеа содир бўлган жойни кузатища врачнинг вазифалари:

- 1) ўлимни аниқлаш ва унинг вақтини кўрсатувчи белгиларни, жароҳатланишлар характеристи ва механизмини, шунингдек воқеа содир бўлган ҳолатни аниқлаш учун зарур бўлган бошқа маълумотларни кўрсатиш;
- 2) ашъёвий далилар биологик белгиларни сақланганлиги, уларни топиш ва олишда терговчига ёрдам кўрсатиш;
- 3) баёнда мурдани ҳолати ва ашъёвий далиларда биологик изларини ёзишда терговчига кўмаклашиш;
- 4) бу ишни текшириш учун аҳамиятли бўлган барча хусусиятларни белгилашда терговчининг эътиборини жалб қилиш;
- 5) врач томонидан амалга оширилган барча ҳаракатлар ҳақида тушиунча бериш.

Воқеа содир бўлган жойда топилган мурдани ва воқеа содир бўлган жойни кўздан кечиришда врач терговчининг қўйидаги саволларига оғзаки жавоб бериш мумкин: ўлимнинг вақти, мурданинг ҳолати ўзgartирилганлиги, унинг танасида ташки жароҳатланишлар борлиги ва уларнинг қайси воситалар билан етказилганлигини ва ўлимнинг сабабини аниқлашда; бундан ташқари, врач бошқа саволларга ҳам, агар бу саволлар уни вазифасидан четда бўлмаса ва маҳсус қўшимча текширув талаб қилмаса оғзаки жавоб бериши мумкин. Мурдани фақатгина ташқаридан кўздан кечириш ҳақида врачнинг фикрлари таҳминий бўлиб, у эксперт хulosаси сифатида қаралмайди.

Воқеа содир бўлиш жойда топилган мурдани кузатиш 2 даврга бўлинади: статик ва динамик даврлар.

**Статик даврда** мурданинг ҳолати ўзгартирилмасдан кўздан кечирилади. Бу мурдани ётган жойи ва ҳолати, унинг кийимлари ҳамда атрофдаги обьектларга нисбатан жойлашуви тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлиш мақсадида амалга оширилади.

**Динамик даврда** мурданинг бирламчи жойи ва ҳолатини ўзгаришига рухсат берилади.

Воқеа содир бўлган жойни кузатиш натижалари баёнида қўйидаги маълумотлар кўрсатилиши мумкин:

- 1) мурда ҳолатининг бошқа атрофдаги нарсаларга нисбатан кўриниши;
- 2) мурда ҳолати, оёқ – қўлларининг бошига нисбатан жойлашуви, мурдадаги белгилар, мурда атрофидаги ва тагидаги нарсалар;
- 3) кийимининг ҳолати, ундаги жароҳатланиш ва ифлосланишлар борлиги ва характеристи, белбогинниг бутунлиги ва ҳолати, тутмада сиртмоқлари, қон ва бошқа ажralмаларнинг изи борлиги;
- 4) жинси, тахминий ёши ва бўйи, тана тузилиши, терисининг ранги, индивидуал белгилари: жисмоний камчиликлар борлиги, чандиқлар, тугма хол ва татуировкалар;
- 5) кўз қорачиги, кўзини шиллиқ пардаси ҳолати, табиий тешикларда ёт жисмлар ва ажralмалар борлиги;
- 6) текшириш жараёнида ўлимнинг вақтини кўрсатувчи масалалар:
  - а) мурда танасиниг очиқ ёки ёпиқ қисмини совиш даражаси;
  - б) тўғри ичак ва атрофидаги ҳаво ҳарорати даражаси;
  - в) мурда доғларининг борлиги, жойлашуви, ранги, бармоқ билан босиб кўрилганда рангини ўзгариш ва тикланиш вақти;
  - г) тананинг ҳар хил гурух мушакларида мурданинг қотиш даражаси ва борлиги;

- д) механик таъсир қилганда елканинг икки бошли мускули реакцияси характеристи;
- е) юзидағи мимик мушакларининг электр қўзғалувчилигига жавоб реакцияси;
- ж) кўз олдинги камерасига атропин ва пилокарпин томизилганда кўз қорачигининг жавоб реакцияси;
- з) кечки мурда белигларининг борлиги ва ривожланиш даражаси;
- и) мурдада ҳашоратлар борлиги ва уларнинг яшаш характеристи;
- к) катта ҳайвонларнинг ўлиқда таъсир изларининг борлиги;
- л) қўлида соч ва бошқа нарсаларнинг қисилиб қолиши, тирноғи тагининг ҳолати;
- м) мурдада жароҳатланиш борлиги ва характеристи, жароҳатланиш атрофидаги терининг ҳолати ва бошқа хусусиятлари;
- н) мурдада ва унинг атрофида қон ва бошқа ажralмалар изи борлиги; воқеа содир бўлган жойда изларнинг жойлашуви ва характеристи, унинг ҳолати ҳамда мурдага нисбатан жойлашуви;
- о) кўкрак қафасига босилганда оғзидан ёқимсиз ҳид келиши.

Воқеа содир бўлган жойда топилган мурдани ва воқеа содир бўлган жойни кузатиш фақат изларни аниқлаш билан чегараланмаслиги керак.

Кўздан кечириш текширув характеристига эга бўлиб, унда ҳар хил фикрлар олға суримиши, тасдиқланиши ёки инкор қилиниши мумкин. Негатив ҳолатлар ҳар хил бўлиб, уларни аниқлаш учун эътиборлилик, кузатувчанлик ҳамда ҳар бир топилган фактни доимий баҳолаш талаб қилинади. Бунга бир неча мисоллар келтирамиз. Бўйин магистрал артерияси ва венасининг чуқур кесилишига қарамасдан мурданинг атрофида қон йиғиласлиги; ўтирган ҳолатдаги одам мурдаси кийимида қоннинг горизонтал ҳолатда оқканлиги; қон ва бошқа моддалар билан кучли ифлосланган ерда

ётган мурданинг оёқ кийими таги тоза бўлиши; бошида чопилган яра бўлишига қарамасдан мурданинг атрофида ўткир кесувчи во- ситанинг бўлиши; ўқ отар қуроллари билан тираб отиша яра пай- до бўлса ҳам воқеа содир бўлган жойда ўқ отар қуролининг бўл- маслиги ва бошқалар.

Врачнинг олдида биологик изи бўлган ашъёвий далиларни олиш ва кейинчалик маҳсус суд тиббиёти усулида текширишда терговчига ёрдам бериш вазифаси туради. Бунда қуидаги тавсия- ларга амал қилиш керак:

- а) кийими ва бошқа кичик ўлчамдаги ашъёвий далиллар бутунли- гича олинади;
- б) ҳажми катта бўлган предметлардан agar уларнинг юзасида ашъ- ёвий далилларнинг излари бўлса, уни бутунлай сақлаш мақсадидан арралаб ёки кесиб олинади;
- в) agar ашъёвий далилларни тўлиғича ёки қисман олишнинг имко- нияти бўлмаса бунда излар суратга олиниб, қириб олинади ёки марли билан ювилади, марли қуёш нурларисиз соя жойда қуритилади ва экспертиза текшируви учун жўнатилади;
- г) agar қон қорда бўлса, марли билан қон бўлган қордан озгина олиниб қор эригач, марли қуритилади;
- д) доф бор деб шубҳа қилинган изни тоза қисми ва из бор жойидан материал олинади;
- е) нам ашъёвий далиллар уй ҳароратида қуритилади.

Ҳар бир ашъёвий далил имконияти борича алоҳида пакетга солиниб шундай ўралиши керакки, бунда токи ашъёвий далиллар- нинг изи йўқолмасин.

Ашъёвий далилларни алмаштираслик мақсадида терговчи уни яхшилаб ўраб, боғлагач, муҳрлайди ва унга ўз имзосини қўяди. Врачнинг бошқа текширув (қидирув) ишларида қатнашуви.

Терговчи айбланувчи, шубҳаланувчи, гувоҳларни ёки жабр- ланувчини кўздан кечиришда уларнинг танасида жиноят излари, муҳим белгилар борлигига, agar бунинг учун суд тиббиёти экспер- ти талаб қилинмаса аҳамият беришга ҳақли.

Кўздан кечириш холислар иштироқида, agar керакли ҳолларда врачнинг иштироқида ўтказилади. Қарама-қарши жинсли фуқарони кўздан кечиришда терговчи қатнашиш ҳуқуқига эга эмас.

Бундай ҳолларда кўздан кечиришни врач холислар иштиро- кида амалга оширади. Бунда шахснинг қадриятларини камситувчи, шунингдек унинг соғлиғига хавфли муолажалар ўтказилишига рухсат этилмайди. Кўздан кечириш натижалари бўйича терговчи баён тузади. Врач тиббий характердаги масалаларни ёзилишида терговчига кўмаклашади.

Терговчи барча кўрсатилган шароитлар ёки ҳодиса содир бўлган жойни ҳолати тўғрисида айтилган фикрларни тўғрилигини аниқлаш учун текширув тажрибалари ўтказади. Бунда тажриба қатнашучилари қадриятлари ва ҳаётига хавф тугдирувчи ҳаракат- ларга йўл қўймаслиги керак. Тажриба ўтказишда маҳсус тиббий билимлар талаб қилиниши кўзда тутиб, врач таклиф қилинади.

Аниқ шароитда, аниқ жабрланувчига, аниқ жароҳатланиш ётказилиши мумкинлиги ҳақида текширув тажрибаси ўтказилаёт- ганда кўпинча врач жалб қилинади. Бундай ҳолларда ўз-ўзини жароҳатлаш, ўқ отар қуролларидан фуқароларнинг ўлими, жан- жаллар ва турмуш келишмовчиликлари туфайли ўтмас ва ўткир воситалар билан жароҳатланишлар кузатилади. Текширув тажри- балар ўтказилаётганда унинг ҳар хил босқичлари керакли пайт- ларда суратга, кино ва видеотаъсирга олиниши мумкин. Текширув тажрибаси давомида ўтказилган умумий ҳолатлар, шунингдек ҳар

бир ўтказилган тажриба натижалари, характери, шароити маълу-  
мотлари текширув тажрибаси баёнида тўлигича изоҳланади.

Терговчи айбланувчи ёки шубҳаланувчидан воқеа содир бўл-  
ган жойда топилган бошқа обьектлар ёки уларнинг изларини со-  
лишириш учун худди шунга ўхшаш обьектни олиш ҳуқуқига эга.  
Биологик обьектларни нусхасини олишда мутахассис врачнинг,  
албатта, қатнашуви талаб қилинади. Врачнинг ёрдами қон, сперма  
сўлак, соч, тирноқ тагидаги бўлган нарсалар қолдифи, тиш қўймаси  
ва бошқаларни нусхаларини олишда керак бўлади. Бунда врач  
кўрсатилган ашъёвий далилларни олиш, сақлаш ва кейинги маҳсус  
тажриба ўтказиш пайтида солишириб зарурлиги тўғрисида тер-  
говчига ўзининг керакли маслаҳатини бериши шарт. Биологик  
обьектлардан нусхалар олингани тўғрисида терговчи баён тузади.  
Олинган нусхалар белгиланилиб баёнга тиркалади. Врач шундай  
текширув ишларидан тинтуб ишида ҳам жалб қилиниши мумкин.  
Бундай ҳолларда врачнинг вазифасига мурда ва унинг қисмлари,  
жиноят воситаларини топиш, кийимида қон изини топиш, ўлимга  
олиб келувчи заҳарли ва доривор моддалар, тиббий маълумотларни  
ва гувоҳномаларни топишда терговчига ёрдамлашишлар киради.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ МЕҲНАТ КОДЕКСИ.

Бу Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида 1995 йил 25  
декабрда тасдиқланган бўлиб, 16 боб, 294 – моддадан иборатdir.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорига биноан  
Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 1996 йил 1 апрелдан  
бошлаб амалга киритилган бўлиб, шу кундан бошлаб, меҳнат  
тўғрисидаги амалдаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларнинг  
Кодексга зид бўлмаган қисми ва юзага келган меҳнатга оид  
ҳуқуқий муносабатларга нисбатан қўлланилади. Меҳнат кодекси  
амалга киритилгунга қадар юзага келган меҳнатга оид ҳуқуқий  
муносабатларда тарафларнинг ҳуқуқлари ва бурчлари 1996 йил 1  
апрелдан эътиборан Меҳнат кодексига мувофиқ тартибга солинади.

Муддатли меҳнат шартномасини ходимнинг ташабуси билан  
бекор қилишнинг Меҳнат кодекси 99 – моддасининг биринчи ва  
бешинчи қисмларида назарда тутилган тартиби ва 104 –  
моддасининг қоидалари Меҳнат кодекси амалга киритилгандан  
кейин, яъни 1996 йил 1 апрелдан бошлаб тузилган муддатли меҳнат  
шартномаларига нисбатан қўлланилади.

Меҳнат кодекси 151 – моддасининг иккинчи қисмida назарда  
тутилган таътилнинг энг оз муддатидан ортиқча қисмини пуллик  
компенсация билан алмаштириш 1996 йил 1 апрелдан эътиборан  
охирги иш йилидаги ва шундан кейинги йиллардаги таътилларга  
нисбатан қулланилиши Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси  
қарорида кўрсатилган.

### Меҳнатга оид муносабатларни тартибга солувчи норматив ҳуж- жатлар (1-мода).

Ўзбекистон Республикасида меҳнатта оид муносабатлар меҳ-

нат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, жамоа келишувлари, шунингдек жамоа шартномалари ва бошқа локал ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу кодекс, Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Олий Мажлис қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Ўзбекистон Республикаси ҳамда қорақалпогистон Республикаси Хукумати қарорлари, давлат ҳокимиятининг бошқа вакиллик ва ижроия органлари ўз ваколатлари доирасида қабул қиласидан қарорларидан иборатdir.

Мулкчиликнинг барча шаклидаги корхоналар, муассасалар, ташкилотларда, шунингдек айрим фуқаролар ихтиёрида меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган жисмоний шахсларнинг меҳнатта оид муносабатлари меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Меҳнат Кодексининг 2—моддасида меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг вазифалари кўрсатилган. Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ходимлар, иш берувчилар, давлат манфаатларини эътиборга олган ҳолда, меҳнат бозорининг самарали амал қилишини, ҳаққоний ва хавфсиз меҳнат шарт—шароитларини, ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари ва соғлигини ҳимоя қилинишини таъминлайди, меҳнат унўмдорлигини ўсишига, иш сифатини яхшиланишига, шу асосда барча аҳолининг моддий ва маданий турмуш даражасини юксалишига кўмаклашади.

Меҳнатта оид муносабатларни қонунлар орқали ва шартномалар асосида тартибга солишнинг ўзаро боғлиқлиги 3—моддада келтирилган. Бунда ходимлар учун меҳнат ҳуқуқларининг ва қафолатларининг энг паст даражаси қонунлар билан белгиланиши кўрсатилган.

Қонунлардагига нисбатан қўшимча меҳнат ҳуқуқлари ва ка-

фолатлари ҳамда бошқа норматив ҳужжатлар, шу жумладан шартнома йўсенидаги ҳужжатлар (жамоа келишувлари, жамоа шартномалари, бошқа локал ҳужжатлар), шунингдек ходим ва иш берувчи ўртасида тузилган меҳнат шартномалари билан белгиланиши мумкин.

Меҳнат ҳақида келишувлар ва шартномаларнинг шартлари, агар қонунда бошқа ҳолат қўлланимаган бўлса, бир томонлама ўзgartирилиши мумкин эмас. Меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар билан тартибга солинмаган масалалар меҳнат тўғрисидаги шартнома тарафларининг келишуви асосида, ўзаро келишилмаган тақдирда эса — меҳнат низоларини кўриб чиқиш учун белгиланган тартибда ҳал қилинади.

Меҳнат кодексининг 8—моддасида меҳнат ҳуқуқини ҳимоя қилиш кўрсатилган бўлиб, бунда ҳар бир шахснинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиши кафолатланиши, бу ҳимоя меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилинишини текширувчи ва назорат қилувчи органлар, шунингдек меҳнат низоларини кўрувчи органлар томонидан амалга оширилиши белгиланган.

Меҳнат кодексининг II — бобида меҳнатта оид муносабатларнинг субъектлари кўрсатилган.

Белгиланган ёшга етган ҳамда иш берувчи билан меҳнат шартномаси тузган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар меҳнатта оид муносабатларнинг субъектлари бўлиши мумкин (14—модда).

Иш берувчи меҳнатта оид муносабатлар субъекти (15—модда) ҳисобланиб, қўйидагилар иш берувчи бўлиши мумкин:

- 1) Корхоналар, шу жумладан, уларнинг алоҳида таркибий бўлинмалари ўз раҳбари тимсолида.
- 2) Мулқдорнинг айни ўзи раҳбар бўлган хусусий корхоналар.

3) ўн саккиз ёшга тўлган айрим шахслар қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда.

Меҳнат кодексининг 16 – моддасида ходимнинг асосий меҳнат ҳуқуқлари келтирилган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин иш танлаш, ҳаққоний меҳнат шартлари асосида ишлаш ва қонунда белгиланган тартибида ишсизлиқдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир.

Ҳар бир ходим:

- ўз меҳнати учун қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақидан оз бўлмаган миқдорда ҳақ олиш;
- муддатлари чегараси белгиланган иш вақтини ўрнатиш, бир қатор касблар ва ишлари учун иш кунини қисқартириш, ҳар ҳафталик дам олиш кунлари, байрам кунлари, шунингдек ҳақ тўланадиган йиллик таътиллар бериш орқали таъминланадиган дам олиш;
- хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган шароитларда меҳнат қилиш;
- касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;
- иш билан боғлиқ ҳолларда соглигига ёки мол – мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш;
- касаба уюшмаларига ҳамда ходимлар ва меҳнат жамоаларининг манфаатларини ифода этувчи бошқа ташкилотларга бирлашиш;
- қариганда, меҳнат қобилиятини йўқотганда, боқувчисидан маҳрум бўлган ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш;
- ўзининг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шу жумладан, суд орқали ҳимоя қилиш ва малакали юридик ёрдам олиш;
- жамоаларга доир меҳнат низоларида ўз манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эгадир.

## 17–модда. Иш берувчининг асосий ҳуқуқлари.

### Иш берувчи:

- корхонани бошқариш ва ўз ваколатлари доирасида мустақил қарорлар қабул қилиш;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ якка тартибда меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш;
- меҳнат шартномасида шарт қилиб кўрсатилган ишни лозим даражада бажаришни ходимдан талаб қилиш;
- ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун бошқа иш берувчилар билан бирга жамоат бирлашмаларини тузиш ва бундай бирлашмаларга аъзо бўлиш ҳуқуқига эгадир.

## Ходимлар вакиллик органларининг ҳуқуқлари

### (23–модда) қўйидагича:

- музокаралар олиб бориши, жамоа шартномалари ва келишувлари тузиш, уларнинг бажарилишини текшириб туриш, иш берувчи корхона меҳнат тўғрисида норматив ҳужжатлар тайёрлаш юзасидан таклифлар киритиш;
- корхонани ижтимоий – иқтисодий ривожлантиришга доир масалаларни кўриб чиқишида қатнашиш;
- меҳнат низоларини кўрувчи органларда ходимлар манфаатини ҳимоя қилиш;
- иш берувчи ҳамда у вакил қилган шахсларнинг қарорлари меҳнат тўғрисидаги қонунлар ёки бошқа норматив ҳужжатларга зид бўлса ёхуд ходимларни ҳуқуқларини бошқача тарзда бузабётган бўлса, бу қарорлар устида судга шикоят қилиш;
- вакиллик органлари ижтимоий – меҳнат муносабатларида ходимларнинг манфаатларини ҳимоя этишга қаратилган бошқа ҳатти – ҳаракатлар ҳам, башарти бу ҳатти – ҳаракатлар қонун

хужжатларига зид бўлмаса, қилишлари мумкин.

- ходимларнинг вакиллик органлари ҳуқуқларининг амалга оширилиши корхонада меҳнат самарадорлигини пасайтирмаслиги, ўрнатилган тартиб ва иш режимини бузмаслиги керак.

#### **Иш берувчининг ходимларнинг вакиллик органлари олдидағи мажбуриятлари (24-модда)**

##### **Иш берувчи қўйидагиларга амал қилиши шарт:**

- ходимлар вакиллик органларининг ҳуқуқларига риоя қилиш, уларнинг фаолиятига кўмаклашиш;
- ходимларнинг манфаатларига тааллуқли қарорлар қабул қилишдан олдин уларнинг вакиллик органлари билан маслаҳатлашиш, меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда кўрсатилган ҳолларда эса — уларнинг розилигини олиш;
- ходимлар вакиллик органларининг таклифларини ўз вақтида кўриб чиқиш ва қабул қилинган қарорлар ҳақида, уларга ёзма равишда асосли жавоб бериш;
- ходимларнинг вакиллик органлари аъзоларини корхонага, манфаатлари ифода этилаётган ходимларнинг иш жойларига монеликсиз қўйиш;
- ходимларнинг вакиллик органларига меҳнат, корхона фаолияти масаларига ва бошқа ижтимоий—иқтисодий масалаларига доир ахборотни текин бериш;
- ходимларнинг вакиллик органларига ўз вазифаларини бажаришлари учун зарур шароит яратиб бериш;
- ходимларнинг вакиллик органларига нисбатан меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда назард тутилган бошқа мажбуриятларни бажариш.

## **ЖАМОА ШАРТНОМАЛАРИ ВА КЕЛИШУВЛАРИ**

### **Умумий қоидалар**

#### **Жамоа шартномалари ва келишувларининг тушунчаси ва мақсади.**

Жамоа шартномаси — корхонада иш берувчи билан ходимлар ўртасидаги меҳнатта оид, ижтимоий—иқтисодий ва касбга оид муносабатларни тартибга солувчи норматив ҳужжатdir.

Жамоа келишуви — муайян касб, тармоқ, ҳудуд ходимлари учун меҳнат шартлари, иш билан таъминлаш ва ижтимоий кафолатлар белгилаш борасидаги мажбуриятларни ўз ичига оловчи норматив ҳужжатdir.

Жамоа шартномалари ва келишувлари ходимлар билан иш берувчиларнинг меҳнатта оид муносабатларини шартнома асосида тартибга солишга ва уларнинг ижтимоий—иқтисодий манфаатларни мувофиқлаш — тиришга ёрдам бериш мақсадида тузилади.

Жамоа шартномалари ва келишувлари тузишнинг асосий таъмийллари қўйидагича:

- қонун ҳужжатлари меъёрларига риоя қилиш;
- тарафлар вакилларнинг ваколатланганлиги;
- тарафларнинг teng ҳуқуқлилиги;
- жамоа шартномалари, келишувлари мазмунини ташкил этувчи масалаларни танлаш ва муҳокама эркинлиги;
- мажбуриятлар олишнинг ихтиёрийлиги;
- олинаётган мажбуриятларнинг ҳақиқатда бажарилишини таъминлаш;
- текшириб боришнинг мунтазамлиги;

- жавобгарликнинг муқарарлиги.

## Жамоа шартномасининг мазмуни ва тузилиши (37-модда)

Жамоа шартномасининг мазмуни ва тузилишини тарафлар белгилайди. Жамоа шартномасига иш берувчи ва ходимларнинг қуидаги масалалар бўйича ўзаро мажбуриятлари киритилиши мумкин:

- меҳнатга ҳақ тўлаш шакли, тизими ва миқдори, пул мукофатлари, нафақалар, компенсациялар, қўшимча тўловлар;
- нархларнинг ўзгариб бориши, инфляция даражаси, жамоа шартномаси билан белгиланган кўрсаткичларнинг бажарилишига қараб меҳнатга ҳақ тўлашни тартибга солиш механизми;
- ходимларни иш билан таъминлаш, қайта ўқитиш, ишдан бўшатиб олиш шартлари;
- иш вақти ва дам олиш вақти, меҳнат таътиларининг муддатлари;
- ходимларнинг, шу жумладан аёллар ва 18 ёшга тўлмаган шахсларнинг меҳнат шароитлари ва меҳнат муҳофазасини яхшилаш, экологик жихатдан хавфсизликни таъминлаш;
- корхонани ва идорага қарашли турар жойни хусусийлаштириш вақтида ходимларнинг манфаатларига риоя қилиш;
- ишни таълим билан қўшиб олиб борувчи ходимлар учун имтиёзлар;
- ихтиёрий ва мажбурий тарздаги тиббий ҳамда ижтимоий суғурта;
- жамоа шартномасининг бажарилишини текшириб бориш, тарафларнинг жавобгарлиги, ижтимоий шериклик, касаба уюшмалари, ходимларнинг бошқа вакиллик органларига фаолият кўрсатиш учун тегишли шароит яратиб бериш;

Жамоа шартномасида корхонанинг иқтисодий имкониятла – рини ҳисобга олган ҳолда бошқа шартлар, шу жумладан қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар билан белгиланган меъёрлар ва қоидаларда кўрсатилганига қараганда имтиёзлироқ меҳнат шартлари ва ижтимоий – иқтисодий шартлар (қўшимча таътиллар, пенсияларга тайинланадиган устамалар, муддатдан илгари нафақага чиқиш, транспорт ва хизмат сафари харажатлари учун компенсациялар, ходимларни ишлаб чиқаришда ҳамда уларнинг болаларини мактабда ва мактабгача тарбия муассасаларида текин ёки қисман ҳақ тўланадиган тарзда овқатлантириш, бошқа қўшимча имтиёз ва компенсациялар) ҳам киритилиши мумкин.

Башарти амалдаги қоидаларда норматив тусдаги қоидалар жамоа шартномасида албатта мустаҳкамлаб қўйилиши шарт деб бевосита кўрсатма берилган бўлса, бундай қоидалар жамоа шартномасига киритилади.

## Жамоа шартномасини тузиш тартиби

Жамоа шартномаси башарти уни умумий йиғилишда иштирок этётгандарнинг эллик фоизидан кўпроқ ёқлаб овоз берган бўлса, маъқулланган ҳисобланади.

Агар жамоа шартномасининг лойиҳаси мақулланмаса, тарафларнинг вакиллари уни умумий йиғилишда билдирилган таклифистакларни эътиборга олган ҳолда ишлаб такомилига етказадилар ҳамда 15 кун ичida умумий йиғилиш муҳокамасига қайта тақдим этадилар.

Умумий йиғилишда маъқулланганидан кейин тарафларнинг вакиллари жамоа шартномасини уч кун ичida имзолайдилар.

## МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ

### Умумий қоидалар

Меҳнат шартномасининг тушунчаси ва тарафлари ЎзР МК 72-моддада келтирилган. Меҳнат шартномаси ходим билан иш беручи ўртасида муайян мутахассислик, малака, лавозим бўйича ишни ички меҳнат тартибига бўйсунган ҳолда тарафлар келишуви, шунингдек меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар билан белгиланган шартлар асосида ҳақ эвазига бажариш ҳақидаги келишувdir.

Ходим ва иш берувчи меҳнат шартномасининг тарафлари бўлиб ҳисобланадилар. Меҳнат шартномасини тузиш ҳақидаги келишувдан олдин қўшимча ҳолатлар (танловдан ўтиш, лавозимга сайланиш ва бошқалар) бўлиши мумкин.

Ходим ўриндошлик асосида ишлаш тўғрисида башарти бу қонун ҳужжатлар билан тақиқланилмаган бўлса, меҳнат шартномалари тузиши мумкин.

Меҳнат шартномасининг мазмуни тарафлар келишуви бўйича, шунингдек меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар билан белгиланади.

Меҳнат шартномаси тарафларининг келишуви билан қўйидагилар белгиланади:

- иш жойи (корхона ёки унинг бўлинмаси);
- ходимнинг меҳнат вазифаси – мутахассислиги, малакаси, у ишлайдиган лавозим;
- ишнинг бошланиш куни;
- меҳнат шартномаси муайян муддатга тузилганда унинг амал қилиш муддати;
- меҳнат ҳақи миқдори ва меҳнатнинг бошқа шартлари.

Меҳнат шартномасини тузиш пайтида ходимларнинг қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар билан белгиланган меҳнат ҳукуқлари ва кафолатлари даражаси пасайтирилиши мумкин эмас.

### Меҳнат шартномасининг шакли

Меҳнат шартномасининг шакли Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан белгиланган тартибда тасдиқланадиган намунавий шартномани ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилади.

Меҳнат шартномаси бир хил кучга эга бўлган камида икки нусхада тузилади ва ҳар бир тарафга сақлаш учун топширилади. Меҳнат шартномасида тарафларнинг мансиллари кўрстидади.

Меҳнат шартномаси ходим ва ишга қабул қилиш ҳукуқига эга бўлган мансабдор шахснинг имзолари билан мустаҳкамланиб, им – золанган муддати қайд этиб қўйилади. Мансабдор шахснинг имзоси ҳақиқий ва ваколатли эканлигини таъкидлаш тариқасида корхона мұҳри билан тасдиқланади.

### Меҳнат шартномасининг муддати

ЎзР МК 75 моддасига биноан меҳнат шартномаси қўйидаги муддатларга тузилади:

- муайян муддатга;
- беш йилдан ортиқ бўлмаган муайян муддатга тузилиши мумкин;
- агар меҳнат шартномасида унинг амал қилиш муддати кўрсатилмаган бўлса, меҳнат шартномаси номуайян муддатга тузилган деб ҳисобланади.

Номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномаси ходимнинг розилигисиз муайян муддатга, шунингдек муайян ишни бажариш вақтига мўлжаллаб қайта тузилиши мумкин эмас.

## ИШ ВАҚТИ.

### ИШ ВАҚТИ ТУШУНЧАСИ.

Ходим иш тартиби ёки графигига ёки меңнат шартномаси шартларига мувофиқ ўз меңнат вазифаларини бажариши лозим бўлган вақтга иш вақти дейилади. Ходим учун иш вақтининг меъёрл муддати ҳафтасига 40 соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Олти кунлик иш ҳафтасида етти соатдан, беш кунлик иш ҳафтасида эса саккиз соатдан ортмаслиги керак.

Корхонада меңнат тартиби иш берувчи касаба уюшмаси қўймитаси ёки ходимларнинг бошқа вакилик органи билан келишиб тасдиқлайдиган ички меңнат тартиби қоидалари билан белгиланади.

Интизом тўғрисидаги устав ва низомлар халқ хўжалигининг баъзи тармоқларида ходимларнинг айrim тоифалари учун амал қиласди.

### Ходимнинг бурчлари

Ходим ўз меңнат вазифаларини ҳалол, виждонли бажариши, меңнат интизомига риоя қилиши, иш берувчининг қонуний фармойишларини ўз вақтида ва аниқ бажариши, технологик интизомига, меңнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги ва ишлаб чиқариш санитарияси тартибларига риоя қилиши, иш берувчининг молмулкини авайлаб асрashi шарт.

Ходимнинг меңнат вазифалари ички тартиб қоидаларида, интизом тўғрисидаги устав ва низомларда, корхонада қабул қилинадиган локал ҳужжатларда (жамоа шартномаларида, йўриқномалар ва хоказоларда), меңнат шартномасида аниқ белгилаб қўйилади.

Иш берувчининг бурчлари 175—моддада кўрсатилган бўлиб, бунда иш берувчи ходимлар меҳнатини ташкил қилиши, қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда, меҳнат шартномасида назарда тутилган меңнат шароитларини яратиб бериш, меңнат ва ишлаб чиқариш интизомини таъминлаши, меңнат муҳофазаси қоидаларига риоя этиши, ходимларнинг эҳтиёж ва талабларига эътибор билан қараши, уларнинг меңнат ва турмуш шароитларини яхшилаб бориши, ушбу кодексга мувофиқ жамоа шартларини тузиши шартлиги белгиланган.

Иш берувчи ходимдан унинг меңнат вазифалари доирасига кирмайдиган ишларни бажаришни, қонунга хилоф ёки ходим ва бошқа шахсларнинг ҳаёти ва соғлиғи учун хавф туғдирувчи, уларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситувчи ҳаракатлар қилишни талаб этишга ҳақли эмас.

Меңнат интизомини таъминлаш масаласи муҳим масала булиб, меңнат интизоми ҳалол меңнат учун рағбатлантириш ва мукофатлаш усувлари билан меъёрл тарзда ишлашга зарур ташкилий ва иқтисодий шароитларни яратиб бериш, ноинсоф ходимларга нисбатан жазо чораларини қўлланиш орқали таъминланади.

Ишдаги ютуқлар учун ходимга нисбатан раҳбатлантириш чоралари қўлланилиши мумкин. Рағбатлантириш турлари, уларни қўлланиш тартиби, афзаллик ва имтиёзлар бериси жамоа шартномалари, ички меңнат тартиби қоидалари ва бошқа лоқал ҳужжатларда, жамоа келишувларида, интизом тўғрисидаги устав ва низомларда белгилаб қўйилади.

Ходимлар меңнат соҳасида давлат ва жамият олдидағи алоҳида хизматлари учун давлат мукофатларига тақдим этилиши мумкин. Иш ҳақи, мукофатлар, қўшимча тўловлар, устамалар ва меңнат ҳақи тизимида назарда тутилган бошқа тўловлар раҳбалантириш турларига кирмайди.

Интизомий жазо амал қилиб турған муддат мобайнида ходимга нисбатан раҳбатлантириш чоралари қўлланилади.

## Интизомий жазолар

Ходимга меҳнат интизомини бузганлиги учун иш берувчи қўйидаги интизомий жазо чораларини қўллашга хақли:

- 1) ҳайфсан;
- 2) ўртача ойлик иш ҳақининг йигирма фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима;

Ички меҳнат тартиби қоидаларида ходимга ўртача ойлик иш ҳақининг қирқ фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима солиш ҳоллари ҳам назарда тутилиши мумкин. Ходимнинг иш ҳақидан жарима ушлаб қолиш Меҳнат Кодекснинг 164 – моддаси талабларига риоя қилинган ҳолда иш берувчи томонидан амалга оширилади.

- 3) Меҳнат шартномасини бекор қилиш (100 – модда иккинчи қисмининг 3 ва 4 – бандлари).

Ушбу моддада назарда тутилмаган интизомий жазо чоралини қўллаш тақиқланади.

## Интизомий жазоларни қўлланиш тартиби.

Интизомий жазолар ишга қабул қилиш ҳуқуки берилган шахслар (органлар) томонидан қўлланилади.

Интизомий жазо қўлланишидан аввал ходимдан ёзма равища тушунириш хати талаб қилиниши лозим. Ходимнинг тушунириш хати беришдан бош тортиши унинг илгари содир қилган ножўя ҳатти – ҳаракати учун жазо қўллашга тўсиқ бўла олмайди.

Интизомий жазони қўлланилишда содир этилган ножўя ҳатти – ҳаракатнинг қай даражада оғир эканлиги, шу ҳатти – ҳаракат содир этилган вазият, ходимнинг олдинги иши ва хулк – автори ҳисобга олинади.

Ҳар бир ножўя ҳаракати учун фақат битта интизомий жазо қўлланилиши мумкин. Интизомий жазо бевосита ножўя ҳаракат аниқлангандан кейин, аммо бу ҳатти – ҳаракат аниқлангандан бошлаб, ходимнинг касал ёки таътилда бўлган вақтини ҳисобга олмасдан, узори билан бир ой ичида қўлланилади.

Ножўя ҳатти – ҳаракат содир этилган кундан бошлаб икки йил ўтгандан кейин жазони қўллаб бўлмайди. Жиноий иш бўйича иш юритилган давр бу муддатта кирмайди.

Интизомий жазо берилгани тўғрисидаги буйруқ ёки қарор ходимга маълум қилиниб, тилхат олинади. Интизомий жазонинг амал қилиш муддати (183 – модда) жазо қўлланилган кундан бошлаб бир йилдан ошиб кетиши мумкин эмас. Агар ходим шу муддат ичида яна интизомий жазога тортилмаса, у интизомий жазо олмаган деб ҳисобланади.

## **ХОДИМГА ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАР УЧУН ИШ БЕРУВЧИННИГ МОДДИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ.**

### **ХОДИМГА ТҮЛАНИЛИШИ ЛОЗИМ БҮЛГАН ЗАРАР.**

Ўз меҳнат вазифаларини бажариши муносабати билан ёки меҳнат қилиш имкониятларидан ғайриқонуний равищда маҳрум этилганлиги натижасида ходимга, боқувчиси иш билан боғлиқ ҳолда вафот этган тақдирда эса, унинг оила аъзоларига (192 – модданинг биринчи қисми) етказилган ҳар қандай зарарни (шу жумладан, маънавия зарарни) иш берувчи, башарти ушбу Кодексда бошқача ҳолат назарда тутилмаган бўлса, тўлиқ ҳажмда тўланади.

Маънавий зарар (жисмоний ёки руҳий азоблар) пул шаклида ёки бошқа моддий шаклда ҳамда иш берувчи ва ходим ўртасидаги келишувга мувофиқ равищда, ходим меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда вафот этган тақдирда эса – иш берувчи ва вафот этган ходимнинг оила аъзолари ўртасидаги келишувга мувофиқ равищда белгиланган миқдорда қопланади. Маънавий зарарни қоплаш юзасидан низо келиб чиқсан тақдирда, бу масала судда кўриб чиқлади.

#### **Иш берувчининг ходим соғлиғига етказилган зарарни тўлаш мужбурияти.**

Ходимнинг соғлиғига меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки у ўз меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши сабабли етказилган зарарни иш берувчи тўлиқ ҳажмда тўлаши шарт.

Ходимнинг иш берувчининг худудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам меҳнатда майиб бўлиши, шунингдек иш берувчи томонидан ажратилган транспортда иш жойига келаётган ёки ишдан қайтаётган пайтда шикастланиши натижасида етказилган зарар учун иш берувчи моддий жавобгар бўлади.

Меҳнатда майиб бўлиш оқибатида ёки ўз меҳнат вазифала – рини бажариши билан боғлиқ ҳолда соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши сабабли ходимга етказилган зарарни иш берувчи, башарти зарар унинг айби билан келиб чиқмаганлигини исботлаб беролмаса, тўлаши шарт.

Ўз меҳнат вазифаларини бажараётган вақтида юқори хавф манбаи натижасида ходимнинг соғлиғига етказилган зарарни иш берувчи, башарти зарар уни бартараф қилиш мумкин бўлмаган кучлар туфайли ёки жабрланувчи қасдан қилганлиги оқибатида келиб чиқсанлиги исботлаб беролмаса, тўлаши шарт.

Ходимнинг соғлиғига шикаст етганлиги муносабати билан тўланиши лозим бўлган зарар жабрланувчининг меҳнатда майиб бўлишига қадар олган ўртacha ойлик иш ҳақига нисбатан фоиз ҳи – собида унинг касбга оид меҳнат қобилиятини йўқотганлиги дара – жасига мувофиқ белгиланадиган ҳар ойлик тўловдан, соғлиғига шикаст этиши билан боғлиқ қўшимча харажатларнинг компенса – циясидан, шунингдек белгиланган ҳолларда эса – бир йўла бери – ладиган нафақа тўлашдан иборатdir.

Ҳужжатлар, шунингдек техник стандартлар билан белгилана – ди. Иш берувчи меҳнатни муҳофаза қилиш талабларини бузганлиги учун жавобгар бўлади.

Ходимнинг меҳнатни муҳофаза қилиш меъёрларига, қоида ва йўриқномаларига, шунингдек маъмуриятнинг ишни бехатар олиб бориш ҳақидаги фармойишларига риоя қилиши, олинган шахсий химоя воситаларидан фойдаланиши, инсонлар ҳаёти ва соғлиғига

бевосита хавф соладиган ҳар қандай ҳолат ҳақида, шунингдек иш жараёнида ёки у билан боғлиқ ҳолда содир бўлган ҳар қандай баҳтсиз ҳодиса ҳақида ўзининг бевосита раҳбарини (бригадири, устаси, участка бошлиги ва бошқаларни) дарҳол хабардор қилиши шарт.

Иш берувчи меҳнат шартномасини тузишда ва бошқа ишга ўтишда ходимни меҳнат шароитлари тўғрисида, шу жумладан касб касалликлари ва бошқа касалликларга чалиниш эҳтимоли, техника ҳавфсизлик қоидаларига риоя қилиши ва шулар билан боғлиқ ҳолда унга бериладиган имтиёз ва компенсациялар, шунингдек шахсий ҳимоя воситалари ҳақида хабардор қилиши керак.

Иш берувчи ҳодимларга ёки уларнинг вакилларига муайян иш жойидаги ва ишлаб чиқаришдаги меҳнатни муҳофаза қилишининг ҳолати ҳақида ҳам ахборот бериш шарт.

## МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК ТЎҒРИСИДА ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ВА МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекс (1994 йил 22 сентябр), Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Қорақалпогистон Республикаси қонунлари, Тошкент шаҳар ва вилоят кенгашлари халқ депутатлари, ҳокимларининг қарорларидан иборатdir. Ушбу Кодекс қоидалари мазкур Кодексга киритилмаган қонун ҳужжатларида содир этганлик учун жавобгарлик назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликларга ҳам тааллуқлиди (1 – модда). Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг вазифалари 2 – моддада кўрсатилган. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари инсон ва жамият фаровошлиги йўлида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, мулкини, давлат ва жамият таркибини, табиий муҳитни муҳофаза қилишни, ижтимоий адолат ва қонунийликни таъминлашни, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларнинг ўз вақтида ва объектив кўриб чиқилишини, шунингдек бундай ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишни, фуқароларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига риоя этиш руҳида тарбиялашни ўз олдига вазифа қилиб қўяди.

Бу вазифаларни амалга ошириш учун ушбу Кодекс қандай ҳаракат ёки ҳаракатсизлик маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳисобланishiни, маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган шахсга нисбатан қайси орган (мансадбор шахс) томонидан қай тарзда қанақа маъмурий жазо қўлланилиши ва ижро этилишини белгилайди.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари қонунийлик, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, демократизм, инсонпарварлик, одиллик ва айб учун жавобгарликнинг муқаррарлиги тамойилларига асосланади (3 – модда).

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги тушунча 10 – моддада келтирилган бўлиб, маъмурий ҳуқуқбузарлик деганда қонун ҳужжатларига биноан маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган, шахсга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, мулкчиликка, давлат ва жамоат тартибига, табиий муҳитга тажовуз қиливчи файриҳуқуқий, айби (қасдан ёки эҳтиётсизлик орқасида) содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик тушунилади.

Ушбу Кодексда назарда тутилган ҳуқуқбузарлик ўз хусусиятига кўра жиноий жавобгарликка тортишга сабаб бўлмаган такдирда амалга оширилади.

Маъмурий жазо жавобгарликка тортиш чораси бўлиб, у маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсни қонунларга риоя этиш ва уларни хурмат қилиш руҳида тарбиялаш, шунингдек ана шу ҳуқуқбузарнинг ўзи томонидан ҳам, бошқа шахслар томонидан ҳам янги ҳуқуқбузарлик содир этилишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади (22 – модда).

Маъмурий жазонинг турлари 23 – моддада кўрсатилган. Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун қуиидаги маъмурий жазо чоралари қўлланилиши мумкин:

- 1) жарима;
- 2) маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашъёни ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш;
- 3) маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашъёни мусодара қилиш;

- 4) муайян шахсни унга берилган маҳсус ҳуқуқдан транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан, ов қилиш ҳуқуқидан маҳрум этиш;
- 5) маъмурий қамоқقا олиш.

Ушбу модда биринчи қисмининг 2 – 5 – бандаларида санаб ўтилган маъмурий жазо чоралари фақат Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан белgilаниши мумкин.

Қонун ҳужжатларида маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганлиги учун чет эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикаси худудидан маъмурий тарзда чиқариб юбориш назарда тутилиши мумкин.

Битта маъмурий ҳуқуқбузарлик учун ё асосий ёки ҳам асосий, ҳам қўшимча жазо чораси қўлланилиши мумкин.

Маъмурий жазо қўлланилишининг умумий қоидалари 30 – моддада белgilangan.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик учун ушбу Кодекс ва бошқа норматив ҳужжатларда белgilab қўйилган доирада ва тартибда қўлланилади.

Жазони қўлланиш чоғида содир этилган ҳуқуқбузарлик хусусияти, ҳуқуқбузарнинг шахси, унинг айборлик даражаси, мулкий аҳволи, жавобгарликни енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар ҳисобга олинади.

Маъмурий жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатлар (31 – модда) жумласига қуиидагилар киради:

- 1) айборнинг ўз қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлиши;
- 2) айборнинг ҳуқуқбузарликнинг зарарли оқибатлари олдини олиш, етказилган зиённи иҳтиёрий равишда тўлаши ёки келтирилган зарарни бартараф қилиш;
- 3) ҳуқуқбузарликнинг кучли руҳий ҳаяжон таъсири остида ёки оғир шахсий, оиласвий ёки бошқа шароитлар юзага келганлиги оқибатида содир этилиши;

4) ҳуқуқбузарликнинг таҳдид ёки мажбурий таъсирида ёки хизмат юзасидан, моддий ёки бошқа жиҳатдан қарамалиги таъсири остида содир этилиши;

5) ҳуқуқбузарликнинг вояга етмаган шахс томонидан содир этилиши;

6) ҳуқуқбузарликнинг хомиладор аёл ўн тўрт ёшгача бўлган боласини якка ўзи тарбилаётган шахс томонидан содир этилиши;

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқувчи орган (mansabdor shahs) бошқа ҳолатларни ҳам жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолат деб топиш мумкин.

Маъмурий жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар (32–мода)га қўйидагилар киради:

1) ғайриқонуний ҳарқатларни тўхтатиш ваколати бор шахслар томонидан қўйилган талабга қарамай, бундай ҳарқатларни давом эттириш;

2) маъмурий жазо чорасига тортилган шахснинг 1 йил мобайнида яна ўша хилдаги ҳуқуқбузарликни содир этиши, худди шунингдек ҳуқуқбузарликнинг илгари судланган шахс томонидан содир этилиши;

3) вояга етмаган шахсни ҳуқуқбузарликка тортиш;

4) ҳуқуқбузарликнинг бир гурӯҳ шахслар тамонидан содир этилиши;

5) ҳуқуқбузарликнинг таббий оғат шароитида ёки бошқа ҳолатларда содир этилиши;

6) ҳуқуқбузарликнинг маст ҳолда содир этилиши.

Маъмурий жазо чорасини қўлланувчи орган (mansabdor shahs) содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликнинг хусусиятига қараб мазкур ҳолатни, айни оғирлаштирувчи ҳолат деб топмаслиги мумкин.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишига ваколати бўлган орган (mansabdor shahs) лар (242–мода)га қўйидагилар киради:

1) туман (shahar) судининг маъмурий ишлар бўйича судъяси;

2) шаҳарча, қишлоқ ва овул фуқароларининг ўзини ўзи бошқариш органлари қошидаги маъмурий комиссиялар;

3) вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи туман (shaҳar) комиссиялари;

4) ички ишлар (милиция) органлари (mansabdor shahslari), давлат инспекцияси органлари (mansabdor shahslari) ва ушбу кодекс билан ваколат берилган бошқа органлар (mansabdor shahslar) кўриб чиқадилар.

#### **Аҳоли соғлигини сақлаш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик.**

Эҳтиёtsизлик орқасида енгил тан жароҳати етказиш (52–мода) да энг кам иш ҳақининг бир бароваридан икки бароваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Қасддан енгил тан жароҳати етказиш, бу ҳарқат соғлиқнинг қисқа муддат ёмонлашувига ёки меҳнат қобилиятининг унча кўп давом этмайдиган турғун тарзда йўқотишга олиб келмаган бўлса, бундай ҳолларда энг кам иш ҳақининг икки бароваридан тўрт бароваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Санитария қонун ҳужжатларини, санитария меъёрларини, қоидаларини ва гигиена нормативларини бузишда фуқароларга энг кам иш ҳақининг иккidan бир бароваригача, mansabdor shahslarga эса – бир бароваридан икки бароваригача миқдорда жарима солинади.

Эпидемияларга қарши кураш қоидаларини бузиш, яъни карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар пайдо бўлиши ёки тарқалишининг олдини олиш мақсадида белгиланган мажбурий қоидаларни бузганда фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан икки бараваригача, мансабдор шахсларга эса икки бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Радиацион хавфсизликка доир қоидалар, меъёрлар, йўриқномалар ва бошқа талабларни бузишда мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солинади.

Гиёхвандлик воситаларини ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай оз миқдорда ғайриқонуний тарзда тайёргарлик, олиш, сақлаш, ташиб ёки жўнатиш (56 – модда) да гиёхвандлик воситаларини, психотроп моддаларни мусодара қилиб, энг кам иш ҳақининг бир бараваридан икки бараваригача миқдорда жарима солишга, гиёхвандлик воситаларини ёки психотроп моддаларни мусодара қилиб, ўн беш суткагача муддатта маъмурӣ қамоқ жазосига сабаб бўлади.

Таносил касаллиги ёки ОИТС (орттирилган иммунитет танқислик синдроми) юқадиган манбани яширишда энг кам иш ҳақининг икки бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Таносил касаллигига ёки ОИТС га учраган шахсларнинг текширишдан бўйин товлаши (58 – модда) энг кам иш ҳақининг икки бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

ОИТС юқсан – юқмаганлигини аниқлаш учун тиббий кўриқдан ўтказишида, шунингдек, тиббий ва косметик муолажаларни ўтказишида хавфсизликни етарли даражада таъминламаганлик – энг кам иш ҳақининг бир бараваридан икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

## АДАБИЁТЛАР

1. Акопов В.И., Бова А.А. Юридические основы деятельности врача. – М., 1997.
2. Бедрин Л.М., Загрядская, Ширинский П.П. Вопросы права и деонтологии в подготовке и воспитании врача. – Ярославль, 1986.
3. Вермель И.Г. Судебно-медицинская экспертиза лечебной деятельности. – Свердловск, 1988.
4. Громов А.П. Права, обязанности и ответственность медицинских работников. – М., 1976.
5. Изуткин А.М., Матюшин И.Ф., Вограйлик В.Г., Лавренко В.П. Проблемы деонтологии в медицине. – Горький, 1978.
6. Концевич И.А. Долг и ответственность врача. – Киев, 1983.
7. Крылов И.Ф. Врач и закон (правовые основы врачебной деятельности). – Л.: Знание, 1972.
8. Крюков В.Н. Судебная медицина (учебник). – М., 1998.
9. Матюшин И.Ф., Изуткин А.М. Становление личности врача. – Горький, 1979.
10. Петровский Б.В. Деонтология в медицине – М., 1988, I-II том.
11. Попов В.Л., Попова И.П. Правовые основы медицинской деятельности. – Санкт-Петербург, 1999.
12. Смольянинов В.М., Ширинский П.П. Годы студенчества – важный этап формирования этики врача. – М.: Медицина, 1978, с. 294-311.
13. Смольянинов В.М., Ширинский П.П. Проблемы медицинской деонтологии. – М., 1977, с.14-16.
14. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 10 нояб—  
рдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини  
ислоҳ этиш тўғрисидаги» № VII—2107 сонли фармони.
16. Ўзбекистон Республикасида «Фуқаролар соғлигини сақлаш  
тўғрисидаги» қонун. — Тошкент, 1996.
17. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси. — Тошкент,  
1996.
18. Ўзбекистон Республикасининг Мехнат Кодекси. — Тошкент,  
1996.
19. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик  
тўғрисидаги Кодекси. — Тошкент, 1994.
20. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодекси. — Тошкент,  
2001.
21. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят—процессуал Кодекси. —  
Тошкент, 2001.

## МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
Бўлажак врачни ҳуқуқий тарбиялаш ва унинг ғоявий—сиёсий онгини шакл— ланиши.....	5
Фуқаролар соғлиқни сақлаш қонунчилик асослари.....	11
Тибий ёрдам кўрсатишнинг ҳуқуқий асослари .....	36
Тиббиёт ходимларининг касб ҳукуқ бузарлеклари ҳолатларида суд тиббиёт экспертизаси .....	44
Тиббиётда врачларнинг хатоси ва бахтсиз ҳодисаларни ҳуқуқий ва деонтоло— гик бахолаш.....	50
Соғлиқ ва ҳаётга қарши жиноятлар .....	58
Жамият хавфсизлиги ва аҳолининг соғлиқига қарши жиноятлар.....	63
Экологик жиноятлар .....	69
Маҳаллий ўз—ўзини бошқариш, даволаш хизмати манбаатлари ва давлат ҳу— кумати хизматларига қарши жиноятлар.....	71
Ахлоқий зарар келтирганлиги учун жавобгарлик.....	78
Тиббиёт ҳужжатларининг даволаш—диагностик, илмий—амалий, тарбиявий ва юридик ахамияти .....	82
Врачлар сирини сақлашнинг ҳуқуқий ва деонтологик аспекти .....	94
Суд—тиббиёти экспертизасининг ҳуқуқий асослари .....	100
Ўзбекистон Республикасининг Мехнат Кодекси.....	121
Жамоа шартномалари ва келишувлари.....	126
Мехнат шартномаси .....	129
Иш вақти. Иш вақти тушунчаси.....	132
Ходимга етказилган зарар учун иш берувчининг моддий жавобгарлиги. Хо— димга тўланилиши лозим бўлган зарар.....	136
Маъмурий жавобгарлик тўғрисида қонун ҳужжатлари ва маъмурий ҳуқуқбузарлик.....	139
Адабиётлар.....	144